ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШМУХАМЕДОВ А.Э., СУННАТОВ М.Н.,
ШИБАРШОВА Л.И.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари
талабалари учун ўқув қўлланма
сифатида тавсия этилган

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти.
Тошкент 2004.

65.5
I 975

THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIAL EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE ECONOMIC UNIVERSITY

ISHMUHAMEDOV A.E., SUNNATOV M.N.,
SHIBARSHOVA L.I.

INTEGRATION INTO THE WORLD ECONOMY

This manual is recommended by the group of "regulating the activities of scientific organizations of higher education" of the Ministry of higher and secondary special education, for the students of higher education establishments majoring in economy

© Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти,
Тошкент 2004

Ишмуҳамедов А.Э., Суннатов М.Н., Шибаршова Л.И. Жаҳон иқтисодиётига интеграция. - (Ўқув қўлланма) — Т.: ТДИУ, 2004 — 160 бет.

Ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашда сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган чуқур иқтисодий ислоҳотлар натижалари ҳамда жаҳон иқтисодиётига собиқадамлик билан кириб бораётган мустақил давлатларнинг тажрибалари, ривожланган мамлакатларнинг амалий ёндашувлари, шунингдек, муаллифлар томонидан ўқилган маърузалар асос қилиб олинган.

Талабалар курсни ўрганиш натижасида олинган билим ва тажрибаларини келгусидаги иқтисодий тартибга солиш амалиётларида қўллай олишлари лозим.

Қўлланма иқтисодий таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Маъсул муҳаррир: и.ф.д., профессор
Холмўминов Ш.Р.
Тақризчилар: и.ф.д., профессор
Воҳобов А.;
и.ф.н., доцент
Раҳимова М.Р.

SAMARQAND ... VA SERVI... ST...
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 440491

Ishmuhamedov A.E., Sunnatov M.N., Shibarshova L.I. Integration into the world economy. (manual) – T.: TSEU, 2004 – 160 pages.

The manual is based on the economic experience of developed countries, experience of Uzbekistan, especially during current years in the direction of market development, and the lectures read by the author.

The students should be able to use the acquired knowledge in practice after studying manual.

The manual is for the students studying in the sphere of economics.

Responsible editor: doctor of economic science, professor Holmuminov Sh.R.
References: doctor of economic science, professor Vohobov A.;
candidate of economic science, senior lecturer Rahimova M.R.

КИРИШ

Иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятининг асоси бозор механизмининг яхши ишлашидир. Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти — фақат мақсад эмас, бойлик кетидан қувиш иштиёқи ҳам эмас, балки кейинги йилларда бутунлай издан чиққан иқтисодий тизимни тартибга солиш, бу жараёндаги қийинчиликларни бартараф этиш, ривожланган давлатлар танлаган йўлдан бориб, тараққиёт сари одимлашдир. Албатта, бозор иқтисодини тиклаш қийин, унинг ривожланиш йўли эса машаққатли, чакир тошлари мўл кўп сўқмоқлидир.

Бинобарин, иқтисод соҳасида яхши тайёргарликка эга бўлган мутахассислар, юқори савиядаги ўқув курслари, дарслик-қўлланмаларга эҳтиёж, албатта, катта.

Тавсия этилаётган ўқув қўлланмаси ташқи иқтисодий фаолият асослари — умумжаҳон иқтисодини яратиш (интеграциялаш) масалаларини қисқа бўлсада, изчил баён қилишдаги дастлабки уринишдир. Мазкур курсга хорижда ва она юртимизда халқаро иқтисодий интеграция соҳасидаги масалалар билан шуғулланаётган олим ва мутахассисларнинг ижодий қараашлари ҳамда макроиқтисодиёт кафедраси ўқитувчиларининг маърузалари, тавсиялари, шу билан бирга етакчи ташкилотларнинг иш режалари асос қилиб олинди.

Жаҳон иқтисодиётига интеграция муаммолари собиқ Иттифоқдан ажралиб чиқиб, мустақилликка эришган ва бирмунча қулай шароитларга эга бўлган Ўзбекистон ҳамда бошқа республикалар, шунингдек, жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин тутган Шарқий Европа мамлакатлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг янги, мустақил ҳамда энг аввало, Европа Иттифоқига мансуб давлатларнинг иш тажрибаларидан фойдаланиш мумкин.

«Жаҳон иқтисодиётига интеграция» (ЖИИ) ўқув қўлланмасининг мақсади ўқувчиларга турли мамлакатлар, қитъалар ва дунёдаги иқтисодий жиҳатдан уюшган давлатлар жаҳон иқтисодиётининг асосий йўналишлари ҳамда халқаро иқтисодий муносабатлар ҳақида муайян билимлар беришдир. Бунда асосий эътибор халқаро иқтисодий фаолиятнинг ривожланиб бораётган долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш масалаларига, бозор иқтисодиётига ўтган турли мамлакатларнинг кенг миқёсдаги халқаро иқтисодий фаолият йўналишларидаги тажрибаларни ёритишга қаратилди. Мазкур ўқув қўлланмада Ўзбекистонинг бошқа мамлакатлар, хусусан, ўз тараққиётида бозор иқти-

содиётига ўтиш йўлини танлаган давлатлар билан олиб бораётган халқаро иқтисодий фаолиятига алоҳида эътибор берилади.

Ушбу курснинг вазифасига ташқи иқтисодий фаолиятнинг туб моҳиятини ўқувчиларга сингдириш киради. Бунда:

- халқаро ҳаёт тажрибасида тан олинган жаҳон миқёсидаги ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўз вақтида амалга оширилиши мамлакатлараро интеграцион (бир мақсад йўлида бирлашиш) жараёнларини кучайтириш;

- хорижий инвестициялар (сармоялар)нинг миллий иқтисодиётга самарали жалб этилиши;

- ташқи иқтисодий фаолиятнинг инвестициявий, қонуний ва меъёрий-ҳуқуқий таянчи мустаҳкамланиши ҳақида муайян билимлар берилиши назарда тутилади.

Ўқувчилар ушбу курс бўйича эгаллаган билим ва тажрибаларини келгусида халқ хўжалиги соҳасидаги амалий фаолиятларида тадбиқ эта олишлари лозим.

I боб

ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАВРИДА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

1.1. Иқтисодиёт моделлари

Жаҳон хўжалигида интеграция ҳар қандай миллий иқтисодиёт жараёнини таъминлашнинг муҳим қуролидир. Интеграциянинг бир-биридан фарқли бўлган икки хил модели мавжуд. Биринчиси, экспорт тармоғини афзал кўрган ҳолда дунё бозорига бирлашувчи очиқ иқтисодиёт яратишни мўлжаллайди. Иккинчиси, маҳсулот айирбошлашни биринчи ўринга қўйган ҳолда юқори божхона тўсиқларига эга бўлган ёпиқ хўжаликни афзал деб билади.

Ўзбекистонда барқарор шароитлар ҳисобга олинган очиқ иқтисодиёт модели асос қилиб олинган. Бошқаришдаги туб ислоҳотлар, бозор муносабатларига ўтиш, чинакам мустақилликка эришиш омиллари Ўзбекистоннинг очиқ иқтисодиётини амалга ошириш йўли билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг жаҳон хўжалик алоқаларига фаол киришувини белгиламоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига уюшган ҳолда халқаро меҳнат тақсимотида оқилона сиёсат юритиш орқали тенг ҳуқуқли аъзо (республика) сифатида ўз ўрнини топмоқда.

Очиқ жаҳон бозори иқтисодиётини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятда тараққиётга олиб борувчи бу тўғри сиёсий йўлни янада ривожлантириш Ўзбекистон ҳуқуқий давлатининг мустақиллигини кафолатлайди, унинг халқ хўжалигини барқарорлаштириш омили бўлади.

Иқтисодий мустақилликни таъминлаш "фақат ўз кучига суяниш" ғояси муаллифлари илгари сурган фикрга зиддир. Ҳозирги замон шароитида халқаро меҳнат тақсимотида яккаланиб қолиш мумкин эмас. Ўз кучига амал қилиш даври аллақачон ўтиб кетди. Ўзини ўзи таъминлаш йўли ҳозирги шароитларда иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга ғов бўлмоқда. У мавжуд бойликлардан оқилона фойдаланиш имкониятларини яратмайди, бозор иқтисодиётига ўтишни мураккаблаштиради. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, ички бозорни фақат ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан тўлдиришга уриниш муваффақиятсизликка олиб келади.

Ҳозирги замон кишисининг эҳтиёжлари шу даражада кўп ва хилма-хилдирки, уларни фақат ички бозор маҳсулотлари билан қондириб бўлмайди. Бошқача айтганда, мамлакатни жаҳон бозоридан ажратиб, "табиий хўжалик" доирасида иш юритиш мумкин эмас.

Ички ёпиқ иқтисодиётни шакллантириш муқаррар равишда юз мингларлаб товарларни бўлиб-бўлиб ташланган кўплаб тармоқларда ҳамда миллий монополист корхоналарда ишлаб чиқаришга олиб келади. Бундай шароитларда сифатли ҳамда арзон маҳсулотларнинг мўл-кўллиги ва хизмати билан вужудга келадиган бозор рақобати тўғрисида гапиришга ҳожат қолмайди.

Анархия (ўзбошимчалик), айниқса, ўрта ҳол мамлакатда миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда фаровонлик учун ҳеч қачон самарали бўлмаган. Ихтисосликни чуқурлаштириш ва халқаро рақобатни кучайтириш эвазига молларни танлаш имконияти ва хизмат кенг миқёсда йўлга қўйилса, нархларни арзонлаштиришга эришиладики, бундан истеъмолчилар манфаат кўрадилар.

Тажриба шуни кўрсатадики, очиқ иқтисодиёт ҳатто ноқулай таъсирларга ҳям мослашишда кўпгина имкониятларга эга бўлиб, табиат бойликларидан самарасиз ва унумсиз фойдаланишга барҳам беради. Бундан ташқари шу нарса муҳимдирки, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши, иқтисодий кенгликнинг ортиши туфайли ички бозорнинг нисбатан торайиш муаммоси бартараф этилади ва ўзидан ортиб қолган маҳсулотларнинг сармоя оқимини бошқа мамлакатларга ҳам чиқариш имкони туғилади.

XX асрнинг кейинги ўн йиллигида илмий-техника инқилобининг тараққиёти ва хўжалик ҳаётининг тобора чуқурлашуви натижасида ташқи иқтисодиёт омиллари доимий ўсиб бормоқда. Бунга яққол далил кейинги ўн йил давомида дунё миқёсида иқтисодий тараққиётнинг асосий ғояси — муросасозликнинг ҳукм суришидир. Бинобарин, бу ғоя фақатгина социалистик мамлакатлар учунгина хос эмас, балки ривожланаётган ва тараққий этган мамлакатлар ҳам эътироф этган аниқ-равшан ғоя ҳамда табиий ҳисобланади. Иқтисодий сиёсат соҳасидаги муросасозлик айрим мамлакатларнинг ички доирасида ҳам, халқаро иқтисодий муносабатлар миқёсида ҳам намоён бўлмоқда.

Халқаро савдо ишлари, сармоя ва капиталлар оқимида барча эътироф қилган муросасозлик иқтисодиёт даражасини ошириш ва жадал ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида юзага чиқмоқда.

Жаҳон иқтисодиёт макони ҳозирги даврда савдо-сотиқ ва сармоя оқимлари билан боғлиқ миллий иқтисодиёт тармоғи сифатида эмас, балки минтақавий ва миллий кичик секторлардан (бўлимлардан) иборат ягона сармояли, ишлаб чиқариш ва савдо майдонига айланмоқда.

Турли мамлакатлар, минтақалар турлича иқтисодий ривожланиш даражасида ва турли хил иқтисодий манфаатларга эга бўлсаларда, муросасозлик ва интеграция — бош ғоя бўлиб хизмат қилмоқда ҳамда у узоқ муддат давомида амалга оширилади.

Миллий иқтисодиётда ташқи иқтисодий алоқалар қандай роль ўйнайди?

Бу тўғрида фикр юритганимизда, аввало, худди шу йўл билан бизда мавжуд бўлмаган ёки етишмаган машиналар, асбоб-ускуналар, комплектлаштирувчи қисмлар, агрегатлар, эҳтиёт қисмлар ва деталлар, шунингдек, қайта ишлаш учун хомашё маҳсулотлари, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган конструктив материаллар етказиб берилишини алоҳида қайд қилмоқ зарур.

Бошқа мамлакатлардан юқори даражада тайёрланган асбоб-ускуналарни, айниқса, уларнинг комплектларини қатор корхона, цех ва учас-

ткаларга етказиб бериш ҳар томонлама қулайликлар яратади: объектларни қуриш ва жиҳозлаш, ишга туширишига кетадиган вақт тежалади, катта қувватни ишга солган ҳолда керакли маҳсулотларни олиш имкониятлари яратилади. Бинобарин, мамлакатда бундай ишни лойиҳалаш ва зарур маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ортиқча вақт сарфланмайди. Масалан, атиги икки ярим йил ичида Асака шаҳрида автомобилсозлик мажмуаси барпо этилди. Бунда замонавий хориж асбоб-ускуналари, технологиялари ҳамда хорижий сармоялардан самарали фойдаланилди.

Бошқа мамлакатлардан янги машиналар, асбоб-ускуналар, шунингдек, бошқа техника ҳужжатларига лицензия ҳамда илғор технология сотиб олиш, илмий-техника ишлари ютуқларини ишлаб чиқаришга тезлик билан жорий этиш, юқори даражадаги илғор технологик жараён ва янгиликларни амалиётга тадбиқ этиш ишлаб чиқариш меҳнати самарадорлигини ошириш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, пировард натижада ички ва ташқи бозор учун харидорбоп маҳсулотларни янада кўпайтиришга хизмат қилади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, чет мамлакатлардан сотиб олинадиган техника ва технология энг юқори даражада замонавий бўлиши, ишлаб чиқаришга тезлик билан жорий этиладиган даражада қулай бўлган машиналар ва асбоб-ускуналар ўзини ҳар томонлама оқлаши зарур, акс ҳолда, минглаб яшикларлаги хорижий ускуналар яроқсизлиги туфайли базалар ва омборларни беҳуда тўлдириб ётади.

Ўзбекистонга келтирилган хорижий материаллар халқ хўжалиги эҳтиёжларини тўлиқ қондириш билан аҳамиятли бўлиши зарур. Хусусан, қора металл, труба, юқори даражадаги босимга чидамли полиэтилен ва бошқалар ана шундай керакли материаллар қаторига киради. Бунда ишлаб чиқариш учун сув ва ҳаводек зарур ҳомашё маҳсулотларини ҳам ташқи бозордан харид қилиш фойдадан ҳоли эмас. Хориждан маҳсулотлар олинмаган тақдирда ишлаб чиқариш маҳсулотларини камайтириш, ҳатто улардан воз кечишга ҳам тўғри келар эди.

Ўз навбатида, чет давлатларга моллар чиқаришнинг (экспорт) ҳам ишлаб чиқаришга таъсири катта. Экспорт чет эл бозорига чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш имкониятини яратиш орқали маҳсулот таркибини туширади, самарадорликни оширади. Ташқи бозорга маҳсулот чиқариш ишлаб чиқаришни қайта қуришга чорлайди, халқаро меҳнат тақсимотини ҳисобга олган ҳолда самарадорликни янада таъминлайди.

Ишлаб чиқаришда кўпгина қулай шароитлардан фойдаланишда асқотадиган "очиқ" иқтисодиёт бошқа моделларга нисбатан ташқи бозорга маҳсулотлар чиқаришда талайгина иқтисодий самаралар келтириши билан ажралиб туради.

1.2. Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи

Жаҳон бозори янада бирлашиб, унга ўткинчи иқтисодга эга бўлган мамлакатлар ҳам қайтиб келмоқда. Охирги ўн беш йил

ичида жаҳон савдо-сотиғи ишлаб чиқаришдан кўра анча тез ривожланди. Жумладан, хорижий сармояларнинг ривожланаётган мамлакатларга бўлган оқими ўн йил ичида олти маротаба ортган.

Интеграцияга ёрдам кўрсатиш ҳамда юзага келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида умумий қоидалар ишлаб чиқилган ва уларга алоқадор бўлган институтлар ташкил этилган. Айниқса, бу борада Жаҳон савдо уюшмаси (ЖСУ) алоҳида ўринга эга бўлиб, унга 110 мамлакат аъзодир.

Ривожланган мамлакатлардан кўпчилиги кейинги вақтда очиқ иқтисодиёт йўлига ўтганлиги сабабли, жаҳон хўжалиги тизимида фаол роль ўйнамоқдалар. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларнинг экспорт ва импорт ҳиссаси ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 43 %ини ташкил этади, ваҳоланки, ўн йил илгари бу кўрсаткич 33 % эди.

Ўткинчи иқтисодиётдаги мамлакатлар кўп йиллик яккаланишдан сўнг жаҳон бозорига чиқиб, бирлашишдан манфаат кўрмоқдалар, ислоҳот йўналишида турган бошқа мамлакатлардан кўра, кўпроқ ютуққа эришмоқдалар.

Умумжаҳон савдосининг фойдаси ички бозор муросасозлиги билан боғлиқ иқтисодий устунликдан ҳам анча кўпроқдир. Мамлакатлараро капитал, товар ва ғоялар ҳаракати ягона марказий раҳбарият томонидан эмас, аҳтиёж ва таклифлар асосида бошқарилмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш меҳнатини, савдо кўламини ва миллий даромадни тобора ўстиришга йўллайди. Бошқа томондан олганда, ўзаро бирлашиш мамлакатлар очиқ савдо йўлида туришига ёрдам беради, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш эса мамлакат ичида тегишли институтлар барпо этилишига сабабчи бўлади.

Очиқ савдо сиёсатини ва чет эл сармояларининг жалб этилишини мунтазам равишда муҳокама қилиш ғоятда муҳимдир. Асосий гап ташқи дунё билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, яъни тижорат оқимлари ва уларнинг жаҳон савдосига таъсири, тезкорлик билан ЖСУ га кириш ва унинг ҳаққоний аъзоси бўлиш, минтақавий савдо битимлари тузиш, янги иқтисодиёт йўлига ўтган мамлакатлардан капиталнинг оқиб келиши ва уларнинг бошқа ривожланаётган мамлакатларга таъсири ҳақида бормоқда.

Дунё аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этувчи мамлакатларнинг ўзаро муваффақиятли уюшмаси (интеграцияси) бутун жаҳондаги иқтисодий тизимга ўзининг самарали таъсирини ўтказмоқда. Шу билан бир қаторда, аввалги иқтисодий йўналишда бўлган мамлакатлар умумжаҳон бозорига ўтиши натижасида айрим мамлакатларнинг манфаатлари чекланиб қолмасмикан, деган хавотир кўпчиликда йўқ эмас, бу ҳавотирланишда жон бор.

Жаҳон хўжалиги тизимига бирлашиш, шубҳасиз, янги имкониятлар яратибгина қолмай, ўтиш жараёнида келиб чиқадиган хавф-хатарлардан ҳам ҳоли эмас. Кўпгина мамлакатлар балки, ўтиш

давридаги чиқимлардан қочиб қутулмаслар, лекин далиллар шуни кўрсатадики, кенг ва рақобатли жаҳон бозорида иштирок этиш барча сарф-харажатларнинг ҳиссасини ортиғи билан қайтаради.

Шуни таъкидлаш зарурки, иқтисодий ўтиш даврини бошдан кечирган мамлакатларнинг ташқи савдода ўз ўрни бор. Масалан, Хитой 1978-1994 йиллар мобайнида йирик экспортёр мамлакатлар рўйхатидаги ўттиз иккинчи ўриндан учинчи ўринга чиқиб олди. Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда Янги Мустақил Давлатлар (ЯМД) бугунги кунда экспорт ва импортдан тенг равишда манфаатдордирлар. Бироқ уларнинг савдо ҳажми қандай бўлади-ю, кимлар билан савдо олиб борилади?

Иқтисодий моделларга асосланган қатор баҳолар ва тахминий маълумотлар (прогнозлар), шунингдек, анчагина ишончли расмий далиллар шуни кўрсатадики, агар Янги Мустақил Давлатлар бозор тамойилларига амал қилиш йўлидан борсалар, эҳтимол савдо-сотиқ қурилишида умумий йўналишдаги барқарорликка эришишлари мумкин.

1.3. Ўткинчи иқтисодли мамлакатларда ТИФ ривожланиши

Бозор томон йўл олган мамлакатлар жаҳон иқтисодиёти олдида улкан имкониятларни очадилар. Ишлаб чиқарувчилар янги бозорларга, истеъмолчилар товарларга йўл топадилар.

Иқтисодий самарадорликнинг ортиши ва ресурсларнинг жалб этилиши ўткинчи иқтисодиётли мамлакатларда таклиф қилинган товар ва хизматчиларнинг умумжаҳон кўлами ортишини таъминлайди. Интеграция туфайли кам тармоқли ва ички тармоқли савдонинг ўсиши, Марказий ва Шарқий Европа (МШЕ) мамлакатларида кузатилганидек, товарлар хилининг кўпайиши ва ишлаб чиқаришнинг рационализация қилиниши, ишлаб чиқаришдаги масштаблар асосида тармоқларда тежамга эришилиши туфайли дунёда фаровонликнинг ошишига олиб келади. Охирги беш йил ичида жаҳон бозорида импорт ва экспорт ҳажми икки бараварга кўпайди, шу вақт ичида МДҲ мамлакатларида МШЕ мамлакатларига импорт миқдори 216%га, экспорт миқдори эса 159%га ошди (2001 йил).

Бозор иқтисодиёти, хусусан, саноати ривожланган мамлакатлар, ўткинчи иқтисодиётли мамлакатлар савдонинг ўсишидан манфаатдор ва улар учун ўз бозорларини очиб беришга тайёрдирлар.

Албатта, интеграция ортидан бирмунча чиқимларга йўл қўйилади. Улар янги иқтисодий ҳолатларга боғлиқ, айниқса, кўп меҳнат талаб қилиб товарлар ишлаб чиқарувчи ривожланган мамлакатлар кучли рақобатга дуч келадилар. Саноати ривожланган мамлакатлар эса ўз имкониятларини тўла ишга солиб, бошқа тармоқ-

ларда уступликларини намойиш қиладилар. Бироқ қилинган чиқимлар тўғри баҳоланса, уларнинг мўътадиллиги кўриниб туради.

Ўткинчи иқтисодиётли мамлакатлар жаҳон бозорининг бугун талабларини қондирмайдилар, лекин ишлаб чиқарувчилардан кўпроқ янги товарларни кашф этиш, кишилар фаровонлиги учун кўплаб хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва зарурий хизматларни *бажариш талаб этилади*.

Ўткинчи иқтисодиётли мамлакатларнинг савдо интеграцияси натижаси туфайли Европа бирлигига хавф борми?

Таъкидланганидек, бугунги кунда Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари Марказий ва Шарқий Европа (МШЕ) мамлакатларининг *асосий савдо шерикларидир*. 1989 йилдан бери улар ўртасидаги савдо айланмаси салкам икки бараварга ошди. МШЕ мамлакатлари ЕИ учун жуда қулай экспорт бозори бўлди. МШЕ мамлакатлари ва ЕИ ўртасидаги Европа битими бозорларни ҳар хил товарлар билан тўлдиришга йўл очди. Бироқ ҳали ҳам "таъсирчан" *маҳсулот импортида айрим чекланиш мавжуд*. Қишлоқ хўжалигида аввалгидек протекционистик сиёсат олиб борилмоқда, антидемпинг ва протекционистик чораларнинг хавфи металлургия ва кимё товарлари экспортининг самарали муросасозлилигини юклаб қўймоқда. Аммо очиқ савдо ҳақида Европа битими МШЕ даги ишлаб *чиқарилган савдо ислоҳотларини мустаҳкамлашга* ёрдам беради. Икки минтақа ўртасидаги савдо алоқаларининг ривожланиш жараёнида ички тармоқдаги савдо ҳамда МШЕ мамлакатлари корхоналарининг ишлов бериш ва йиғиш соҳаларидаги фаолият ҳажми ўсмоқда. ЕИ ташқаридаги пудратчилар билан ЕИ компанияларининг *шартнома тузишларини Европа битими* рағбатлантиради. Ўз навбатида, компаниялар лойиҳа-конструкторлик ишлаб чиқаришини, материалларни, сифат назорати ва маркетингни *таъминлайди*. Бундай ёндашиш Европа Иттифоқи корхоналарида малакали ва арзон ишчи кучидан фойдаланишга имкон яратиб беради. Бунда йўқотиш ва *таваккалчилик кам*. МШЕ мамлакатлари шериклари билан янги ташқи бозорга чиқиб, ўзаро тўқнашмоқдалар.

"Таъсирчан" маҳсулотлар савдосини *янада кенгайтириш* Европа Иттифоқидаги ишлаб чиқарувчиларни ташвишларга солиб келди. Аммо далиллар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур моллар билан тўла *муросасозлик савдоси импортга*, ишлаб чиқариш ва ЕИ бандлик даражасига кам миқдорда таъсир қилади. Чунки, МШЕ мамлакатлари асосий товар билан таъминловчи эмаслар. Ҳақиқатдан ҳам, янги Мустақил Давлатларнинг (ЯМД) узоқ муддатли савдо интеграцияси савдо окимининг маълум даражада ошишига олиб келади. Шундай бўлса ҳам, гап кўпроқ ЯМД дан ташиладиган ёқилғилар (асосан, нефть, табиий газ) билан таъминлашнинг ошиши ва уларни Ғарбий Европага катта ҳажмдаги *капитал ва юқори* технологик молларга (станок, ускуналар) ва юқори сифатли, узоқ

муддат ишлатиладиган кўп истеъмол молларига алмаштириши тўғрисида боряпти.

Европа Иттифоқида ҳозирги пайтда савдода иштирок этаётган Ўрта Денгиз ва Африка мамлакатлари ЕИ ва МШЕ мамлакатлари ўртасидаги савдо муросасозлиги натижасида юзага келадиган чиқимдан ташвишдадирлар. Аммо бир қатор Ўрта Денгиз мамлакатлари 1970 йилдан ЕИ саноат моллари бозорида бож солиғисиз ва қишлоқ хўжалик моллари бозорига эса имтиёзли кириш ҳуқуқларига эга. Бинобарин, бу афзалликлар МШЕ ва ЕИ савдо ҳамкорлиги ривожланиши натижасида сақланиб қолиши шубҳасиздир. Шуни тан олиш керакки, бу мамлакатларнинг иқтисодий жаҳон аренасида пайдо бўлиши, ўз навбатида, Европа Иттифоқи бозорларида Ўрта Денгиз мамлакатлари экспортёрларининг географик афзалликлардан маҳрум бўлишига олиб келиши мумкин. Лекин Ўрта Денгиз мамлакатларининг Европа Иттифоқи бозорида экспорт қисми (нефть экспортидан ташқари) ҳанузгача бир хил бўлиб қолаяпти. Ўрта Денгиз ҳамда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари жаҳон савдосида ўзига хос афзалликларга эга, ҳақиқатдан, бу икки минтақанинг экспорт тузилиши ҳеч бир-бирини кесиб ўтмайди. ЕИ бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортининг четланиб қолиши қатор Ўрта Денгиз мамлакатлари учун катта аҳамиятга эга. Чунки, улар бу соҳада ўз экспорт куч-қувватини тўлиқ кўрсатишга қодирдирлар.

Ломойск конвенциясига имзо қўйган Африка мамлакатлари ҳам ҳанузгача ЕИ бозорига кириш имтиёзларидан фойдаланмоқда. Уларнинг кўпчилигида МШЕ мамлакатлари билан қишлоқ хўжалигидаги рақобат бир-икки хилдаги маҳсулотлар билан чекланади, келиб чиқадиган нохуш натижалар компенсация қилинади. Чунки, тез ривожланаётган МШЕ мамлакатлари Ўрта Денгиз ва Африка мамлакатларидан келадиган экспорт учун ўзлари потенциал бозор бўла оладилар.

МШЕ мамлакатлари нисбатан юқори малакали ишчи кучига эга бўлиб, халқаро саҳнага чиқадилар. Улар таълим тузилмаларига бирмунча янгилик ва ўзгартиришлар олиб киришларига тўғри келади. Бу эса, Илмий-тадқиқот институтларининг (ИТИ) тараққиётини белгилайди. Чунки, ИТИ фақатгина молиявий восита ва ускуналар манбаи бўлиб қолмай, балки бошқариш ва савдо-сотиқ алоқаларининг ривожланишига олиб келади. Келажакда МШЕ мамлакатлари оддий, лекин кўп меҳнат талаб қиладиган маҳсулот ўрнига ўрта ва юқори даражали малака талаб қиладиган товарлар ишлаб чиқариб, ҳақиқий равишда рақобатчи бўладилар. Бу тузилмалардаги ўзгаришлар МШЕ мамлакатлари ва кам даромадли ривожланаётган мамлакатлар ўртасида тўғридан-тўғри бўладиган рақобатлиликни қисқартиради.

Қисқача хулосалар

Очиқ жаҳон бозори иқтисодиётини шакллантириш, ташқи иқтисодий фаолиятда тараққиётга олиб борувчи бу тўғри сиёсий йўлни янада ривожлантириш Ўзбекистон ҳуқуқий давлатининг мустақиллигини кафолатлайди.

Жаҳон бозори янада бирлашиб, унга ўткинчи иқтисодга эга бўлган мамлакатлар ҳам бирлашмоқда.

Иқтисодий интеграция ТИФнинг ривожланишидир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодиёт модели нима?
2. Иқтисодиёт моделларини айтиб беринг.
3. Очиқ иқтисодиёт моделининг асосий қоидаларини айтиб беринг.
4. Очиқ иқтисодиёт ёпиқ туридан нимаси билан фарқланади?
5. Қандай шароитларда ёпиқ иқтисодиёт мавжуд бўлади?
6. Ўзбекистон иқтисодиёти қайси моделни қўллаш билан ривожланади?
7. Жаҳон бозори деганда нималар тушунилади?
8. Жаҳон савдо уюшмасининг роли нималардан иборат?
9. МДҲ мамлакатларининг жаҳон бозоридаги рақобати қандай қечмоқда?
10. Яқин ва узоқ чет эл мамлакатлари иборасининг маъносини тушунтириб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.,1995.
3. Ишмушамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Текст лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.
4. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная эканомика. Теория и политика. –М., МГУ, 1997.
5. Расулев А.,Бедринцев А.,Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: «Узбекистан», 1996.
6. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. Пер. с анг. 2-е издание. – М.: Депо ЛТД, 1993.
7. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. Радаева В.В. и Бузгалова А.В. М.: МГУ, 1995.

II боб

«ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯ» ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ

2.1. Ташқи иқтисодий муносабатлар ҳақида тушунча

Ташқи иқтисодий муносабатлар – миллий хўжаликлар ўртасида чуқур барқарорлашган ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиши ва меҳнат тақсимоти, турли даражада ҳамда турли шаклларда юзага келган ўзаро алоқалар асосида мамлакатларнинг хўжалик-сиёсий жиҳатдан бирлашиш жараёни. Кичик даражада бу жараён бир-бирига яқин мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий битим тизимини шакллантириш йўли билан ташкил этилган айрим хўжалик субъектлари (корхоналар, фирмалар) жамғармаларини ишга солиш, хорижда филиаллар (бўлимлар) барпо этиш орқали содир бўлади. Давлатлараро миқёсдаги интеграция (бирлашиш) давлатларнинг иқтисодий бирлигини шакллантириш ва миллий сиёсат келишуви асосида юзага келади.

Фирмалар ўртасидаги алоқаларнинг жадал ривожланиши давлатлараро (айрим ҳолларда давлатлар устидан) бошқариш заруратини келтириб чиқаради ва ўз навбатида, бу бошқариш мамлакатлар ўртасида муайян минтақалар миқёсида ишчи кучи воситасида товарлар, хизмат кўрсатиш, капиталлар эркин ҳаракатни таъминлашга; иқтисодий ҳамкорлик асосида илмий-техникавий, молиявий ҳамда валютали, ижтимоий, ташқи ва ҳарбий сиёсатни ўтказишга қаратилади. Бунинг натижасида умумий иқтисодий тақсимот, молиявий жамғармалар; умумий миқёсдаги миллий ёки давлатлараро бошқариш ташкилотлари воситасида ягона валютали инфратузилма асосида бус-бутун минтақавий хўжалик комплексларини яратишга эришилади.

Энг оддий шакл – Божхона иттифоқи амалдаги эркин савдо зонаси билан бир қаторда, ягона тарздаги ташқи савдо тарифини ўрнатиш ва учинчи мамлакатга нисбатан ягона ташқи савдо сиёсатини ўтказиш чорасини кўрмоқда.

Халқаро айирбошлашнинг ўтган аср 90-йилларигача бўлган ривожланиши давомида, шунингдек, қадим замонлардан буён мамлакатлар моддий неъматларни тайёр маҳсулотлар ва турли хил ресурслар кўринишида ўзаро айирбошлаб келишган, яъни бир-бирлари билан Халқаро иқтисодий муносабатларга киришишган. Ўз навбатида, айирбошлашнинг ҳажми ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига ва товар ишлаб чиқариш ҳажмига бевосита боғлиқ бўлган. Чунки, ишлаб

чиқариш ҳажмининг ўсиши, бир томондан, мамлакатлар ўртасида хўжалик алоқаларининг кенгайишига имкон яратса, иккинчи томондан, турли хил хомашёлар, материаллар ва бошқа ресурсларга бўлган талабнинг ошиб бориши айирбошлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Халқаро айирбошлаш, айниқса, XIX асрда кенг ривожланди. Унинг ҳажми 1800 йилдан 1913 йилгача 20 мартагача ошди ёки 1800 йилда жаҳон ишлаб чиқаришининг 3% ини ташкил этган бўлса, 1913 йилда 33%ини ташкил этди. XX асрда Халқаро иқтисодий муносабатлар ўзининг нотекис ривожланиши билан ажралиб туради. Масалан , 1913-1950 йилларда халқаро савдо ва ишлаб чиқариш жуда секин суръатлар билан ўсди. Чунки, жаҳон хўжалиги шу йиллар давомида бўлиб ўтган I ва II Жаҳон урушлари натижасида ҳамда ривожланган капиталистик малакатларда чузилиб кетган иқтисодий инқирозлар сабабли жуда катта моддий йўқотишларга учради. Аммо кейинги давр, яъни 1950 −1973 йиллар жаҳон ишлаб чиқаришида ва савдосида «олтин давр» ҳисобланади. Бу даврда ўртача ўсиш саноат ишлаб чиқаришда 6 %ни, жаҳон савдосида 10 %ни ташкил этди. Бундай юксалиш 1974 йилга келиб, халқаро бозорда нефть баҳосининг кескин кўтарилиб кетиши натижасида узилиб қолди. Масалан, 1973 йилнинг охирларида унинг баҳоси 14 долларгача кўтарилди, Эрон, Ироқ можароси сабабли 1 баррель нефтнинг баҳоси янада ошди ва 35 АҚШ долларини ташкил этди.

Дунёда бошланган «нефть инқирози» ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида чуқур тузилмавий ўзгаришлар бошланишига олиб келди. Бу мамлакатларда 70-80 − йиллар мобайнида энергия ресурсларини кам истеъмол қилувчи ҳамда интеллектуал имкониятлардан мумкин қадар тўлиқ фойдаланишга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришлар барпо этилди. Шу сабабли 1983-1990 йиллар жаҳон иқтисодиётининг энг давомли юксалиш даври бўлди.

Янгидан пайдо бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар, ўз навбатида, турли хил хомашёлар ва табиий ресурсларнинг маълум қисмини кўпроқ четдан ташиб келтиришни ҳамда тайёр маҳсулотларни миллий чегаралардан ташқарида сотишни кенгайтиришни бошлади.

Масалан, 90-йилларнинг бошида ривожланган Европа мамлакатлари нефтга бўлган эҳтиёжларининг 75-80%ини, АҚШ марганец рудаси, никель ва бокситга бўлган эҳтиёжининг 75-100%ини импорт ҳисобига қондирди. Япония иқтисодиётининг ривожланиши эса, асосан турли хил ёқилғилар ва хомашёларни

ташиб келтирилишига боғлиқ. Шу билан бир вақтда ушбу мамлакатлар фан ва техника ютуқларига асосланган маҳсулотларни дунё бозорига жуда катта миқдорда етказиб берувчи мамлакатлар ҳисобланади. Ер юзининг барча мамлакатларида харид қилинаётган автомобиллар, компьютерлар, мураккаб дастгоҳ ва асбоб-ускуналар, маиший уй-рўзғор жиҳозлари, асосан Ғарбий Европа мамлакатлари, АҚШ ёхуд Япония маҳсулотларидир.

Ривожланган мамлакатларда замонавий истеъмол товарлари, саноат технологиялари, ахборот тизимларининг кенг тарқалиши, уларга ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришга ва турли хил ресурслардан тежамли фойдаланишга кенг имкон яратди. Ҳозирги замон халқаро иқтисодий муносабатларининг асосий хусусиятлари XX асрнинг сўнгги йилларида етакчи жаҳон мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг туб сифат ўзгаришлари ҳамда жаҳон хўжалиги тузилишида ва ўсиш суръатларида бўлган ўзгаришларнинг кучайиб бориши халқаро муносабатларнинг ҳозирги босқичидаги хусусиятларини белгилаб беради.

Биринчидан, халқаро айирбошлашнинг таркибий тузилиши сезиларли даражада ўзгарди, мамлакатлар маҳсулотлар айирбошлашдан ташқари турли хил хизматлар, молия капитали, ишчи кучи, фан-техника ахборотлари, янги технологиялар, бошқарув усуллари ва бошқалар билан фаол савдо-сотиқ олиб боришга ўтдилар. Масалан, жаҳон экспортида хизматлар улуши 60-йилларнинг охиридан 80-йилларнинг охиригача 27 —30 фоиз кўтарилди, дунёнинг саноатлашган 13 етакчи мамлакатида капиталнинг экспорти 1990 йилларнинг бошида 1970 йилдагига нисбатан 8 баравар ошган.

Иккинчидан, капиталнинг четга чиқарилиши кучайиши ва мамлакатлар ўртасида айирбошлашнинг кенгайиши замонавий халқаро иқтисодий алоқаларнинг мамлакатлараро уйғунлашувига олиб келди. Бундай хусусият ўз фаолиятини бир қанча давлатлар ҳудудида амалга оширадиган трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва банклар (ТМБ) сонининг ошиб боришида ўз аксини топди.

Ҳозирги вақтда жаҳонда 20 мингдан ортиқ ТМК лар мавжуд бўлиб, улар жаҳон саноат ишлаб чиқаришининг тўртдан уч қисмидан кўпроғини, ташқи савдонинг эса ярмидан кўпроғини назорат қилиб туради. Мисол учун, «Женерал Моторс», «Ройл Датч шелл», «Эксон» каби йирик ТМКлар айланмаси ҳажми Ўзбекистонда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдоридан икки мартадан ҳам ортиқ. Ўз ихтиёрида беҳисоб моддий ва молиявий кудратни жамлаган бундай корпорациялар ва банклар кўпчилик мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатига ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг умумривожланишига жиддий таъсир кўрсатадилар.

Учинчидан, халқаро иқтисодий муносабатларнинг замонавий босқичида яна бир муҳим хусусият намоён бўлади, яъни айирбошлашда мамлакатлар тутган ўриннинг қайта тақсимланиш жараёни кечмоқда. Маълумки, собиқ Иттифоқ мамлакатларида ўтказилган чуқур сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар 9 мустақил давлатни бирлаштирган йирик халқаро иқтисодий ташкилот — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгашининг тарқалиб кетишига олиб келди.

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари асосан мана шу ташкилот доирасида амалга оширилар эди. Масалан, собиқ Иттифоқ ташқи савдосининг 67%и Иттифоқ мамлакатларининг, 22%и ривожланган мамлакатларнинг ва 11%и ривожланаётган малакатлар улушига тўғри келар эди.

90-йилларнинг бошларидаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар Шарқий Европа мамлакатлари ва собиқ Иттифоқда ташқи иқтисодий сиёсатнинг туб бурилиши билан кузатилди. Шу билан бирга мамлакатларнинг жаҳон хўжалиги алоқаларида фаол қатнашувларига ҳалакит берувчи мафкуравий ва сиёсий тўсиқлари олиб ташланиши, ҳар бир мамлакатга халқаро меҳнат тақсимотининг афзалликларидан мафаатдор бўлиши учун кенг имкониятлар очиб берди. Аммо бу имкониятлардан фойдаланиш учун собиқ социалистик мамлакатларга маълум муддат керак.

Ҳозирда эса, жаҳон хўжалиги ва халқаро айирбошлашнинг умумий йўналишлари ва ўсиш суръатларини дунёнинг ривожланган 26 та капиталистик мамлакати белгилаб беради. Бу мамлакатлар ер юзидаги давлатларнинг 15%ини ташкил этади ҳамда уларда жаҳон аҳолисининг 25 %и истиқомат қилади. Аммо бу мамлакатлар дунёда ҳосил қилинаётган электир қувватларининг 75%ини, ёқилғисининг 79%ини, ёғочсозлик маҳсулотларининг 85%ини ва пўлатнинг 70%ини истеъмол қилишади. Саноати тараққий этган мамлакатларнинг ўзаро савдоси жаҳон савдосининг 70%ини ташкил этади.

Иқтисодиёти ривожланган ва халқаро айирбошлашда юқори ўринда турган мамлакатларнинг ҳудудий жойлашувига қараб, уларни шартли равишда уч блокга ажратиш мумкин:

Шимолий Америка блоки — АҚШ, Канада ва Мексика давлатлари (АҚШ ва Канаданинг ҳиссасига бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган ялпи миллий маҳсулотнинг 29%и тўғри келмоқда).

Ғарбий Европа блоки — бозор иқтисодиёти ривожланган Европа мамлакатлари (уларда дунё ялпи миллий маҳсулотининг 32%и ишлаб чиқарилади).

Япония блоки — Япония ва тез ривожланаётган Жанубий —Шарқий Осиё мамлакатлари (Биргина Япония ҳиссасига жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 15%и тўғри келади).

Таъкидлаб ўтиш керакки, бу уч блокка кирувчи мамлакатлар ўртасидаги жаҳон бозорида ўз таъсир доирасини кенгайтириш ва иштирокини оширишга қаратилган кучли рақобат ҳозирги замон халқаро иқтисодий муносабатларининг моҳиятини очиб беради. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакат ўз ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланишига қараб жаҳон бозорига турли хил товар ва хизматлар етказиб беришга ихтисослашади. Чунончи, иқтисодиёти юқори даражада ривожланган мамлакатлар халқаро айирбошлашда асосан тайёр маҳсулотлар, хизматлар ва капитални хорижга етказиб бериб, бир вақтнинг ўзида ўзига керакли турли хил хомашёлар, арзон ишчи кучини четдан олиб киради.

Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар аксинча, хорижга асосан иқтисодий ресурсларни етказиб бериб, ўзига тайёр маҳсулотлар, инвестициялар, фан-техника ахборотларини харид этади.

Нима сабабдан давлатлар халқаро иқтисодий муносабатларни янада кенгайтиришга алоҳида аҳамият берадилар?

Чунки, ҳар қандай айирбошлашнинг аҳамияти, унинг самарадорлиги, шу жумладан, халқаро миқёсда ҳам келишилган битимлардан томонлар оладиган афзалликлар билан белгиланади. Бу ерда иқтисодий назария, хоҳ товар ва хизматлар савдоси бўлсин, айирбошлашдан олинадиган афзалликка ҳар бир қатнашувчи мамлакат эга бўлади ва натижада бутун жаҳон хўжалиги ютади деб, тушунтиришга ва исботлашга ҳаракат қилади. Адам Смит биринчи бўлиб, қайси мамлакат ўз маҳсулотини бошқа мамлакатларга қараганда камроқ харажатлар билан ишлаб чиқарса, шу мамлакат халқаро айирбошлашда қатнашиши мумкин деб, тушунтиради.

2.2. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни белгиловчи омиллар

Бирлашиш жараёнлари барқарор иқтисодий ўзаро алоқаларнинг ўсиш жараёнини (биринчи навбатда халқаро меҳнат тақсимоти асосидаги) ҳамда ишлаб чиқаришнинг миллий хўжалик доирасидан чиқишини тақозо этади.

Бирлашиш жараёнининг ривожланишида Трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаол равишда хизмат кўрсатмоқдалар.

Интеграцион жараёнларнинг ўсишига сабаб бўлувчи бошқа омиллар халқаро меҳнат тақсимоти тузилишининг чуқурроқ силжиб боришидир (биринчи навбатда, илмий-техника тараққиёти таъсирида). "Халқаро меҳнат тақсимоти" атамаси,

бир тарафдан, одатдагидек, миллатлараро ишлаб чиқариш мажбуриятларига кўра, айрим мамлакатларнинг белгиланган турдаги маҳсулот чиқаришга ихтисослашишини, тақсимлаш жараёнини назарда тутади. Бошқа тарафдан эса, ишлаб чиқариш мажбуриятлари режали тарзда ичкарида ва фирмалар ўртасида тақсим қилинади. Ички соҳа ихтисослиги кенг кўлам топмоқда.

Илмий-техник тараққиётнинг ҳозирги босқичи интеграцион жараёнларни турли мамлакатларда ИТТ тарқалиши нотекис бўлган тақдирда ҳам бозорни, ҳам ишлаб чиқаришни сифатли янги даражага олиб келмоқда, турли мамлакатларда ИТТ мустақил омил бўлиб, ҳозирги замон ижтимоий ишлаб чиқаришидаги ташқи иқтисодий алоқаларда катта роль ўйнайди. У ёки бу мамлакатдаги фан ва техниканинг ривожланиш муваффақиятларини давлатлараро алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Турли мамлакатларнинг фирмалари ўртасида кооперация асосида ташкил этилишнинг шиддат билан ривожланиши улкан халқаро ишлаб чиқариш-инвестиция комплексларини барпо этишга олиб келади, буларни ташкил этишга кўпинча ТНК бошчилик қилади. Улар учун фирма ичидаги меҳнат тақсимоти миллий чегарадан чиқиб, халқаро миқёсга айланган. Худди шу асосда очиқ миллий иқтисодиёт даражаси ошади. Очиқ иқтисодиёт мамлакатларнинг хўжаликлараро алоқаларига тўла кириб бориши асосида шаклланади.

Ривожланган мамлакатларда очиқ иқтисодиётни барпо этишда мамлакатларнинг ташқи иқтисодий стратегияси катта роль ўйнаган ҳолда экспорт ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, кооперацияларнинг чет эл фирмалари билан ишлашига кўмаклашади ва ҳуқуқий асос ташкил этиб, четдан маблағ, технология, малакали ходимлар кириб келишига йўл очиб беради.

2.3. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда ишлаб чиқариш ҳамкорлиги

Ишлаб чиқариш соҳасида халқаро муносабатларнинг жадал суръатдаги йўналиши ва характери муайян даражада интеграцион жараённинг мазмуни ва ривожланишини белгилайди. Умуман, у ишлаб чиқариш билан бирга алоқа ўрнатиш соҳаларини қамраб олади. Савдо муносабатлари кўпинча иккинчи даражага сурилиб, халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг якунловчи босқичига айланмоқда.

Халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигида бир неча босқични белгилаш мумкин:

Биринчи босқич — мамлакатларнинг халқаро ихтисослаш-

ганлигига суянади, яъни бунда бир ишлаб чиқариш соҳасининг (масалан, саноат) маҳсулотини бошқа соҳа (масалан, қишлоқ хўжалиги) маҳсулотига айирбошлаш ривожланади;

Иккинчи босқич – қисман меҳнат тақсимоти базаси асосида шиддат билан ривожланаётган тармоқлараро ихтисослаштириш билан тавсифланади, авваламбор бу ишлаб чиқаришнинг моддий тарафдан соҳа тузилишини мураккаблаштириш, яъни саноат соҳаларини дифференциаллаштиришдир;

Учинчи босқич – умумий ва хусусий меҳнат тақсимотига асосланиб, халқаро тармоқлар ўртасидаги ихтисослаштиришнинг ривожланиши, халқаро соҳалар ичидаги ихтисослаштиришни чуқурлаштириш жараёни билан бошланади, бу хусусий ҳамда якка меҳнат тақсимотига асосланган дир.

Айрим маҳсулотлар қисмларини (агрегатлар, деталлар) ишлаб чиқариш назарда тутилмоқда, мақсад – янги техника ва технология базасини оммавий ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, сарф-харажатларни камайтириш ва ҳ.к. Табиийки, бу ихтисослаштириш асосида якунловчи маҳсулот (машиналар, агрегатлар, ишлаб чиқариш объектлари) чиқариш учун кенг миқёсдаги мувофиқлашган (кооперацион) алоқаларни юзага келтириш талаб этилади.

Ишлаб чиқариш ҳамкорлиги, тушунчаси асосида халқаро ихтисослаштириш билан кооперация ишлаб чиқариши ўзаро боғлиқлиги ётади. Халқаро ишлаб чиқариш кооперцияси турли мамлакатларнинг бир хил ёки бошқа (турли) ишлаб чиқаришдаги кундалик бир-бирига боғлиқ иш жараёнларида субъектлар ва ҳуқуқий шахсларнинг бирлашмасидир.

Шундай қилиб, халқаро ишлаб чиқариш кооперцияси аниқ ишлаб чиқариш мақсади асосида бирлашиб, фаолият кўрсатувчи ҳуқуқий шахслар уюшмасидир.

Халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг шаклларини қуйидагича ажратиб кўрсатиш мумкин: ихтисослаштириш ва кооперция асосидаги ишлаб чиқариш ҳамда савдо ишларини мувофиқлаштирувчи ҳамкорлик; илмий-техника ҳамкорлиги, пудрат (пай) асосида қурилиш соҳаларида фаолият юритиш (қўшма корхоналарга эга бўлиш).

Ҳамкорликнинг бу шакллари "соф ҳолда" бўлмаслиги мумкин. Бироқ амалиётда кўпинча фирмалар муайян маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарини ташкил этадилар ёки соҳалараро ва ички ихтисослаштирилган соҳалар асосида ишлаб чиқариш хизматларини ўтайдилар. Бунда илмий ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ фаолиятини уйғунлаштирган бир-бирига узвий боғлиқ қўшма корхоналар яратиш мақсади ҳам туради.

Халқаро ихтисослик асосдаги ишлаб чиқариш ҳамкорлиги, одатда, халқаро интеграцион жараёнларнинг юксак даражадаги тараққиётини акс эттиради ва бу кўрсаткич турли мамлакатларнинг фирмалари ўртасидаги алоқаларда ҳам намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг ўзига хос белгилари қуйидагилардир:

- шериклар ўртасидаги узоқ муддатли, барқарор ва доимий иқтисодий ҳамкорлик;
- турли мамлакатлардаги ишлаб чиқариш кооперацияси ва саноат корпорациясига алоқадор саноат корхоналари (фирмалари) бевосита субъектларининг мавжудлиги;
- ўзаро келишилган ҳолда тегишли технологиялардаги тайёр маҳсулотлар, қисмлар (компонентлар), бошқа айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича асосий кооперция субъектларини белгиланган тартибда мустаҳкамлаб қўйиш;
- биргаликда тузилган дастурлар доирасида вазифаларни тақсимлаш; ишлаб чиқаришда бевосита қатнашувчи ҳамкорларнинг асосий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда бириктириб қўйиш;
- халқаро ҳамкорлик доирасида шериклар ўртасида ишлаб чиқариш дастурларида белгиланган молларни ўзаро ёки бир ёқлама етказиб бериш ёхуд одатдагидек, шартномалар бажарилган тақдирда олди-сотди ишларини бажариш.

2.4. Ташқи иқтисодий фаолиятда фан-техника ҳамкорлиги

Илмий, молиявий ва моддий ресурсларни бирлаштириш йўли билан илмий-тадқиқот ҳамда лойиҳалаш ишларининг дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ҳамкорлик қилиш, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи мутахассис гуруҳлари ёки ташкилотлари ҳамкорлигини тузиш ғоятда муҳимдир.

Бундай ҳамкорликнинг энг унумли ва самарали шакллари қуйидагилардир:

- энг янги илмий-техник ғоялардан, лойиҳалаш ишларидан, фирманинг маркетинг соҳасидаги тадқиқотлари ва техникавий-иқтисодий иш кўрсаткичларидан фойдаланиш учун умумий йўналишдаги илмий-тадқиқот марказлари, бюролари, лабораториялари барпо этиш;
- фирманинг техникавий-иқтисодий иш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида амалдаги техника ва технологияни такомиллаштириш соҳасида биргаликда тажриба ишлари ўтказиш;
- ишлаб чиқариш меҳнатини ташкил этиш соҳасида биргаликда изланишлар олиб бориш ва чет эл тажрибасини ўрганиш;

- илмий-техника сиёсати масалалари бўйича координация (мувофиқлаштириш) ва маслаҳатлар ўтказиш;

- тадқиқот иши билан шуғулланувчи малакали ходимлар тайёрлашни йўлга қўйиш.

Илмий-тадқиқот ишларидаги ҳамкорлик фаолиятида энг муҳими —соҳадаги самарадорликни таҳлил қилиш. Олинган илмий натижаларнинг самарадорлиги бир неча соҳаларда қараб чиқилади.

Тадқиқот ишининг назарий қиймати техникавий даража тафсилотлари (ишончлилиги, узоқ муддатлилиги, ишлаб чиқаришдаги самарадорлиги ва ҳоказолар) билан белгиланади, бунда бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик олиб боришдаги аҳамият, рақобатга бардош бера олиш хусусиятлари ҳисобга олинади. Тадқиқот ишларининг амалий қиймати уларнинг натижаларини халқ хўжалигида ёки ёрдамчи тарзда фирмада татбиқ этиш орқали аниқланади.

Ўтказилган тадбирларнинг истиқболлик натижалари муайян вақт ичида қай даража самара бера олишини аниқлаш билан баҳоланади.

Тадқиқот тадбирларининг қийматини аниқловчи ишланмаларда илмий ишларни ташкил этиш, ўтказиш, тажриба олиб бориш, мутахассислар тайёрлаш, зарур асбоб-ускуналар сотиб олиш ва жиҳозлаш, ахборотлар билан таъминлаш кабилар ҳисобга олинади. Тадқиқотларни режалаштириш ва амалга оширишга оид ишланмаларни тайёрлашда илмий ишларни бажариш муддати, келтирадиган натижалари ва уларнинг татбиқ этилишига қараб моддий-техника базаси ҳозирланади.

Режа ва натижаларни амалга ошириш эҳтимоллигини олдиндан ҳисобга олувчи ишланмаларда кўзда тутилаётган илмий ишлардаги муаммоларнинг мақсадга мувофиқлиги, ҳамкорлик ўрнатиш шаклининг қай даражада тўғрилиги билан боғлиқ масалалар қайд этилган бўлади. Илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини татбиқ этишнинг иқтисодий самарадорлиги, келтирадиган фойдаси миллий ва жаҳон иқтисодий кўрсаткичлари бўйича сарфланган харажатларни қоплаш муддати, рақобатга бардошлилиги билан аниқланади.

2.5. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда ташқи савдони тартиблашнинг нотариф усуллари

Маълумки, ташқи савдони тартибга солишда давлат икки хил усулдан фойдаланади, булар тариф ва нотариф усуллардир. Тарихга назар ташласак, давлатлар ташқи савдони тартибга со-

лишда асосан тариф усулларидан фойдаланганликларини кўришимиз мумкин. XX асрнинг II ярмидан бошлаб турли нотариф усулларидаан фойдаланилмоқда.

Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усули моҳиятига кўра маъмурий восита бўлиб, амалиётда миқдорий яширин ва молиявий кўринишларда учрайди. Кўпинча ҳукуматлар олдида *қайси* усулда аниқ бир вазиятларда фойдаланиш керак, деган муқобил ҳолат вужудга келади ва кўпгина ҳолларда нотариф усуллар маъқул кўрилади. Улар сиёсий нуқтаи назардан ҳам маъқул, чунки тарифлардан фарқли ўлароқ, аҳоли учун қўшимча юк бўлмайди.

Бундан ташқари нотариф усуллар орқали белгиланган мақсадга эришиш осон. Масалан: пўлат импортини 3 млн. т. гача қисқартиришга 3 млн. т.ли миқдорий чегарани белгилаш билангина эришиш мумкин. Ана шу 3 млн. т.ли даражага импортни камайтириш учун бож ставкасини қанча миқдорда белгилашни ҳисоблаш ва жорий этиш мураккаброқ жараён. Шу нуқтаи назардан нотариф усуллар орқали бу пўлат импортини тартибга солиш тариф усулидан кўра қулайроқ ҳисобланади.

Булар қуйидагилар:

Миқдорий чегаралар - ташқи савдони тартибга солишнинг маъмурий усули бўлиб, у экспорт ва импорт қилиниши мумкин бўлган товарлар миқдори ва номенклатурасини белгилаш билан амалга оширилади. Миқдорий чегараларга: квоталаш, лицензиялаш ва экспортни «ихтиёрий» чеклашлар киради.

Квота маълум бир вақт давомида импорт ёки экспорт қилинаётган товарни миқдорий ёки маълум бир сумма доирасида чеклашдир.

Лицензиялаш – ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда давлатнинг ваколатли идоралари орқали бериладиган рухсатнома. У маълум бир вақт давомида ёки белгиланган миқдорда экспорт ёки импорт қилиш имконини беради.

Экспортни «ихтиёрий» чеклаш – квоталашнинг бир шаклидир. Импортер мамлакат ҳукумати илтимосига биноан экспортёр мамлакат ҳукумати томонидан ўз экспорт товарларининг маълум чегарасини (квотасини) белгилайди. Агар импортёр мамлакатнинг илтимоси қондирилмаса, у томонидан турли санкциялар кўлланишига сабаб бўлади.

Савдо сиёсатининг яширин усуллари ёки яширин протекционизм

Тахминларга кўра, яширин протекционизмнинг юзлаб шакллари мавжуд. Давлатлар улар орқали экспорт ва импортни бир томонлама тартибда чеклайдилар.

Буларга қуйидагилар киради:

Техник барьерлар – савдо сиёсатининг яширин шакли бўлиб, унга кўра миллий, техник, маъмурий ҳамда бошқа меъёр ва

қоидалар шундай тузиладики, бунда у товарларнинг хориждан кириб келишига тўсқинлик қилади. Бу техник характердаги кенг тарқалган тўсиқлардир.

Улар ўз ичга қуйидагиларни олади:

- миллий стандартларга риоя этиш;
- импорт маҳсулотининг сифат сертификати;
- специфик установка ва маркировка;
- маълум санитар-гигиеник меъёрларга риоя қилиш;
- мураккаблаштирилган божхона расмиятчилиги;
- истеъмолчиларни ҳимоя қилувчи қонунларни бажаришни талаб қилиш ва ҳоказолар.

Ички солиқ ва йиғимлар - яширин савдо сиёсати усулидир.

Бунда импорт қилинаётган товарларнинг ички баҳосини ошириш ва бу билан унинг рақобатдошлигини пасайтириш мўлжалланган. Бу усул ҳам марказий, ҳам маҳаллий ҳукумат идоралари томонидан жорий этилиши мумкин.

Масалан: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, савдо солиғи, божхонада расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва бошқа расмиятчиликлар учун йиғимлар, тўловлар.

Давлат хариди - яширин савдо сиёсатининг бир усули. Бунда давлат идоралари ва корхоналаридан маълум бир товарларни фақат миллий ишлаб чиқарувчилардангина сотиб олиш талаб қилинади (импорт товаридан қиммат бўлса ҳам). Бу сиёсат асосан миллий хафсизлик мақсадида амалга оширилади.

Маҳаллий компонентлар бўлишини талаб қилиш ички бозорда сотиладиган товарларнинг қанча қисми (камида) миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилиши кераклигини қонун йўли билан белгилаб қўйишдир.

Савдо сиёсатининг молиявий усуллари ҳам мавжуд. Энг кенг тарқалган молиявий усуллар субсидиялаш, кредитлаш ва демпинг саналади. Агар ҳукумат миллий ишлаб чиқарувчилар экспортини рағбатлантирмоқчи бўлса, уларга бюджетдан ҳар хил шаклда субсидиялар бериши мумкин. Субсидиялар характерига кўра бевосита ва билвоситадир:

Бевосита субсидиялар – маълум бир миқдордаги пул суммаси кўринишида экспортёрга дотация беришдир.

Билвосита субсидиялар – экспортёрларга солиқ имтиёзлари, суғурта имтиёзлари, бозор ставкасидан паст ставкада заём бериш, импорт тўловни қоплаш каби усуллар билан амалга оширилади.

Демпинг - савдо сиёсатининг молиявий шаклидир. У ташқи бозорга чиқариладиган товарларни ички бозордаги мавжуд нормал баҳолардан паст баҳода сотиш билан амалга оширилади. Демпинг янги бозорларни ўзлаштириш, бозордаги улушни ошириш мақсадида ёки ишлаб чиқарилган товарлар кўп тўпланиб қолган шароитда қўлланилади.

Қисқача хулосалар

Бирлашиш жараёнлари барқарор иқтисодий ўзаро алоқаларнинг ўсиш жараёнини ҳамда ишлаб чиқаришнинг миллий хўжалик доирасидаги чиқишни тақозо этади.

Халқаро меҳнат тақсимоти жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни белгиловчи асосий омилдир.

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда халқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлиги ихтисослашади.

ТИФ да фан-техника ҳамкорлиги иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда ташқи савдони тартиблашнинг нотариф усулларидан фойдаланилади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жаҳон иқтисодиётига интеграциянинг объектив омиллари нималарни кўзда тутади?
2. Халқаро меҳнат тақсимоти тузилишидаги силжишлари нималардан иборат?
3. Турли мамлакатлардаги фирмаларнинг ўзаро бирлашишининг асоси мақсади нима?
4. Давлатнинг ташқи иқтисодий стратегияси нималардан иборат?
5. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши нимани англатади?
6. Ўз хусусиятларига кўра, умумжаҳон миқёсидаги илмий-техника тараққиёти қандай аҳамиятга эга?
7. Очиқ тарздаги миллий иқтисодиётнинг юксалиш даражаси нимага боғлиқ?
8. Мамлакат стратегиясини қандай тушунасиз?
9. Мамлакатлараро ишлаб чиқариш ҳамкорлиги нима?
10. Ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлик босқичларини айтиб беринг.
11. Ишлаб чиқариш ҳамкорлиги учун нималар база (асос) бўла олади?
12. Халқаро кооперция нима?
13. Фан-техника ҳамкорлигининг энг муҳим, унумли ва самарали шакллари нималардан иборат?
14. Фояларнинг назарий қиймати нимада?
15. Техника қиймати нимада?
16. Амалий қийматчи?
17. Иқтисодий самарадорлик нима?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., 1995.

3. Ишмущамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Тексты лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.

4. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная эканомика. Теория и политика. – М., МГУ, 1997.

5. Расулев А., Бедринцев, А. Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: «Узбекистан», 1996.

6. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. Пер. с анг. 2-е издание. – М.: Депо ЛТД, 1993.

7. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. Радаева В.В. и Бузгалова А.В. М., МГУ, 1995.

III боб

ЖАҲОННИНГ АСОСИЙ ИНТЕГРАЦИОН ГУРУҲЛАРИ

3.1. Ҳудудий интеграцион комплексларни шакллантириш

Иқтисодий интеграциянинг объектив хусусиятлари (характери) давлат ва давлатлараро ташкилотлар томонидан миллий иқтисодиёти четдан стихияли тарзда бошқарилади, деган маънони англатмайди. Ҳудудий интеграцион комплексларни шакллантириш шартномали-ҳуқуқий базага эга. Қатор мамлакатлар гуруҳи ўзаро келишган ҳолда минтақавий давлатлараро комплексга бирлашадилар ҳамда ўзаро ҳамкорликда ижтимоий-сиёсий ва хўжалик ҳаётида тенг равишда ҳудудий сиёсат юритадилар. Жумладан, Ғарбий Европада ЕҲ ва ЕАСТ (EAFT) – European Association of Free Trade, Шимолий Америкада – НАФТА. (NAFTA)- North American Free Trade Agreement.

Осиё-Тинч океан ҳудудида – Тинч океан ҳамжамияти мавжуддир.

Тарихан анча барқарорлашган интеграцион жараёнлар Ғарбий Европада юзага келган бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмида бутун бир ҳудудда ягона хўжалик макони ташкил этилдики, унинг доирасида қайта тикланишнинг умумий шарт-шароитлари шаклланди ва уни бошқариш механизми яратилди. Бу ерда интеграция анча етук шаклга етди. Ғарбий Европа интеграцияси механизмининг муҳим қисмларидан бири тизими, тармоқли ва регионал сиёсатни бирлашиб ўтказишдир. Шуни айтиш керакки, миллий бошқариш унча рақобатга бардошли бўлмаган тармоқларда ва қолоқ ҳудудларда ишлатилади.

Ҳозирги замон аграр сиёсатини ўтказишда катта ютуқларга эришилган. Унинг маблағ билан таъминланиши собиқ Иттифоқ бюджетида йирик чиқим моддаси билан белгиланган. Умумий аграр сиёсат негизида ички ва экспорт нархларини субсидиялаш ётади. Натижада Европа Ҳамжамияти АҚШ дан кейин иккинчи бўлиб, жаҳон қишлоқ хўжалик экспортёрига айланди.

Европа Ҳамжамиятининг аграр бозори баланд божхона тўсиқлари билан тўсилганки, улар ресурслари ошиб-тошиб кетган жаҳон аграр бозоридан молларнинг ўтишига йўл қўймайдилар. Бу тизим қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларининг даромади барқарорлигини таъминлайди, уларни иқтисоднинг бошқа соҳа ишчиларига мос ижтимоий кафолатлайди. Келажакда ЕҲ бирлашган қишлоқ хўжалик сиёсатининг бош йўна-

лиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг жаҳон миқёсидаги шароитига мослашуви, самарали сиёсат ўтказиш йўли билан рақобатсиз хўжаликларни бартараф этиш ва улар ўрнига имконият билан бандликни таъминлашдир.

ЕҲ ривожланишининг бошланғич даврида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари соҳасида ҳамкорликдаги ҳаракат билан кўмир, металлургия саноати ва ядро энергетикасининг ривожланишига катта эътибор қаратилди. Ўтган асрнинг 80-йиллари бошида фан-техника фаолиятини мувофиқлаштириш кучайди.

"Ромли" комплекс дастурининг қабул қилиниши (1984-1987 йиллар) бу борадаги дастлабки қадам эди. У ЕҲ фан-техникаси фаолиятига ўрта- миёна ва тез режалаштириш жараёнини киритди. Бироқ, дастуриламал бўладиган, ягона фан-техника стратегияси ишлаб чиқилган дастур иккинчи дастур эди. Кейин учинчи комплекс дастури қабул қилиндики,у ҳозир амалга татбиқ этилмоқда. Ўз навбатида, бу ҳужжатлар, аввало, АҚШ ва Япония томонидан илгари сурилган янги технология асосидаги рақобатбардош саноатни таркиб топтириш ва кучайтириш мақсадида тузилди.

Европа Ҳамжамиятининг ҳозирги даврдаги илмий-техника сиёсати бош мақсадлари қуйидагилардир:

- мамлакатлар ўртасидаги алоқалар, фан ва саноат ўртасида мувофиқлик ҳамда ҳамкорликни ўрнатиш;

- кўпчилик компанияларда ўрта даражадаги ходимлар ҳамда маблағлар етишмаслигини ҳисобга олиб, улар томонидан амалга ошириладиган илмий-техника тараққиётининг асосий йўналиши бўйича тадқиқотларга ёрдам бериш.

1985 йилдан ўз фаолиятини бошлаган йирик миқёсдаги мустақил, кўп мақсадли Европа мамлакатларининг ҳамкорлик дастури –"Эврика" катта аҳамиятга эга бўлди ва у бошқа мамлакатларнинг фирмалари учун ҳам очилди.

Европа Ҳамжамиятининг ривожланишида 1987 йил 1 июлда кучга кирган ва ЕҲнинг барча аъзолари томонидан маъқулланиб, расмийлаштирилган Ягона Европа қайдномаси (акти) муҳим воқеа бўлди. Мазкур ҳужжат асосида ЕҲнинг вужудга келиши тўғрисидаги шартномага жиддий ўзгартиришлар киритилди ва юридик жиҳатдан мустаҳкамланди.

Биринчидан, ЕҲнинг иқтисодий интеграция соҳасидаги фаолияти Европа сиёсий ҳамкорлиги билан бирлашиб, ягона жараёнга айланди. Европа Иттифоқини тузиш мақсади, ўз навбатида, унга аъзо бўлган қатнашчиларнинг фақатгина иқтисодий, валюта-молиявий, гуманитар муносабатлари даражасини шаклан-

тириб қолмасдан, балки, хавфсизликни таъминлаш борасидаги ташқи сиёсатни ҳам қўллаб-қувватлашни назарда тутар эди.

Иккинчидан, Ягона Европа қайдномасида (актида) ЕҲ миқёсида "товар, капитал, хизмат ва фуқароларнинг эркин ҳаракатини таъминловчи чегарасиз макон" бўлган ички бозорни яратиш вазифаси қўйилган эдики, бунга эришилди. Амалда мавжуд бўлган ЕҲ мамлакатларининг умумий бозори ўзаро савдо-сотиқдаги барча тўсиқларни бартараф этишни, фақатгина миллий-иқтисодий ҳудудларда товарларнинг кенг миқёсдаги эркин ҳаракатини кўзда тутади.

"Ягона бозор" ғоясини амалга ошириш учун ЕҲ комиссияси тахминан 300 та дастур ишлаб чиқди. Бу дастурларда Европа Ҳамжамияти мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодиётни айирбошлашдаги тўсиқларни олиб ташлаш мақсадлари илгари сурилди. Ўтган асрнинг 90-йиллар ўрталарига келиб, бу тўсиқлар асосан бартараф этилди. 1991 йилнинг декабрида ва 1992 йилнинг февралида иқтисодий ҳамда валютали Иттифоқ (Маастрихт битими) тузиш шартномасига имзо чекилди. Натижада XX асрнинг охирига келиб, Европа Ҳамжамияти мамлакатларида ягона пул бирлиги (ЭкЮ) ҳамда валютали ва пул-кредит сиёсатини шакллантириш маркази — АҚШ Федерал резерви тизими туридаги Марказий банк ва Марказий банклар Европа тизими барпо этиш мўлжалланмоқда. Ягона Европа қайдномасини амалга ошириш, ўз навбатида, Европа Иттифоқи тузилмасини яратишга имкон берди.

ЕҲдан ташқари Европада яна бир ташкилот — Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ) мавжуддир. Бу уюшма 1960 йилда Стокгольмда имзоланган тегишли конвенция асосида юзага келди. Ҳозирги вақтда ЕЭСУга Австралия, Финландия, Исландия, Норвегия, Швеция ва Швецария мамлакатлари аъзодир. ЕЭСУ шартномаси Швейцария божхона иттифоқи билан келишилган ҳолда Лихтейштейнга тарқатилади.

ЕЭСУ эркин савдо маконини яратишга асосланган. Бинобарин, ЕЭСУ доирасида эркин, божсолиғисиз товар айирбошлаш тартиби саноат молларига алоқадор бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бундан мустасноподир. ЕҲдан фарқли равишда, ЕЭСУга аъзо бўлган ҳар бир мамлакат ташқи савдо автономиясига ҳамда учинчи мамлакат билан савдо-сотиқ олиб боришда божсолиғи ўрнатиш ҳуқуқига эга. Бу мамлакатларда ягона божхона баҳосига амал қилинмайди. ЕЭСУга аъзо бўлган мамлакатларнинг барчасини бирлаштирган махсус кенгаш миллий ташкилот ҳисобланмайди, у фақат умумий овоз бериш йўли билангина қарорлар қабул қила олади.

Европада икки хилдаги интеграцион гуруҳларни бирлаштирувчи мазкур ташкилотлар ўзаро муносабатларни ривожлантиришга монелик қилмайди. Улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва алоқалар ўрнатиш ғоялари (тенденциялари) 70-йиллардаёқ вужудга келган эди. 1977 йилга келиб, ЕҲ ва ЕЭСУга аъзо мамлакатлар ўртасида саноат молларининг эркин савдо-сотиғи юзага келтирилди. Бунда божхона солиқлари бекор қилинди ҳамда ўзаро савдодаги тарифсиз чегаралар қисқарди.

1991 йилда мазкур мамлакатлар ўртасида ягона Европа иқтисодий маконини сақлаш ҳақида битим имзоланди. Ана шу битимга кўра, ЕЭСУга аъзо бўлган мамлакатлар 1993 йилдан бошлаб ўз қонунларига юзлаб қайдномаларни киритдилар. Бу ҳужжатларда товарлар, капиталлар, хизматларнинг эркин ҳаракати, шунингдек, рақобат соҳасидаги сиёсат жорий этилди. 2000 йилларга келиб, ягона валюта (ЭкЮ) жорий этиш, ташқи сиёсатни барқарорлаштириш, Европарламентнинг ролини ошириш, ягона фуқаролик ҳуқуқини бериш, хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш каби тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорларини бирлаштириш (интеграциялаш) режалаштирилмаган.

1995 йилда ЕҲ розилиги билан Австрия, Норвегия, Швеция ва Финландия унга аъзо бўлдилар (Буюк Британия, Дания, Португалия мамлакатлари 70-йиллардаёқ ЕҲга аъзо бўлиб кирган эди).

Бошқа мамлакатларнинг ЕҲга аъзо бўлиш сиёсатида Шарқий Европага ҳамон ён босилмоқда. 1991 йилда бу мамлакатлар билан ЕҲ ўртасида уюшма (ассоциация) тузиш ҳақида битим имзоланган эди. Шарқий Европа мамлакатлари Ғарбий Европа интеграцион жараёнига қўшилишлари мумкинми? Ҳозирча бу борада иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларга ялпи тарзда зарурат йўқ. Бу ерда бозор тамойилларига таянган ҳолда Ғарбий Европа мамлакатлари билан ҳамкорликдаги иқтисодиёт тизими яратилмоқда. Шунингдек, хусусийлаштириш, барқарорлашган нархларни жорий этиш, банк тизимини шакллантириш, қисман конвентацияланган валюталарни киритиш жараёнлари бормоқда. Чуқур иқтисодий таназзул рўй бераётган даврда ислоҳотларни амалга ошириш қийин кечмоқда.

МДҲ мамлакатларига келганда эса, уларнинг муносабатлари ўзаро алоқалар ўрнатиш ҳақида одатдаги битимлар тузиш билан чекланмоқда. Бу мамлакатларнинг ЕҲга яқинлашиш жараёни шошилинч ҳам, осон ҳам эмас. Чунки, аксарият собиқ Шўро республикалари Ғарбий Европа билан эмас, бир-бирлари билан муносабат ўрнатишга мажбурдирлар.

Ҳозирги даврда МДҲ мамлакатлари ўртасида Божхона Иттифоқи ўрнатилмоқда. Чунончи, 1997 йилда Россия, Белорусь, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида Божхона Иттифоқи тузилди.

3.2. Европа Ҳамжамияти — жаҳон иқтисодиётига интеграцияда етук интеграцион гуруҳ

1993 йил 1 ноябргача расмий равишда етакчи Ғарбий Европа мамлакатларининг бирлашган гуруҳи *Европа Ҳамжамияти* деб аталарди. Чунки у 1967 йилдан сўнг мустақил бўлган уч минтақавий ташкилот органларининг бирлашишидан пайдо бўлган:

- Европа Кўмир ва Пўлат Бирлашмаси - ЕОУС (ECSO): мавжуд битим 1952 йилда кучга кирган;
- Европа Иқтисод Уюшмаси - ЕАС (EEC): Европа уюшмасини ташкил қилиш битими Римда 1957 йилда қабул қилинган ва 1958 йили кучга кирган;
- Европа Атом Энергияси бўйича уюшма - Евраатом (EVRATOM): битим 1958 йилда кучга кирган.

У расмий номланиш билан бир қаторда, бошқачароқ деб ҳам аталар эди: Европа Ҳамжамияти (ЕҲ) ёки фақат Ҳамжамият.

1993 йил 1 ноябрда Маастрихт битими кучга киргандан кейин, бу гуруҳнинг номи расмий равишда Европа Иттифоқи бўлди:

1. Европа Эркин Савдо Ассоциацияси (Уюшмаси) - Evropean security of Trade.
2. «Эркин савдо тўғрисидаги Шимолий Америка битими». North American of free Trade.
3. European Economic Community.

Европа Ҳамжамияти доирасидаги бирлашманинг ривожланишида бир қатор босқичлар бўлиб ўтди, фақат улар қуйи шаклдан ўтиб, чуқурлашиб борди (эркин савдо зонаси, Божхона Иттифоқи умумий бозор), юқорига — иқтисодий ва валюта бирлигига ўтиши билан аъзолар сони кўпайишига ҳам олиб келди.

Ҳозирги вақтда Европа Ҳамжамияти негизини барпо этиш жараёни ягона бозор, давлатлараро бошқариш тизими амалий якунланди ва мамлакатларнинг иқтисодий, валюта ва сиёсий бирлиги шаклланиши якунида улар бевосита яқинлашдилар.

Европа Ҳамжамиятига тўлиқ ҳуқуққа эга бўлган 12 мамлакат киради: Бельгия, Буюк Британия, Албания, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксумбург, Нидерландия, Португалия, Франция. Европа Ҳамжамияти механизмининг

ҳаракати, авваламбор, сиёсий-ҳуқуқий бошқариш тизимига асосланади. Улар умумий миллий ёки мамлакатлараро органлардан ҳамда миллий давлат бошқарувидан иборат.

Европа Ҳамжамиятининг асосий ҳокимият тузилишини изоҳлаб берамиз. Вазирлар Маҳкамаси (кенгаши) қонуний орган бўлиб, бошқарув тизимида асосий роль ўйнайди. Унга юқори даражадаги малака билан қабул қилинади (амалда эса тенг овоз олишга ҳаракат қилинади).

Европа кенгаши (Евросовет) — юқори орган бўлиб, унинг таркибига давлатларнинг раҳбарлари ва Европа Уюшмасига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукумат бошлиқлари киради. Бу ерда принципиал масалалар муҳокама қилинади ҳамда қарорлар қабул қилинади.

Европа Ҳамжамиятининг комиссияси (комиссия, ЕҲК) — ижро этувчи орган. У Вазирлар Маҳкамасига қонунлар лойиҳасини тасдиқлаш учун тавсия этиш ҳуқуқига эга. Унинг фаолияти жуда кенг ва ранг-барангдир.

Масалан, комиссия божхона таркибига риоя қилинишини, аграр бозор фаолиятини, солиқ ва божхона сиёсатини юритиш ишини назорат қилишни амалга оширади ва ҳ.к. У бир қатор вазифаларни бажаради, шу жумладан, ихтиёридаги ижтимоий минтақавий аграр фондлар асосида маблағ билан таъминлаш вазифасини ўтайди. Комиссия мустақил равишда учинчи мамлакатлар билан музокаралар олиб боради, шунингдек, унга умумий бюджетни бошқариш ҳуқуқи берилган. Фаолиятининг асосий йўналишларидан бири миллий қонунчилик, стандарт ва нормаларни тартибга келтиришдир.

Европа Парламенти (Европарламент) — назоратчи орган. Комиссия фаолиятини назорат қилади ва бюджетни тасдиқлайди. Вазирлар Маҳкамаси ва Европа Ҳамжамияти комиссиясининг фаолияти ўзаро боғлиқдир.

Европа Ҳамжамияти Суди — юқори орган. У битимларнинг бажарилишини ва Европа Ҳамжамияти асосий тамойилларининг амалга оширишини таъминлайди.

Булардан ташқари, бошқа бошқарув ва консультатив органлар, яна турли ёрдамчи ташкилотлар — тур кумиталар, комиссиялар, ёрдамчи комиссиялар, молияни тартибга солиш фондлари мавжуд.

Европа Ҳамжамияти бошқарув ҳуқуқида энг юқори ўринни ЕҲ ни тузиш ва кенгайтириш тўғрисидаги халқаро битим, шунингдек, Ҳамжамият фаолиятини юритишга оид бошқа битимлар эгаллайди. Бу дастлабки қонунчилик ЕҲ конституциясини ҳосил этади.

Иккинчи қонунчилик регламентлар, директивалар (кўрсатмалар), қарорлар, тавсиялар ва мулоҳазалар тарзида тақдим қилинган.

Регламентлар (иш тартиби) ўзининг статусига кўра, ЕҲ га аъзо бўлган мамлакатларнинг миллий қонунчилигидан устун туради ва ҳар кайси мамлакат ҳудудида қонун кучини эгаллайди.

Директивалар қонунлаштирилган ҳужжат бўлиб, улар умумий қоидаларни белгилайди ва ЕҲга аъзо бўлган мамлакатларнинг махсус қарорларини аниқлаштирилади.

Қарорлар туб моҳияти билан индивидуал тарзда бўлади. Улар шаклан мажбурий кучга эга бўлмасада, маълум даражада ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Тавсия ва мулоҳазалар ижро этиш учун мажбурий эмас.

Ғарбий Европа иқтисодиётини бирлаштириш жараёнида ҳуқуқ марказдан узоқлашиш ғояларига таъсир этишда фаол роль уйнайди. ЕҲ доирасида ягона ҳуқуқий майдон юзага келтирилган.

Ташқи савдо, аграр сиёсат соҳасида, тижорат ва фуқаролик ҳуқуқи (рақобат эркинлиги, монополия ва шартнома), солиқ ҳуқуқларида (солиқ тизимининг даромадга яқинлашуви, маблағнинг айланиб туришига қараб солиқ режасини белгилаш, ЕҲ маблағига бевосита бадаллар тушуми) Европа қонунчилик ҳужжатлари миллий қонунларни алмаштира олади. Бироқ, ташқи босқичда ташқи иқтисодий сиёсатда миллий ҳукумат қуйидаги имкониятларга эга:

- учинчи бир мамлакатнинг молларига импорт улушини киритиш;
- биринчи навбатда тўқимачилик ва электрон маҳсулотлар таннархи анча арзон бўлган мамлакатлар (масалан, Япония, Жанубий Корея) билан «ихтиёрий чекланган экспорт» шартномалари тузиш;
- собиқ мустамлака мамлакатлар билан алоҳида савдо муносабатларини сақлаб қолиш.

Европа Ҳамжамиятининг комиссияси ягона бозор манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Қандайдир миллий норматив қайдномалари ЕҲ ҳуқуқига зид бўлишига йўл қуйилмайди. Яна бир хусусияти – субъектлар тизими фақат ЕҲ давлатлари аъзолари бўлибгина қолмай, уларнинг фуқаролари ҳамдир.

Европа Иттифоқи унга аъзо бўлган мамлакатларнинг маблағларидан (бюджетларидан) ҳоли равишда ўзининг мустақил молиявий воситаларига эга. ЕҲ маблағларининг ҳажми бу Ҳамжамиятнинг кенгаши ва Парламенти томонидан аниқланади ва тасдиқланади.

Молиявий фаолиятда Ҳисоб Палатаси муҳим роль ўйнайди. У умумий молия бошқарувини амалга оширади. ЕҲ институтларининг (масалан, аграр йўналиш ва кафолатланиш Европа Фонди, минтақавий ривожланиш Европа Фонди, Европа Ижтимоий Фонди) турли хилдаги жамғармалар ва маблағлари сарф-харажатлари устидан назорат ўрнатади. Мазкур фондлар ҳисобидан ЕҲ сиёсий тузумининг турлича йўналишлари: аграр, ижтимоий, минтақавий сиёсат, энергетика ва шу кабилар тегишли маблағлар билан таъминланади. Европа инвестицион банки автаном ташкилот сифатида ЕҲ нинг капитал жамғармасини қоплайди, улар ҳисобидан эса минтақавий дастурларга, энергетикани ривожлантиришга, инфратузилмаларга узоқ муддатли қарзлар бериш ва кафолатлаш шартлари билан тегишли маблағлар ажратилади.

ЕҲ бюджетининг даромад қисми:

- биринчидан, хусусий маблағлардан ташкил топади. Улар четдан келтириладиган молларга белгиланган тўловлар, мамлакатдан ташқи бозорга чиқариладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг фарқ қилувчи баҳоларини қоплашдан ортиб қоладиган маблағлар, умумтаъриф бўйича божхона соликлари (ЕОУС тўловлари: солиқ ҳисобидан қўшимча киритилган нархлар ва бошқа маблағларнинг бир қисми бундан истесно) кабилардан иборат;

- иккинчидан, ЕҲ даромадга бу Ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатлардан ЕВПга 1,2-1,3% миқдорида маблағ ажратилади. ЕҲ бюджетининг сарф-харажатларига келганда эса, кейинги йилларда улар тахминан қуйидагича тақсимланади (фоиз ҳисобида):

Маъмурий хўжалик	4,5
Сиёсий тадбирлар	-
Ягона қишлоқ хўжалиги	66,5
Минтақавийлик	7,5
Ижтимоий соҳалар	6,6
Энергетика	0,3
Саноат	0,1
Фан-техника	0,3
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ахборотлар	0,08
Ривожланаётган мамлакатларга «Ярдам»	2,1
ЕҲ давлатларига ажратиладиган қоплама тўловлар	8,4

3.3. Европа Валюта Иттифоқи

Европа Валюта Иттифоқининг шаклланишида унинг босқичлари ҳамда Ягона Валютага ўтиш тартиби, шунингдек, «Европа зона» сига кириш учун «конвергенция шартлари» тўғрисида чуқурроқ тўхталиб ўтиш талаб этилади.

Европа ва Валюта Иттифоқи шаклланишининг биринчи босқичи 1990 йил 1 июлдан 1993 йил 31 декабргача давом этди ва ҳозирда тўлиқ якунланган. Унинг доирасида Европа Иттифоқи ҳақидаги Маастрихт шартномасидаги бандлар рўёбга чиқиши учун зарур бўлган тайёргарлик ишлари олиб борилди. Хусусан, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ва Европа Иттифоқи ҳамда учинчи давлатлар ўртасида капитал миграцияси йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланди. Европа Иттифоқи ичидаги давлатлардаги иқтисодий кўрсаткичларни бир-бирига яқинлаштиришга катта эътибор берилди ва аъзо давлатлар бир неча йилга мўлжалланган шу мақсаддаги шартномалар имзоланди, уларда антиинфляцион, бюджет сиёсатининг конкрет мақсадлари ва кўрсаткичлари кўрсатилди. Европи киритишга тайёргарлик сифатида бу дастурлар Европа Иттифоқининг иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича кенгаши (ЭкОФИН) га тақдим этилиб ва Маастрихт шартномасида кўрсатиб ўтилган, инфляциянинг паст суръатларини давлат молиясини соғломлаштиришга ва аъзо-давлатлар валюталари ўртасидаги алмашинув барқарорлигини сақлаб қолишга қаратилган еди.

Европа Валюта Иттифоқини шакллантиришнинг иккинчи босқичи 1994 йил 1 январидан бошланиб, 1998 йил 31 декабрда тугади. У аъзо давлатлар европинг киритилишига янада конкрет ва чукурроқ тайёргарлик кўришига мўлжалланди. Унинг асосий ташкилий воқеаси Европа Марказий Банкининг аввалги сифатида Европа Валюта институти тузилмаси бўлди. Асосий вазифаси эса евро киритилишининг 3-босқичидан Европа Марказий Банки ўз вазифаларини бажара олиши учун зарур бўлган ҳуқуқий, ташкилий, моддий-техник шарт-шароитларни шакллантириш эди. У бундан ташқари, ЕВИ тузилиши жараёнида Европа Иттифоқининг аъзо давлатлари олиб борадиган миллий пул сиёсатлари мувофиқлашувининг кучайишига жавоб берар ва шу доирада миллий давлатлар Миллий Банкларига тавсияномалар бера олар эди.

Бу босқичнинг бошқа асосий воқеалари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ичида давлат секторидаги корхона ва ташкилотларни Марказий Банклар томонидан кредитлаш орқали молиялашни ва Марказий Банклар давлат қарзларини сотиб олишини таъқиқловчи қонунчиликнинг қабул этилиши. Бу таъқиқ 3-босқичда ЕМБга ҳам тарқатилди.

2. Давлат сектори корхоналари молиявий институтлар маблағидан имтиёзли фойдаланишини таъқиқловчи қонун қабул этилиши. Бу нарса 3-босқичда ЕМБ га ҳам тарқатилди.

3. Бирон аъзо давлатнинг давлат секторлари қарзларини бошқа аъзо давлат ва ЕВИ сотиб олишини таъқиқлаш;

4. Барча аъзо давлатлар бюджет дефицитининг ҳаддан ташқари ошиб кетмаслигига ҳамма кучларни сафарбар этишларига қатъий талаб (ЯИМ нинг 3 % дифицит, яъни ЯИМ 60% гача давлат қарзи). Бу ЕИ кенгаши томонидан назорат процедурасига киритилди ва бундай дефицит бўлган тақдирда соғломлаштирувчи чора-тадбирлар ҳақида таклифлар киритиш билан мустаҳкамланди.

5. Шароити бор давлатларда миллий Марказий Банклар устав мустақиллигини таъминловчи миллий қонунчиликнинг қабул этилиши ва бу билан уларнинг ҳуқуқий статусини ЕМБ билан тенглаштириш.

Ниҳоят, 1998 йил 2 майда давлат бошлиқлари ва ҳукумат раисларидан иборат ЕИ нинг кенгаши сессиясида кўпчилик овоз билан ЕВИ шаклланишининг 3-босқичида қайси давлатлар еврога ўтишини белгиланди. Бу қарор ЭкОФИН тавсияси билан қабул этилди. Тавсия эса Маастрихт шартномаси бўлиб, бунга тегишли протокол билан ўрнатилган еврога ўтишда бажарилиши лозим бўлган давлат молиясини стабиллаштириш бўйича «ўтиш» меъзонларидан келиб чиққан. Бу мавзуда Евро Парламент билан маслаҳатлар ўтказилди ва тегишли хулосалар ЕИ кенгашига юборилди. 3-босқичдан еврога ўта олмайдиган давлатлар айрим шартларни вақтинча бажармаслик ҳуқуқини олди (ри ins).

Учинчи босқич 1999 йил 1 январдан бошланди. Шундан бошлаб евронинг миллий валюталарга нисбатан қатъий алмашув курслари ўрнатилди, евро эса уларнинг умумий валютаси бўлиб қолди. У ЭкЮ ни 1:1 нисбатда алмаштирди. Европа Марказий Банклари тизими ўз ишини бошлади, ЕМВ эса аъзо-давлатлар учун пул сиёсатини олиб бориш мақсадида евродан фойдалана бошлади.

ЕМВТ еврони халқаро валюта бозорларига сиғдира бошлади. Унинг ушбу бозорлардаги операцияларини ўтказиш ва ҳисобга олишда евродан фойдаланила бошлади. Пул сиёсати механизмлари орқали тижорат банклари ва йирик корхоналар ўз операцияларини еврога ўтказишни рағбарлантиради. Аъзо-давлатлар облигациялари еврода ҳисобланди. Хуллас, йирик операциялар еврода ўтказила бошланган бу босқичда евро аъзо давлатларнинг асосий пул бирлиги бўлиб қолиши керак.

Евро банкнотлари ва тангалари 2002 йил 1 январдан муомалага чиқарила бошланади ва миллий валюталарни муомаладан чиқариш жараёни бошланди. Бу босқич 2002 йил 1 июлигача давом эттирилиб, еврони ягона қонуний тўлов ва муомала воситасига айлантирди.

Тўртинчидан, «Евро зонаси»да қатнашиш учун «конвергенция критериялари» ЕИ доирасида иқтисодий ва Валюта Иттифоқи самарали фаолият олиб бориши учун аъзо давлатлар барқарор конвергенциянинг юқори даражасига эришиши зарур. Шу мақсадда, ягона валютага ўтишдан манфаатдор давлатлар учун Маастрихт шартномасида ва 6-протоколда кўзда тутилган барча «конвергенция критерийлари»га риоя этиш талаб қилинади. Булар қуйидагилардир:

- баҳолар барқарорлигининг юқори даражасига эришиш;
- ҳукуматнинг барқарор молиявий ҳолати;
- курс тебранишининг ўрнатилган меъёрларига риоя этиш;
- «яқинлашиш» динамикаси.

3.4. Шимолий Америка мамлакатлари ва Тинч океан Ҳамжамиятининг жаҳон иқтисодиётига интеграция хусусиятлари

Ташқи иқтисодий фаолиятда Цент интеграцион ғоялар (тенденциялари) фақатгина Ғарбий Европада ривожланмади. Ухшаш жараёнлар Шимолий Америкада ҳам кузатилди. Шимолий Американинг барча ҳудуди эркин савдо (НАФТА) тўғрисидаги Шимолий Америка битимлари билан қамралган эди. Бинобарин, давлатлар миқёсидаги Америка-Канада эркин савдо битими фақат 1988 йилда тузилганди, Мексика эса унга 1992 йилда қўшилди. Шимолий Америка иқтисодиётининг ўзаро ҳамкорлик ва бирлашганлик даражаси Ғарбий Европа иқтисодиётидан қолишмайди.

Узоқ вақтларгача интеграцион лойиҳалар корпорацион тармоқлар даражасида нуфузли оқимда бўлиб, давлатлараро (давлатлар устидан) бошқарув билан боғланмаган эди. Мазкур мамлакатларнинг савдо-сотиқ соҳасидаги ўзаро алоқалар, капиталлари ҳаракати ва ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлиги ҳақида қуйидаги маълумотлар асосида хулоса чиқариш мумкин:

1990 йилларнинг бошларида АҚШга Канаданинг 75-80% (ёки Канаданинг ВНП 20%и) экспорти сафарбар этилди. АҚШ учун Канада бозори чет элда юқори ўринда туради. Бевосита хорижий сармоялар улуши Америкада Канадага нисбатан 75%ни, Канаданинг Америкага нисбатан улуши эса 9%ни ташкил этади. Мексика давлати учун АҚШ билан иқтисодий алоқа ўрнатиш ҳаётий заруратдир. 1990 йилларнинг бошларида АҚШга Мексиканинг 70% экспорти юборилди, у ердан эса 65% Мексика импорти келиб тушди. Айни вақтда Мексика ва Канада ўртасида алоқалар тобора ривожланиб, савдо-сотиқ, молия ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик кучайди.

Савдо эркинлиги тўғрисидаги битим ўзаро савдо-сотиқ ва капитал жамғармаларни енгиллаштирадиган тадбирлар ўтказиш

борасида тарифли ва нотарифли чекланмаларни аста-секин бартараф эта боради. Бундан ташқари, мазкур битим орқали савдо-сотиқни бошқаришда унинг қатнашчилари ўртасида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этиш мўлжалланган.

Тинч океан Ҳамжамияти, Япония, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия каби ривожланган мамлакатларни ҳамда Шарқий ва Осиёдаги Жануби-Шарқий ҳудудда жойлашган кўпгина мамлакатларни (шу жумладан, АСЕАН минтақавий гуруҳидаги иштирокчиларни), шунингдек, Хитой ва Океанияни бирлаштиради.

Тинч океан Ҳамжамияти минтақавий гуруҳни расмийлаштириш сифатида эндигина барқарорлашмоқда, шу сабабли унда ўзаро ҳамкорлик схемасини яратиш учун самарали изланишлар олиб борилмоқда, минтақавий гуруҳ эса турли блоклардан ташкил топган. Чунончи, Индонезия, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси, Малайзия, Филиппин, Сингапур, Тайланд, Бруней давлатларини бирлаштирган.

АСЕАН 1967 йилда қарор топди, фақат 1992 йилда унинг қатнашчилари яқин 15 йил мобайнида аста-секин маҳсулотлар таннархини босқичма-босқич камайтира боришга эришиладиган минтақавий савдо эркинлиги зонасини яратишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйдилар. АСЕАН мамлакатларининг хўжалик соҳасида бир-бирига яқинлашуви масаласига келганда, уларнинг иқтисодиётини ўзаро тўлдириб бориш, ички минтақавий савдо-сотиқни ташкил этиш борасидаги фаолият жараёнлари ҳали кенг равишда ривожланиш йўлига ўтганича йўқ. Ҳақиқатдан ҳам, АСЕАН мамлакатларининг ҳар бири Япония, АҚШ, ҳамда Осиёнинг янги саноат мамлакатлари (Гонконг, Жанубий Корея, Тайванд) иқтисодиёти билан тўлиқ боғланган.

Осиё-Тинч океан савдосининг асосий қисми (шу жумладан, АСЕАН ичида) Япония, АҚШ, Канада, Тайванд ва Жанубий Корея корпорацияларининг жойлардаги маҳаллий филиаллари ўртасидаги тижоратга тўғри келади. Хитойнинг бу борадаги ҳисоб-китоби, айниқса, конфуция маданиятига уйғунлашган мамлакатларга қаратилгандир. Япония – АҚШ, Канада, Австралия ўзаро алоқалари муҳим аҳамиятга эга.

Шимолий Америка ва Осиё-Тинч океан бирлашмаларининг модели Ғарбий Европаникидан фарқланади. Агар Ғарбий Европада иқтисодий, валютали сиёсий ҳамжиҳатликка, миллий тузилмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга асосланган ягона бозорни яратиш йўлидан борилган бўлса, Шимолий Америка ва Осиё-Тинч океан минтақасида бирлашиш жараёнлари транснационал корпорациялар фаолияти асосида анчагина мустаҳкам микродаражани қамрайди.

Қисқача хулосалар

Ҳудудий иқтисодий комплексларни шакллантириш шартномали ҳуқуқий базага эга.

Европа Ҳамжамияти — жаҳон иқтисодиётига интеграцияда етук интеграцион гуруҳ.

Европа Валюта Иттифоқи — жаҳон иқтисодиётини барқарорлаштиришда етук стратегик гуруҳ.

Шимолий Америка ва Тинч океан Ҳамжамияти минтақавий интеграцион гуруҳлари мустақил давлатлар сиёсатини бирлаштиради.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Минтақавий интеграцион комплекс қандай шакллантирилади?
2. Жаҳоннинг асосий интеграцион гуруҳларини санаб кўрсатинг. МДҲ таркибидаги қайси мамлакатлар божхона Иттифоқига кирган?
3. Қайси мамлакатлар Шимолий Америка Ҳамжамиятига киради?
4. Тинч океан Ҳамжамиятига қайси ташкилот базасида асос солинди?
5. Мексика Шимолий Америка Ҳамжамиятига қачон қўшилди?
6. АҚШ нинг Шимолий Америка ва Тинч океан Ҳамжамиятидаги роли қандай?
7. Шимолий Америка ва Тинч океан модели ташқи иқтисодий фаолиятда Ғарбий Европаникидан қандай фарқланади?
8. Европа Ҳамжамияти нима?
9. ЕҲ қачон ва қайси ташкилотлар базасида ташкил топган?
10. ЕҲ ким томонидан қандай бошқарилади?
11. ЕҲ қарамоғида қандай маъмурий ва бошқарув органлари мавжуд?
12. Европа Парламенти ва Суди нима?
13. ЕҲнинг қонунчилик ва ҳуқуқчилик асослари нималардан иборат?
14. Миллий давлатлар қандай ташқи иқтисодий ҳуқуқларга эга?
15. ЕҲнинг молиявий асосини нималар ташкил этади?

Асосий адабиётлар

1. Ишмуҳамедов А.Э., Шибаршова Л.И., Интеграция в мировое хозяйство. Учебное пособия. — Т.: ТГЭУ, 1997.
2. Шеметенков. Евро-две стороны одной монеты. – М., 1998.
3. Экономика. Учебник для экономических академий, ВУЗ о в – М., 1995.
4. Хасбулатов Р.И. Мирового экономика. – М.: «ИНСАН», 1994.
5. Современное соединенные Штаты Америки. Энциклопедический справочник. – М., 1988.

IV боб.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИК ТИЗИМИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯСИ – ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИ

4.1. Ташқи иқтисодий фаолият шарт-шароитлари

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ўз бозор иқтисодиёти моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўлларини белгилаш, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва республика интеграцияси йўналишларининг жаҳон хўжалик алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўрин эгаллайди.

«Очиқ» турдаги иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар тизимида бўлган ҳар бир давлатнинг халқаро меҳнат тақсимотида ўз ўрнига, дунё хўжалик тизимида ўз «жавонига» эга бўлиши муҳимдир. Чунки, фақат ўз кучига ишониш даври ўтмишда қолмоқда. Бундай йўналиш провард натижада миллий ва ижтимоий ривожланиш тормозига айланади, ресурсларни норационал ишлатадиган алоқалар бозор иқтисодиётига ўтиш ҳаракатини қийинлаштиради. Ҳатто, катта ҳудудга, кўп миллионли аҳолига, хилма-хил ресурсларга эга бўлган мамлакатни бугунги кунда бошқа мамлакатлар билан доимий ва кенг иқтисодий алоқаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас. Давлат ўз суверенлигига эга бўлган пайтдан бошлаб, ўзи танлаган ташқи иқтисодиёт сиёсатини мустақил халқаро ҳуқуқий субъект сифатида олиб бормоқда. Бу сиёсатнинг асосий мақсади – Ўзбекистоннинг ҳақиқий очиқ иқтисодиётини ва жаҳон иқтисодиёти тизими интеграциясини изчил руёбга чиқаришдир.

Республиканинг халқаро ҳамкорликда ва жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этиши унинг табиий-иқтисодий, транспорт, географик ва маданий-тарихий меросга хос бўлган имкониятларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон улкан табиий ресурслар потенциалига эга бўлиб, биринчи навбатда, минерал хомашё ресурсларига, иқтисодий ишлаб чиқариш ва аҳоли потенциалига, геопотолик ёндашиш жиҳатидан фақат Евроосиё қитъаси эмас, ҳозирги кунда тикланаётган «Буюк Ипак йўли»да ҳам муҳим стратегик ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш ролини ҳам айнан шу позициялардан кўриб чиқиш зарур. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш умумий ҳажми бўйича дунёда саккизинчи ва унинг аҳоли жон бошига белгиланган ишлаб чиқариши бўйича бешинчи ўринни эгаллайди; республикада олтини бор 30 та қазилма топилган бўлиб, ҳозирча уларнинг фақат ўнтаси ишга туширилган. Ўзбекистон олтинининг сифати жаҳон олий стандартларига тўлиқ жавоб беради, охирги 20 йил давомида рекламациялар олмаган, охирги йилларда уч маротаба халқаро сифат мукофотларига эришди.

Мурунтовдаги (Навоий вилояти) олтини бор қазилмаларнинг (олинаётган миқдори ва сифати жиҳатидан) жаҳоннинг энг катта олтин конлари Клондайк (АҚШ), Витватерранд (ЮАР), Колар (Ҳиндистон)лар билан бир қаторга қўйиш мумкин. Юқори пробали қимматбаҳо металл бу ерда чорак асрдан бери қазиб олинмоқда. Уни қазиб олиш арзон, очиқ йўл билан олиб борилаяпти. Шундай қилиб, давлат суверенитети шароитида республика ўз олтинига ўзи хўжайин бўлиб, жаҳон олтин бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин. Лекин охирги пайтда жаҳон бозорининг олтин билан ўта тўйинтирилиш тенденциялари рўёбга чиқиши муносабати билан қимматбаҳо металлнинг сифатига бўлган талаб анча-мунча юқори бўлди.

Масалан, 1991 йилда Жаҳон банкининг кўрсаткичларига кўра, бу фарқ 220-320 тоннага етди. Бундай шароитларда олтинга бўлган нарх-навони барқарор ушлаб туриш мушкул бўлиб қолди. Чунки, собиқ Иттифоқ парчаланиб, унинг ўрнига янги, мустақил давлатларнинг ташкил топиши Ғарб мамлакатлари ва Японияни жуда безовта қилиб қўйди. Бинобарин, улар дунёда энг катта олтин импортёри ва истеъмолчиси эдилар. Шунинг учун жаҳон бозорида Ўзбекистон олтинини сотишда ғоятда омилкорлик зарур.

Ўзбекистонда 370 та кон ишлаб турибди. Улардан ҳар йили 200 млн. тонна турли минерал хомашёлар қазиб олинади, йилига 80 минг тонна мис ишлаб чиқараётган Ўзбекистон улкан захираларга бой, яна кўплаб қўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа ноёб металларнинг катта-катта конлари мавжуд.

Республика ривожланган қудратли ёқилғи-энергетика базасига эга. Табиий газ топилмалари тахминан 2 триллион куб, кўмир 2 млрд. тоннадан ортиқ, нефть 350 млн. тоннани ташкил қилади. Охирги икки йилда очилган янги нефть ва газ конлари нафақат ўз эҳтиёжларимизни қондиришга, балки энергия берувчиларнинг экспорти ҳақида ҳам гап юритишга имкон беради. Ўзбекистон нефть конларидаги қора олтинни қайта тай-

ёрлаш тўғрисида «Эльфакитен» француз компанияси билан битим тузилган.

Ўзбекистон — Марказий Осиё ва МДҲда асосий пахта етиштирувчи ва бу борада жаҳонда тўртинчи ўринда. Эндиликда жаҳон ва МДҲ давлатлари билан асосий ҳамкорлик йўналишларидан — республикада пахтани чуқурроқ қайта ишлаб, ташқи бозорга якунланган қимматбаҳо маҳсулот сифатида чиқариш мўлжалланган.

Республикада ҳар йили 1,7 млн. тонна пахта толаси тайёрланади. Буни жаҳонда чиқарилаётган пахта билан солиштириш мумкин: МДҲда умумий 2,75 млн. тонна, Хитойда 4,2 млн. тонна, АҚШда 3,4 млн. тонна пахта ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқариш ҳажмига кўра, Ўзбекистон жаҳон пахта бозорида тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлиши мумкин, лекин бизнинг пахтамиз сифати чет эл пахтаси сифатидан анча паст. Унинг сифатини яхшилаш учун анча-мунча ишлар олиб бориш ва фурсат даркор. Худди шундай вазият қоракўл терилари ва ипак хомашёси бўйича ҳам ҳукм сурмоқда.

Мева ва сабзавотлар етиштиришда — Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон Республикаси асосий таъминловчи бўлган, Иттифоқда ҳар йили етиштириладиган ялпи мева-сабзавотнинг 60%ини етказиб беришни ўз зиммасига олган эди. Бугунги кунда ҳам республикада ҳар йили 5 млн. тоннагача мева ва сабзавот етиштирилади, уларнинг кўпи ноёб таамга эга. Ўзбекистон бу борада ҳамкорликка тайёр. Республиканинг бу тармоққа бўлган асосий эътибори — маҳсулотларни қайта ишлаш; сақлаш; жўнатиш; қадоқлаш корхоналарини барпо этишга қаратилган.

Ўзбекистон ўзида ва хорижда туризм, туризм саноатини ривожлантириш учун ҳам кўпгина имкониятларга эга. Унинг ҳудудида дунё миқёсида танилган тарихий ва архитектура марказлари — Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари жойлашган, булардан ташқари 4000 дан ортиқ маҳобатли меъморлик обидалар бор, уларнинг кўплари ЮНЕСКО ҳимоясида.

Ўзбекистоннинг потенциал имкониятлари кафолатли бўлиб, бир томондан, бозор иқтисодиёти ислоҳотлаштириш, бошқа томондан эса, собиқ Иттифоқ ўрнида шаклланган янги иқтисодий макон интеграцияси, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида халқаро меҳнат тақсимотида ва жаҳон хўжалик алоқаларида баббаравар иштирок этиш ҳисобланади.

Ўзбекистонда халқаро бозорга чиқиш йўли ва ривожланиш учун кўплаб имкониятлар мавжуд (1-жадвал). Республика ташқи иқтисодий алоқалари интенсификациясининг келиб чиқиш шарт-шароитлари қуйидагилардир:

- ер бойликлари, минерал хомашё ва ўсимликлар ресурслари, шунингдек, ажойиб тупроқ-иқлим шароитлари, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда унинг маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган саноат ишлаб чиқариш комплекси базасини яратиш учун чексиз имкониятлар мавжудлиги;

- миллий халқ хўжалиги мажмуи инфратузилмасининг юзага келиши, республикани жаҳон хўжалиги алоқаларига кенг миқёсда жалб эта оладиган йирик илмий потенциал мавжудлиги;

- экспорт потенциалининг юқори даражада эканлиги;

- тегишли кооперация ва ҳамкорликдаги сармоялар ёрдамида рақобат бардош маҳсулотларни юқори даражада тайёрлай оладиган ишлаб чиқаришни қисқа вақт ичида яратиш потенциалининг мавжудлиги ;

- нисбатан олганда (жаҳон миқёсида баҳолаганда) арзон ишчи кучига эга бўлиш мумкинлиги;

- хорижий капитал сармояси ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик ўрнатиш учун республикада барқарор сиёсий муҳитнинг яратилганлиги.

1-жадвал

Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси товар таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида	
	2000 й	2003 й
Ташқи савдо айланмаси	100	100
Экспорт	52,6	51,0
Импорт	47,4	49,0
Экспорт таркиби	100	100
Пахта толаси	27,5	24,3
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар	2,9	2,6
Қора ва рангли металлар	6,6	6,8
Машина ва асбоб-ускуналар	3,4	3,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4	3,8
Энергия ресурслари	10,3	9,9
Хизматлар	13,7	14,1
Импорт таркиби	100	100
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,3	10,8
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар	13,6	12,7
Қора ва рангли металлар	8,6	10,9
Машина ва асбоб-ускуналар	35,4	41,2
Энергия ресурслари	3,8	1,9
Хизматлар	8,5	10,3

4.2. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий сиёсатнинг ривожланиши

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан халқаро савдо-иқтисодий муносабатлари тарихи ўрта асрлардан бошланади. Ғарб ва Шарқ ўртасидаги савдо, катта бозор учун кураш ва меҳнат ресурслари ҳамма вақт Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудудига дахлдор бўлган.

Чунки, унинг географик жиҳатдан савдо-иқтисодий потенциали кўплаб мамлакатларнинг қизиқишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда асосан агротехника хомашёси (пахта, ипак, қоракўл), машинасозлик ва асбобсозлик тармоқлари учун комплектлаш маҳсулотлари, олтин, уран ишлаб чиқариш мўлжалланган. Иккинчи жаҳон уруши даврида кўпгина заводлар Ўзбекистонга эвакуация қилингани туфайли республикада кончилик, самолётсозлик, тракторсозлик, электротехника, кимё, тўқимачилик, оғир саноат тармоқлари пайдо бўлди. Бироқ техник, технологик ва тариф стандартлари Ўзбекистондан ташқарида (асосан Россияда) ишлаб чиқариларди, республикада саноатнинг ривожланиши муайян даражада ташқи қарамликка боғлиқ эди.

1991 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Иқтисодий ва давлатчилик тараққиётининг биринчи босқичида (1991-1995й.) иқтисодни бошқарадиган ўз инфратузилмасини яратиш ва жаҳон ҳамжамиятида савдо алоқаларини интенсив ривожлантиришга боғлиқ эди. Шу боис, бу борада муайян тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, ягона иқтисодий сиёсатни ўтказиш ва шакллантириш, тараққиёт стратегиясини белгилаш, ички ва ташқи бозорларда умумдавлат манфаатларини таъминлаш, иқтисодий, фан-техник, савдо, маданий ва спорт соҳаларида ҳамкорлик ўрнатиш, туризмни ривожлантириш ва бошқа алоқаларни самарали бошқарадиган Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги (МВЭС) барпо этилди. 1992 йил 26 мартда қабул қилинган ҳукумат қарорига кўра, вазирлик давлат органи бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини бошқариш, назорат қилиш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш ишларини олиб боради.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасини унинг ташқарисида намойиш этади; барча ташқи иқтисодий масалалар бўйича давлат манфаатларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини мамлакат номидан ҳимоя қилади. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўз фаолиятида халқаро ҳуқуқий меъёрларга, Ўзбекис-

тон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган битим, қонун ва меъёрий қайдномаларига амал қилади. Ўз тараққиётидаги I-босқичнинг якуний даврида (1995 йилнинг охири) Ўзбекистон давлат бошқарувида, иқтисодиётда, ташқи савдо алоқаларида ҳамда ишлаб чиқариш доирасида барқарорлиги билан кўзга ташланди. 1995 йилда МДҲ орасида савдода ижобий сальдо олган икки давлатнинг бири бўлди.

Олтин қазиб олиш, энергетика, қурилиш, тўқимачилик саноати ва нефть ишлаб чиқариш соҳаларида дастлабки саноат инвестицияларнинг лойиҳалари тугалланди. Ҳиссадорлик асосида, шу жумладан, хорижий капиталнинг қатнашуви билан аграр ҳамда саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш учун қонуний ва амалий шароитлар яратилди.

ЕҲ иқтисодий комиссияси кўрсатмаларига кўра, миллий маҳсулотнинг салмоғи 1991 йилдагига нисбатан 1995 йилда Ўзбекистонда 82,21%ни, Россияда 49%ни, Қозоғистонда 43%ни, Белоруссда 41%ни ташкил этди.

Иқтисодий ривожланишнинг иккинчи босқичи (1995-1998й) негизларидан бири — мамлакатнинг ўз саноатига асосланиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, макроиқтисодий инвестициявий инфратузилмасини таъминлайдиган бир қатор институтлар барпо этиш.

Бу босқичда ташқи бозорни таъминлаш, бир томондан, ички (импорт ўрнига) ва ташқи бозорлар учун (экспортга) рақобатбардош моллар ишлаб чиқариш бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқларига кўплаб хорижий технологик сармоялар кириши билан чамбарчас боғлиқдир:

- авиация машинасозлиги ва автомобилсозлиги;
- кон қазилмалари ва кимё саноати;
- қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш ва қадоқлаш;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- тўқимачилик саноати;
- телекоммуникация ва алоқа;
- транспорт ва унинг хизмати.

Шунинг учун асосий эътибор Ўзбекистоннинг авиацион портларини комплекс равишда қайта кўришга; энергетика, транспорт, алоқа ва машинасозлик соҳаларида йирик саноат комплексларини барпо этишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт-импорт таркиби шуни кўрсатдики, 1998 йил натижаларига кўра, ташқи савдо айланмаси 6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ташқи савдода 216 млн. АҚШ доллари миқдорида қўшимча сальдо таъминланди. МДҲ давлатларининг товар айланмаси 24%га тушиб кетди.

Бу параллел равишда эркин конвертация қилинадиган валюта воситасидаги савдо ҳажмининг ортишига олиб келди.

1998 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳамкори Швейцария бўлди. Шунингдек, ташқи савдо олиб борилган биринчи беш мамлакат қаторида Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия, Туркия бўлдики, бу борада анча салоҳиятга эришилди.

Ўзбекистоннинг асосий товар айланмаси Европа иқтисодий Ҳамжамиятининг саноати ривожланган мамлакатларига 30,6%, Жанубий Кореяга 16,2%, Туркияга 6,2%, Бирлашган Араб Амирликларига 2,2%, Хитойга, 8%, АҚШга 1,2%, МДҲ мамлакатлари билан товар айланмаси Россияга 49,1%, Қозоғистонга 18%, Тожикистонга 8,9%, Украинага 4,0%, Қирғизистонга 3,9% тўғри келди.

2-жадвал

Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг 2001 йилдаги таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт
Ўзбекистон Республикаси	100	51,0	49,0
Қорақалпоғистон Республикаси	100	58,3	41,7
Вилоятлар:			
Андижон	100	34,4	65,6
Бухоро	100	79,8	20,2
Жиззах	100	49,8	50,2
Қашқадарё	100	56,9	43,1
Навоий	100	47,9	52,1
Наманган	100	68,2	31,8
Самарқанд	100	54,8	45,2
Сурхондарё	100	88,4	11,6
Сирдарё	100	84,7	15,3
Тошкент	100	52,6	47,4
Фарғона	100	46,4	53,6
Хоразм	100	64,8	35,2
Тошкент ш.	100	33,9	66,1

2001 йилда экспорт товарлари ва хизматлари 3,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этди (3-жадвал). Шу билан бирга, яқин хорижий мамлакаталарга экспорт камайди. Узоқ хорижий мамлакатларга етказиб бериладиган маҳсулотнинг кўпайишига экспорт товарларини сотиш бозорининг географик кенгайиши ҳамда табиий кўламнинг ўсиши, шунингдек, хомашё маҳсулотларига, биринчи навбатда, пахта толаси ва мисга жаҳон коньюнктура баҳоларининг яхшиланиши сабаб бўлди.

Ўзбекистоннинг 1996-1998 йиллардаги асосий маҳсулотлари экспорти таркибига оид маълумотлар 3-жадвалда берилган.

3-жадвал

1996-1998 йиларда Ўзбекистон Республикаси экспортининг таркиби
(АҚШ млн. доллари ҳисобида, хизматларсиз)

Асосий маҳсулот турларининг экспорт таркиби	1996	1998
Жами	694.062	1677.2
Пахта толаси	550.281	1405.3
Машиналар, асбоб-ускуналар ва транспорт	0.865	3
Рангли метал ва улардан тайёрланган буюмлар	68.168	110.1
Минерал ўғитлар	14.005	35.5
Пахта газламалари	19.949	27.5
Қора метал ва улардан тайёрланган маҳсулотлар	5.497	10.4
Шойи	6.03	8.8
Пахта чигитлари	2.937	5.2
Ўсимлик ёғи	-	5.5
Чарм хомашёси	0.557	1
Нефть ва нефть маҳсулотлари	0.307	0.3
Электроэнергия	7.556	11.6
Пахта линти	1.642	11.3
Тўқимачилик ва трикотаж кийим-бошлар	-	0.6
Тола пахта	1.633	1.6
Бошқа маҳсулотлар	14.635	29.3

Эркин конвертацияланадиган валютанинг экспорт ҳажми *яқин хорижий мамлакатлар билан* 27,2 марта, дунёдаги бошқа мамлакатлар билан эса 2 баравар ўсди. 1998 йилда экспорт тузилиши баҳоланган нархга кўра, хомашё товарлари, аввало, пахта *толаси қисман даражада салмоқли* 57,8% ўрин тутди. Энергия етказгичлар улушига 14%, қора ва рангли металларга 5,4% тўғри келади. 1998 йилда умумий импорт ҳажми 2,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларидан келтириладиган импорт товарлар оқими 8,8%га қисқарди ва 1,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Натижада мазкур мамлакатларнинг умумий импортдаги улуши камайиб, 44,7%га тушди. Яқин хорижий мамлакатлардан келтириладиган импорт эса анча кўпайиб, 1994 йилдагига нисбатан 2,1 марта ўсди.

Узоқ хорижий мамлакатлардан импорт товарларининг келтириш 1,6 млрд. АҚШ доллари ташкил этди. Натижада бу мамлакатларнинг салмоғи баҳоланган нархга кўра, импорт ҳажмининг 1996 йилдаги 45,7%идан 55,3%га кўпайди. Ўзбекистон учун импортдаги салмоқли ўринни Жанубий Корея (27%), Германия (22,9%),Венгрия (9,2%), Швейцария (7,5%), Туркия (5,7%), Япония (4,4%) эгаллади. Уларнинг импортдаги улуши 80%га тўғри келди.

1998 йилда импорт таркибида кескин ўзгаришлар юз берди(4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 1996-1998 йиллардаги импорт таркиби
(АҚШ доллари ҳисобида, хизматларсиз)

		1996		1998	
		Баҳоси	Фоиз	Баҳоси	Фоиз
Жами		1187.34	100	1809.29	100
Бугдой	млн. тонн	241.41	20.33	129.93	7.10
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	млн. тонн	71690.50	6.04	46354.40	2.58
Сут ва сут маҳсулотлари	млн. тонн	13.91	1.17	12.55	0.69
Сариёғ	млн. тонн	4952.30	0.42	9082.70	0.59
Ўсимлик ёғи (пахта ёғидан ташқари)	млн. тонн	0.16	0.01	362.30	20.00
Шакар	млн. тонн	64955.30	5.47	93653.50	5.10
Фармацевтика маҳсулотлари, шу жумладан, дори-дармонлар	млн. тонн	5.85		65.09	3.60
Тўқимачилик, трикотаж , кийим-кечаклар	млн. тонн	27.57	2.32	39.11	2.10
Оптик, жарроҳлик, тиббий асбоблар ва аппаратлар	млн. тонн	3.18	0.27	52.21	2.80
Теле видеоаппаратлар	млн. тонн	12.36	1.04	78.51	4.30
Машиналар, асбоб-ускуналар ва механизмлар	млн. тонн	158.98	13.39	498.22	27.50
Бошқа товарлар	млн. тонн	252.98	21.31	221.32	23.64

Яқин ва узоқ хориж мамлакатлардан импорт қилинадиган товарлар орасида машиналар ва асбоб-ускуналар салмоғи ортиб бормоқда. Улар ялпи импорт товарларининг 37,5% ини ташкил этади.

Ватанимизда ёқилғи-энергетика мажмуи жадал суръатлар билан ривожланганлиги туфайли республикамизга чет мамлакатлардан келтириладиган нефть ва нефть маҳсулотлари умумий салмоғида анча қисқарди.

Импорт таркибининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонга бозорда тезда сотилиб кетадиган истеъмол товарларини кўплаб келтириш давом этмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятда транспорт алоқалари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг йирик халқаро темир йўл, денгиз ва автомобиль портларидан йироқ жойлашганлиги импорт ва экспорт товарларини етказишда транспорт хизмати баҳоси-

га жиддий таъсир ўтказмоқда. Юкларнинг 90%и темир йўл транспорти орқали ташилмоқда. Ўзбекистон ичкарисида темир йўл алоқалари тизими етарли даражада ривожланмаган ва зич жойлашган (50 км. дан 100 кв. км. гача), улар орқали Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистонга чиқиш мумкин. 180 та станциядан 11 таси йирик габаритли контейнерларни қайта ишлаш учун зарурий воситалар билан жиҳозланган. Ҳар куни Ўзбекистонда 8000 вагон қайта ишланади.

Юк ташишда товарларнинг анчагина қисми автомобиль транспорти орқали етказилади. Тезкор йўллар 42 минг км. ни, маҳаллий йўллар 90 минг км. ни ташкил этади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳамда ёнма-ён бўлган халқаро авиация компанияси хизматидаги транзитмагистрали ноятда катта аҳамиятга эгадир. МДҲ мамлакатлари ва узоқ хорижий юртлардан 15 тасига самолётлар тўғридан-тўғри *парвоз қилмоқда*. Тошкент, Самарқанд, Термиз ва Фарғона шаҳарлари халқаро аэропортлар мақомига эга.

4.3. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инвестициявий ва ҳуқуқий базаси

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор қонунлар ва меъёрий ҳуқуқий актларга ҳар томонлама асосланган тизим вужудга келтирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларидаги ҳуқуқий база халқаро ҳуқуқлар ҳамда меъёрлар даражасида асослаб берилди. Чунончи, Республика Президентининг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида"ги Фармонига кўра, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар хорижий валюта топшириш ва уни Марказий Банкка мажбурий сотиш бўйича беш йил муддат давомида солиқ тўлашдан озод қилиш.

Шу фармонга кўра, экспорт маҳсулотининг ҳажми 30%дан ошган корхоналар белгиланган меъёрлардан икки баравар кам миқдордаги ставкалар бўйича солиқ тўлаш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, республикада хорижий *сармояларни жалб этиш* учун имтиёзларнинг кенг тизими вужудга келтирилган, хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган.

"*Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш*, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга биноан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаш-

ган қўшма корхоналарни руйхатга олинган пайтдан бошлаб, беш йил муддатга хорижий валютадаги тушумдан солиқ тўлашдан ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкига валютани мажбурий сотишдан озод қилиш кўзда тутилган.

"Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонга кўра, корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулоти таркибида экспортга ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлса, улар муайян имтиёзларга эга.

Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизими қуйидагилардир:

- ишлаб чиқарилган товарларнинг (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30%ни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларидан қатъиназар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баравар камроқ тўлаш ҳуқуқини бериш;

- республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;

- Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг Устав фондига ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож солиғисиз олиб кириш;

- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш кўзда тутилган.

«Хорижий сармоялар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ чет эллик шериклар учун уларнинг мол-мулкини давлат ихтиёрига олиш ва мусодара қилишдан озод этиш учун кафолатлар белгилаб қўйилган. Уларнинг ўз фаолияти натижасида олган фойдаси ва бошқа пулларни чет элга ўтказишга, олинган фойдани республика ҳудудида қайта сармоя тарзида ишлатиш, республика банкларида ҳисоб рақамига ва унда чекланмаган миқдорда ҳар қандай валюта маблағига эга бўлиш кафолатланади. Хорижий сармоядорларга нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун меъёрлари (нормалари) 10 йил мобайнида қўлланиши кўзда тутилган қонун ҳужжатлари ўзгартирилмаслигига кафолат мавжуд.

Шундай қилиб, вужудга келтирилган ҳуқуқий нормалар (меъёрлар) хорижий шерикларнинг кенг инвестиция фаолияти учун қулай имкониятлар яратиб, уларнинг ҳуқуқлари ва сарфлаган сармоясини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида

Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция билан битимлар имзолади, бошқа бир қанча мамлакатлар билан ҳам мана шундай битимлар тузиш давом эттирилмоқда.

Канада, Хитой Халқ Республикаси, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 3,3 млрд. АҚШ долларига яқин миқдорда ҳукуматлараро 32 та йирик кредит битими тузилди ва ҳозир бу битимлар амалда қўлланилмоқда. Ўзбекистон 30 дан ортиқ савдо ва иқтисодий битимлар тузган, улардан 20 таси узоқ хориж мамлакатлари билан тузилган. Биргина 2001 йилда республикада чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони 9001, шу жумладан ишлаб турган юридик корхоналар сони 11958 га етди (5-жадвал). Умуман, мустақилликка эришилгандан сўнг республикага 5 млрд. АҚШ доллари кириб келди.

5-жадвал

Ўзбекистонда 2001 йилда чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони (1январ ҳолатига; бирлик)

	Рўйхатга олинганлари, жами	Шу жумладан, ишлаб турган юридик корхоналар	Рўйхатга олинганлар сонидан ишлаб турганлари
Ўзбекистон Республикаси	3301	1958	59,3
Қорақалпоғистон Республикаси	28	18	64,3
Вилоятлар:			
Андижон	89	78	87,6
Бухоро	53	40	75,5
Жиззах	41	19	46,3
Қашқадарё	52	29	55,8
Навоий	28	23	82,1
Наманган	76	66	86,8
Самарқанд	115	96	83,5
Сурхондарё	51	25	49,0
Сирдарё	22	21	95,5
Тошкент	196	160	81,6
Фарғона	74	47	63,5
Хоразм	34	24	70,6
Тошкент шаҳри	2224	1312	58,7

4.4. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг асосий йўналишлари

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги республиканинг ТИФ Миллий банки ва Ўзбекистоннинг бошқа ташқи иқтисодиёт институтлари билан биргаликда ташқи савдо сиёсатини ишлаб

чиқади ва миллий инвестиция лойиҳаларини мувофиқлаштиришни амалий ҳал этади. Юқорида қайд қилинганидек, иқтисодий тараққиётнинг иккинчи босқичида асосий диққат-эътибор ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилди. Шу сабабли ҳам юқори сифатли товарларни яратишга йўналтирилган ва рақобатли баҳодаги сармоялар кейинги меъёрий-ҳуқуқий актларда кўзда тутилган афзалликлар ҳамда имтиёзлардан фойдаланишга имкон беради.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан иқтисодиётнинг ҳар хил соҳалари бўйича ва мамлакатнинг турли ҳудудлари учун афзал бўлган инвестиция лойиҳалари тизими ишлаб чиқилган. Хусусан, Ташқи иқтисодий алоқалар Вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (МБ) ихтиёрида мукаммал аналитик базага эга бўлган 177 лойиҳа мавжуд. Улардан айримлари ҳозирданоқ жорий қилинмоқда. Масалан, ягона замонавий навигация тизимини яратиш иккинчи босқичда амалга оширилмоқда; трактор, самолёт, автомобиллар ишлаб чиқариш учун машинасозлик базасини яратишга ҳам аллақачон киришилган.

Ўзаро фойда келтирадиган савдо ва прагматик тамойилларга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон шериклар билан ҳамкорликни янада кенгайтириб бормоқда ва улар таклиф қилган замонавий юқори сифатли технология ўзлаштирилиб, ўз саноатимизда қўшма корхоналарнинг якуний маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Бундай ёндашиш ўзаро фойдали ҳамкорлик ва савдонинг адекват тамойили бўлади. Жаҳон бозори билан бундай ҳамкорликни жадал ривожлантириш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг барқарор ва изчиллик сиёсати билан кафолатланади: ислоҳот йўлларида уларнинг амалга ошиши қатор ижобий натижалар бермоқда.

Биринчидан, жами ташқи савдо айланмаси 2001 йилда бирмунча ошиб, 6001,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан, яқин хориж (МДҲ) мамлакатлари билан савдо — 2609,0 млн. АҚШ долларига ва узоқ хориж мамлакатлари билан савдо 3392,7 млн. АҚШ долларига етди. Жами ташқи савдо ай ланмасида хорижий мамлакатлар билан савдо-сотиқ салмоғи анчагина кўпайди. Республиканинг эркин конвертация қилинган валютада экспорт операциялари ҳажми ортди: 1998 йилги 51,2%дан 2001 йил 91,9%га ошди. Бартер операциялари 1996 йилги 48,8%дан 2001 йилда 8,1 %га камайди.

Иккинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг ТИАБни қайта тузиш ҳақидаги қароридан кейин кўпгина хўжалик субъектларининг ташқи бозорга чиқиши ортди. Бу эса республикада иқтисод элементларининг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимига

мослашишига олдиб келди ва бозор иқтисодиётининг шаклланишига ёрдам беради.

Учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни республика мустақиллиги шароитида олиб бориш кўпгина янги бошқарув ва ташкилий-хўжалик тузилмаларини яратишга имкон беради: ҳуқуқий ва норматив базалар ишлаб чиқарилмоқда, улар республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятини бошқаришда муҳим роль ўйнайди, ташқи иқтисодий комплекс инфратузулманинг кенг тармоғи шаклланмоқда ҳамда ташқи савдо, элчихона, халқаро иқтисодчиликда касбий маҳоратга эга бўлган ходимлар тайёрланмоқда.

Бироқ, ташқи алоқаларда салмоқли ютуқларга эришган бўлсакда, бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида учраётган муҳим ва долзарб муаммолар ҳали ечимини топгани йўқ. Бунга бир неча сабаблар бор:

• биринчидан, ташқи тузилмалардаги экспорт ишлаб чиқаришида тубдан ўзгаришлар рўй бермагунча, хомашё маҳсулотлари, аввало, пахта салмоқли ўринда тураверади, шунингдек, бой туристик имкониятлардан ҳам етарли даражада фойдаланилаётгани йўқ;

• иккинчидан, қолоқ (жаҳон стандартларига нисбатан олганда) технологиядан ва паст даражада ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш давом этмоқда, айниқса, республиканинг хомашё маҳсулотларини қайта тайёрлайдиган соҳалари бўйича ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилмаган. Рақобатбардош маҳсулотлар кам ишлаб чиқарилаётганлиги экспорт базаси таррақиётини чеклаб қўйишда асосий тўсиқ бўлмоқда;

• учинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришга оид қарорлар маъмурий-ташкилий тадбирлар миқёсида ўз ижросини топмаяпти ҳамда иқтисодий ва амалий чораларни ҳал этишда қатъиятлилик етишмаяпти;

• тўртинчидан, вазирликлар, идоралар, концернлар, ҳиссадорлик жамиятлари, барча хусусий корхоналар ҳамда матлубот ташкилотлари республика қонунчилиги асосида ўз зиммаларига юкланган ташқи иқтисодий фаолиятдаги вазифаларини мукаммал бажармаяптилар, бунга қисман иқтисодий рағбатлантириш чораларидан самарали фойдалана олмаслик ҳам сабаб бўлмоқда. Жаҳон бозори қонунлари ва талабларини яхши билмаслик, тегишли чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаслик, муносиб ходимлар тайёрлаш ишида масъулиятсизлик ҳолатлари намоён бўлмоқда.

Қисқача хулосалар

Республикамизнинг халқаро ҳамкорликда ва жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этиши унинг табиий-иқтисодий, транспорт, географик ва маданий-тарихий меросга хос бўлган имкониятларидан келиб чиқади.

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан халқаро савдо-иқтисодий муносабатлари тарихи ўрта асрлардан бошланади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларига алоқадор қонунлар, ҳуқуқий актлар мажмуи яратилган.

Ўзбекистон Республика ТИФнинг асосий йўналишлари кўп ислоҳотларда мужассамдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи иқтисодиёт баланси нима?
2. Нима сабабдан «узоқ хориж» айланмаси «яқин хориж» айланмасига нисбатан тез ривожланади?
3. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги нималар билан шуғулланади?
4. Ихтироли лойиҳалар деганда нималар тушунилади?
5. Тармоқларни ислоҳ қилишдаги ютуқларга қандай эришилади?
6. Республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг қайси йўналиши мўлжалланмоқда?
7. Ўзбек модели асосидаги иқтисодий тараққиётни қандай тушуниш мумкин?
8. Халқаро меҳнат тақсимоти деганда нималарни тушунасиз?
9. Ўзбекистон Республикаси қандай хомашё ресурсларига эга?
10. Ёқилғи ва дон мустақиллигига эришиш Ўзбекистон учун қандай аҳамиятга эга?
11. Ўзбекистон олтин қазиб олиш, пахта маҳсулотлари етиштириш бўйича дунёда қайси ўринда туради?
12. Ташқи иқтисодий потенциал қандай кўрсаткичлар билан баҳоланади?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида. – Т., 1995.

3. Закон Республике Узбекистан «О внешнеэкономической деятельности». 1994.

4. Закон Республики Узбекистон «Об интеграционных инвестициях и гарантия деятельности иностранных инвесторов». 1994.

5. Ишмушамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Текст лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.

6. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная эканомика. Теория и политика.–М.: МГУ, 1997.

7. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: «Узбекистан», 1996.

8. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. Пер. с анг. 2-е издание. – М.: Депо ЛТД, 1993.

9. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. В.В. Радаева и А.В. Бузгалова. – М., МГУ, 1995.

V боб

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

5.1. Европа Иттифоқи мамлакатларининг интеграциялашув стратегияси

XX аср ўз ривожланиш хусусиятлари бўйича жаҳон иқтисодиётидаги янги глобал тенденциялардан бири — ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви ва иқтисодий конвергенциянинг кучайишига эришди. Бундай тенденция-ларнинг муваффақиятли амалга оширилишида, бир томондан, давлатлараро иқтисодий ташкилотлар, иккинчи томондан, умумий иқтисодий муаммоларни ҳал этиш мақсадида тузилган иқтисодий Ҳамжамиятлар алоҳида роль ўйнади. Бу борадаги жаҳон иқтисодиётида иқтисодий ҳамжамиятларнинг умумий ривожланишни таъминлашдаги улушига бўлган ишонч тобора ошиб бориши кузатилмоқда. Хусусан, пухта ишлаб чиқилганлиги жиҳатидан Европа Иттифоқини ҳозирги кундаги энг объектив ва намунавий интеграцион уюшма деб ҳисоблаш мумкин.

ЕИни тузиш ва ривожлантиришга таъсир этган бир қатор омиллар борки, улар ўша даврда иқтисодий интеграцияни заруратга айлантирган. Улардан энг асосийлари қуйидагилар:

- Европада халқаро алоқаларнинг янги тизимини тузиш;
- II жаҳон уруши натижасида иқтисодиётнинг издан чиқиши;
- Европада йирик, умумий бозорни ташкил этиш;
- фарқли сиёсий ва иқтисодий мафкурага эга рақобатлашувчи икки йирик глобал ҳокимиятнинг юзага келиши;
- ўзаро тўлдирувчилик хусусиятига эга бўлган ихтисослашув орқали ҳудудий интеграция.

Айтиш жоизки, Европада интеграцияни дастлаб баъзи тармоқлараро бозорларнинг очиқ рақобат шароитида ишлашини таъминлаш ва унинг асосида кейинчалик ушбу жараённи чуқурлаштиришга эришилди. Шу тарзда турли хил иқтисодий ёндашувга эга мамлакатларнинг асосий мақсадлари, савдодан, рақобат хусусиятлари ва кенг кўламли иқтисодиётдан мумкин қадар самарали фойдаланиш эвазига фойда олишга йўналтирилди. Бу жараёнда оддийдан мураккабга томон ҳаракат юз беради. Бутун жараён доимий равишда мувофиқлаштириб турувчи институтлар томонидан назорат остида амалга оширилади. Иқтисодий муносабатлар кўлами кенгайиб борган сайин давлатлар ўртасидаги молиявий ва иқтисодий операциялар сал-

моғи ҳам ошиб борди. Бу эса ўз навбатида, иқтисод ва молия соҳасидаги стандарт тизимларнинг аста-секин уйғунлашиб боришини тақозо этади. Шунинг учун ЕИ интеграцион стратегиясининг ҳаракат механизми ишлаб чиқилди.



1-чизма. ЕИнинг интеграциялашув стратегияси босқичлари, асосий хусусиятлари ҳамда ҳаракат механизми

Европа Иттифоқи иқтисодий интеграциясининг устуворлиги борасида унинг Божхона Иттифоқи (БИ) ва Умумий Бозор (УМ) босқичларида мулоҳаза қилиш, эришилган натижаларни солиштириш ва хулосалар қилиш имконини берди.

БИни доим универсал эркин савдога ўринбосар ва томонлар учун фойдали деб ҳисоблаш мумкин. Бу хусусда муноазара

қилиш учун асос бўладиган далиллар аниқланди. Масалан, БИ ўюшма миқёсидаги эркин савдони жадаллаштириш, қолганларга нисбатан эса, агар келгусида тегишли чоралар қабул қилинмаса, савдода дискриминацияни англатади. Шунинг учун ҳам, унинг савдони яратиш ва савдони қайтариш самараси амалийлиги жиҳатидан, фойдали ёки фойдасиз бўлиши мумкин. ЕИнинг шаклланиш ва кенгайиш жараёни дунёнинг қолган қисмига нисбатан, ўзаро аъзо мамлакатлар ўртасида савдонинг ошиши билан ҳамоҳангдир. 1958 йилдан 1972 йилга қадар ЕИ дастлабки аъзо давлатлари ўртасидаги ўзаро савдо 15%га ўсди, аъзо бўлмаган давлатлар билан эса 8,5%ни ташкил этди (6- жадвал).

6-жадвал

ЕИга аъзо 15 мамлакатда ўзаро экспорт ва импорт оқимларининг кўрсаткичлари

Аъзо давлат	ЕИга экспортнинг умумий экспортдаги улуши (%да)		ЕИдаги импортнинг умумий импортдаги улуши (%да)	
	1958	1999	1958	1999
Бельгия	55,4	76,0	55,5	71,0
Люксембург	55,4	85,4	55,5	81,7
Дания	59,3	66,9	60,0	69,8
Германия	37,9	56,9	36,3	56,9
Греция	50,9	51,6	53,7	66,2
Испания	46,8	71,2	31,8	68,7
Франция	30,9	62,4	28,3	66,6
Ирландия	82,4	66,0	68,9	62,1
Италия	34,5	57,3	30,2	60,8
Нидерландия	58,3	79,5	50,7	55,1
Португалия	38,9	82,8	53,4	77,4
Буюк Британия	21,7	58,6	21,8	53,2
Австрия	-	62,9	-	72,3
Финляндия	-	57,7	-	65,4
Швеция	-	58,4	-	67,6

Манба: Statistical Annex of European Economy, June 1996; Eurostat: Basic Statistics of the European Union, 32nd edition, 1995. Eurostat: Yearbook 2001

БИнинг савдодаги самарасини ҳисоблаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар кўрсатишича, 1970 йилга қадар Ҳамжамият ичида савдо 8-15 млрд. АҚШ долларига кенгайган. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан савдо ўртача 15-30 фоизга ошганини билдиради. Шунингдек, Робсон ўз ишида саноат ишлаб чиқаришидаги савдони яратиш, савдони қайтаришга нисбатан бир неча баробар кўп эди, деб таъкидласа, Баласса қишлоқ хўжалигидаги савдони қайтариш 1,3 млрд. АҚШ долларини таш-

кил этганини қайд этади. Шундай бўлса ҳам, умумий ҳисобда аъзо бўлмаган давлатлар билан савдода савдони қайтаришдан кўра, ташқи савдонинг яратилиши ижобий таъсирга эга бўлган. 1980 йилга қадар савдони яратиш самараси натижасида кенг кўламли иқтисодиётлардан келган фойда умумий ЯИМнинг 3-6 фоизини ташкил этган.

1958-99 йиллар оралиғида кенг қамровли интеграцияга эришиш мақсадида ЕИ мамлакатлари ўзаро савдода тўсиқларни (кенг маънода) олиб ташлаш натижаларини шу йиллардаги товар айирбошлаш кўрсаткичларини таққослаш орқали изоҳлаш мумкин (6-жадвал). ЕИда умумий экспорт ва импорт операцияларининг аъзо давлатларга тўғри келадиган улуши ўрта ҳисобда 63 фоизни ташкил этган, ўзаро савдо айланмаси ўртача 15-20 фоизга ошган. Бу, ўз навбатида, мамлакат бозорларининг кенг ва чуқур интеграциясидан далолат беради.

5.2. Жаҳондаги глобаллашув ва иқтисодий интеграциялашув жараёнларида Европа Иттифоқининг ўрни

Европа Иттифоқи УБ ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракатини ўз ичига олади. Бундай ҳолатда асосий фойда *омиллар энг юқори даромад келтирадиган ва юксак иқтисодий* фаровонликни таъминлайдиган ҳудудларга эркин оқиб ўтиши эвазига олинади. Бунда иқтисодий интеграция даражасини давлатлараро ишлаб чиқариш омиллари нархларини солиштириш; аъзо мамлакатлар савдо ҳолатлари ва шароитларини баҳолаш орқали аниқлаш мумкин. УБнинг яратилиши иқтисодиётда таклиф томонининг самарадорлигини оширувчи манба сифатида қаралади. Таклиф томонидаги яхшиланиш аъзо давлатлардаги пул бирликларининг реал харид қуввати ва шу тариқа инвестициялар ҳажмини кўпайтириш орқали ялпи талабнинг ошишига, бу эса ўз навбатида, ЕИнинг жаҳонда бошқаларга нисбатан рақобатбардошлигини оширишга олиб келади. УБ ЕИ доирасида ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракати натижасида Иттифоқ ЯИМ 5 фоизга ўсишини кўзда тутган эди. Ҳақиқатда эса, бу кўрсаткич (1990 йил бозор нархларида) 1992 йилда 1 фоизни, 1993 йилда -0.6, 1994 йилда 2.8, 1995 йилда 2.5 ва 1996 йилда 1.5 фоизни ташкил этди. ЕИга оид ишлар ўрганилганда бу борада бир қатор омиллар кўрсатилганлиги аниқланди. Бизнинг фикримизча, уларга баъзи кўшимчалар киритиш ўринли.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, барча шартномалар учун умумий бўлган ички протекционизмни қисмларга ажратиш жараёни жуда мураккабдир. Бундай фикр юритишга иккита сабаб келти-

риш мумкин. Биринчидан, товарларнинг ички эркин ҳаракати нафақат тариф ва квоталарни чеклашни, балки НТ (нотариф)ларнинг ҳам олиб ташланишини талаб қилади. Улар ҳамкорлар ўртасидаги савдода давлат субсидиялари, рақобатга қарши чоралар, ички фискал тадбирлар, дискриминацион характерга эга ижтимоий ҳаридлар, давлат ёки бошқа тегишли идоралар томонидан импорт бўйича стандартларнинг жорий этилиши, чегара назоратлари, маъмурий жараёнлар ва шу кабилар орқали билвосита тўсқинлик элементларидир. Иккинчидан, интеграция жараёни, шунингдек, параллел равишда барча турдаги хизматларни таъминлашда ҳам эркинлик бўлишини тақозо этади. Ишлаб чиқариш омиллари оқимини эркинлаштиришни таъминлашда асосий муаммони келтириб чиқарувчи тариф ва квоталар эмас, балки давлатнинг ўз иқтисодий сиёсатини тартибга солиш фаолиятидаги чора-тадбирлардир.

ЕИ интеграцион жараёнида ҳисобга олиш керак бўлган муҳим омил ва иқтисодий интеграция назариясига киритилган бошқа бир концепцияни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу концепция инглиз тилида concept of spillover деб аталади, яъни бир жараён кейинги жараённинг амалга ошишига олиб келади. У қуйидаги фикрга урғу беради: агар бир гуруҳ мамлакатлар чекланган иқтисодий интеграция схемасини бошласалар, уларни интеграциянинг янада юқорироқ поғонасига йўналтирувчи куч сифатида спиловер эффекти юзага келади. Мисол учун, мамлакатларнинг бир гуруҳи товарлар, хизматлар ва ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракатини ўз ичига олувчи, лекин монитар масалаларни истисно этувчи чекланган иқтисодий интеграцияни амалга оширишмоқда. Очиқ иқтисодиёт шароитида монитар соҳа қамраб олинмаганлиги сабабли алмашув курслари бозор қонунларига бўйсунган ҳолда пасайиши ва кўтарилишида мутлақо эркиндирлар.

Бундан кейинги ҳолатда эркин сузиб юрувчи алмашув курслари товарлар, хизматлар ва омиллар оқимига ҳалақит беради, деган фикрни илгари суриш мумкин. Бу алмашув курсларининг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ ноаниқликлардан келиб чиқади. Шу боисдан эркин сузиб юрувчи алмашув курсларини белгиланган курслар билан алмаштириш мумкинлиги тўғрисида баҳслашиш мумкин. Бироқ, инфляция (ёки дефляция) даражаларининг ўсишида бир хилликни таъминлаш учун аъзо давлатлардаги монитар шарт-шароитлар уйғунлашмагунга қадар алмашув курслари белгиланган тарзда сақланиб қолмайди. Ушбу мослашув монитар масалалар бўйича миллий суверенитетнинг Ҳамжамият даражасида монитар координация ихтиёрига беришни тақозо этади. Шу боис, Европа Иттифоқи миқёсида умумий валютага эга бўлгандагина барқарорликка эришиш мумкин.



2-чизма. ЕИда интеграциялашув натижасида ЯИМни оширувчи омиллар

ЕИни ўрганиш жараёнида унинг ўзига хос асосий хусусиятларидан бири, унга аъзо мамлакатлардаги иқтисодий тизимларнинг турли хиллигидадир. Ана шу турли хиллик муайян даражада ривожланишнинг муҳим омилларидан биридир. ЕИга аъзо давлатларда институтлар, иқтисодиёт таркиблари, бошқарув тизимларидаги муносабатларнинг ҳар бир давлат узра турли хиллиги кузатилади. Европада интеграция ўзининг шаклланиш ва ривожланиш жараёнида ўзига хос бир тўқима кўринишини олди. Иқтисодиёт бу тўқимани бир-бирига боғловчи таянч сифатида хизмат қилади. ЕИга аъзо мамлакатлар турли хил бўлиши ва ривожланиш жиҳатидан ўзаро фарқ қилиши билан бирга уларни тенглаштириш томон ҳаракат қилмайди. Балки чуқур ва мустаҳкам иқтисодий алоқаларни умумий асос сифатида тан олиб, кенгайиб бориш тамойилларига таянади.

ЕИнинг интеграцион стратегияси аҳамиятини белгилаб берувчи муҳим тизимлардан бири унинг Уюшма тизимидир. У ўз мазмун ва моҳиятига кўра, тариф преференцияларидаги ўзаро манфаатдорликка асосланади ва асосан кам ривожланган мамлакатлар билан савдо келишувларида кенг ишлатилади. Агар глобал миқёсда барча давлатларнинг савдода тенг ҳуқуқли бўлиши ва ривожланишни таъминлаш вазифаси билан ташкил

этилган ГАТТ (ЖСТ)нинг мақсади унинг кам ривожланган аъзоларига кўмаклашиш деб оладиган бўлсак, бу борада ЕИ ёндашуви афзалроқдир. Чунки, кам ривожланган давлатларнинг уюшма тизими асосида тариф префенцияларидан кўрадиган фойдалари амалиётда ЕИ кўрадиган фойдадан бирмунча кўпроқлигини таъкидлаш мумкин.

5.3. Ўзбекистоннинг ЕИ билан ҳамкорлиги

Мамлакатимиз ривожланишидаги долзарб масалалардан бири дунё иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувдир. Шу боис, ривожланаётган мамлакат нуқтаи назаридан, самарали иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида Европа Иттифоқининг (ЕИ) интеграциялашув стратегиясини ўрганиш, уни атрофлича таҳлил қилиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Президент Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишида ҳамкорликнинг моҳияти ва унинг зарурлигини таъкидлаб, «Жаҳоннинг энг тараққий топган мамлакатлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш, етакчи халқаро иқтисодий, молиявий ҳамда инсонпарварлик ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнининг ажралмас қисмидир. Иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқаларга, шунингдек, изчил сиёсий мулоқотларга кенг имкониятлар очиб берадиган Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги Битимнинг амалга оширилишига алоҳида аҳамият берамиз», - дейди. Ушбу соҳада ижобий натижаларга эришиш, ЕИнинг тузилишини, унинг ўзига хос иқтисодий манфаат ва хусусиятларини чуқур ўрганиш ҳамда республикамиз учун унинг ривожланиш тенденцияларини атрофлича таҳлил қилиш муҳимдир.

Европадаги иқтисодий интеграция жараёнининг асослари ва натижалари, унинг умумий стратегиясини ижобий ва салбий оқибатларини таҳлил қилишга интилиш, мазкур жараённинг дунё иқтисодий Ҳамжамиятидаги ўрни, унинг таъсири ва хусусан, Ўзбекистон билан иқтисодий алоқалари кўлами ва уни ривожлантириш бўйича чуқур изланишлар олиб борилмоғи лозим.

Ўзбекистоннинг ЕИ билан савдо муносабатлари таҳлили шуни кўрсатадики, мустақилликнинг илк йилларида ЕИ билан савдо ўсиб борган, бироқ сўнгги йилларга келиб, бу борадаги кўрсаткич пасаймоқда. Жумладан, 1998 йилда Ўзбекистоннинг ЕИга экспорти 821 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1999 йилда у 668 млн. АҚШ доллари ва 2000 йилда 583 млн. АҚШ долларигача тушган. Шунингдек, импортда ҳам сусайиш

кузатилиб, 2000 йил бўйича 619 млн. долларга тенг бўлган, ваҳоланки, ушбу кўрсаткич 1999 йилда 809 млн. ва 1998 йилда эса 772 млн. АҚШ долларини ташкил этган эди. Хусусан, 2000 йилда Ўзбекистоннинг ЕИ билан маҳсулот айирбошлаш таркиби кўрсаткичларини қуйидаги жадвалларда кўриш мумкин.

7-жадвал

Ўзбекистоннинг ЕИ га экспорт таркиби (2000 й.)

Экспорт таркиби	Фоизда
Пахта толаси	27,5
Кимёвий маҳсулотлар ва пластмасса	2,9
Рангли металлар	6,05
Қора металлар	0,6
Энергетика маҳсулотлари	10,3
Машина ва ускуналар	3,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	5,4
Хизматлар	13,8
Бошқалар	30,1

Хусусан, экспортнинг 27,5%и пахта толасига тўғри келсада, энергетика маҳсулотлари (10,3%) ҳамда хизматларнинг (13,8% экспортдаги улуши ошиб бориши, иқтисодиётда маълум даражада таркибий ўзгаришлар юз бераётганидан далолатдир.

Импортда эса машина ва ускуналар 35,4%ни ташкил этганлиги ушбу туркум маҳсулотлари бўйича инвестицион сиёсатнинг мақбул даражасини англатади. Шундай бўлса ҳам, озиқ-овқатлар импортининг 12,2%лиги бу маҳсулотларни маҳаллий ишлаб чиқариш бўйича фаолиятни жадаллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

8-жадвал

Ўзбекистоннинг ЕИ га импорти таркиби (2000 й.)

Импорт таркиби	Фоизда
Озиқ-овқат маҳсулотлари	12,2
Машина ва ускуналар	35,4
Энергетика маҳсулотлари	3,8
Қора металлар	7,9
Рангли металлар	0,7
Кимёвий маҳсулотлар ва пластмасса	13,5
Хизматлар	8,5
Бошқалар	17,8

Ўзбекистонда ташқи савдо қитъалар бўйича 1998 йили Европа қитъасига 66,3%ни (ЕИ - 23,4%)ташкил этган бўлса, 2000 йилда бу борадаги кўрсатгич 63,1%га (ЕИ - 24,4%) тушган, яъни камайган.

Қисқача хулосалар

Европа Иттифоқининг интеграцион стратегияси аҳамиятини белгилаб берувчи муҳим тизимлардан бири унинг уюшма тизимидир.

Европа Иттифоқи жаҳондаги глобаллашуви ва иқтисодий интегралашув жараёнини баҳолайди.

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги глобаллашувини асослайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Европа Иттифоқи мамлакатларининг интеграциялашув стратегиясини аниқланг.
2. ЕИнинг интеграциялашув стратегияси босқичлари, асосий хусусиятлари ҳамда ҳаракат механизми нималардан иборат?
3. Жаҳондаги глобаллашув ва иқтисодий интеграциялашув жараёнларида Европа Иттифоқининг ўрни қандай?
4. Ўзбекистоннинг ЕИ билан ҳамкорлиги нимага боғлиқ?
5. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик истиқболлари қай даражада?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., 1995.
3. Ишмуҳамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Тексты лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.
4. Крутман П.Р., Обстфельд М. Международная экономика. Теория и политика. – М.: МГУ, 1997.
5. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: «Узбекистан», 1996.
6. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. Пер. с англ. 2-е издание. – М.: Депо ЛТД, 1993.
7. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. Радаева В.В. и Бузгалова А.В. – М.: МГУ, 1995.

VI боб

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТИ

6.1. Халқаро иқтисодий интеграциялашувнинг шарт-шароитлари

Бир гуруҳ иқтисодчилар интеграция жараёнида мамлакатлар ўртасида янги товар оқимларини шакллантириш ҳисобига «ресурсларнинг чекланганлиги омили»ни бартараф этишни энг муҳим муаммо деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича, бу бир хилдаги қимматроқ товарларни алоҳида олинган бир мамлакат ичида ишлаб чиқаришни бартараф этиш ёхуд илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига маблағларни тежаш имконини берадиган технология айирбошлашни кенгайтиришдир. Олимларнинг бошқа бир гуруҳи ташқи иқтисодий омилларни, масалан, жамоа хавфсизликни мустаҳкамлашни устун шарт-шароит сифатида илгари сурадилар. Учинчи гуруҳ олимлар интеграция гуруҳлари барпо этилиши уларнинг қатнашчиларига ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши, ижтимоий барқарорлик ва ҳоказолар каби мақсадларга осонроқ ва тезроқ эришиш имконини беради, деб ҳисоблайдилар. Ушбу ва бошқа назарий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, интеграция ўзида минтақавий кўламда сифат жиҳатидан янги иқтисодий муҳитни шакллантириш йўли билан миллий хўжалик мажмуаларининг яқинлашиши ва бир-бирига ўзаро кириб боришини ифодалайди.

Ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви даражаси бўйича интеграция тузилмаларини фарқлаш зарур. Улар расмий ҳамда реал тусга эга бўлиши мумкин. Халқаро иқтисодий интеграцияга уч даражали модел сифатида қаралади (айниқса, унинг Ғарбий Европа вариантида):

- *микро, яъни* корпоратив даражада, бунда айрим компаниялар тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларига киришади, интеграция жараёнларини авж олдиради;

- давлатлараро даражада, бунда давлатнинг мақсадга йўналтирилган фаолияти (жамоавий ёки бир томонлама фаолияти) мамлакатларнинг у ёки бу гуруҳи доирасида меҳнат ва капитал чатишиб кетишининг интеграция жараёнларига кўмаклашади;

- миллий манфаатлардан устун турувчи даражада, бунда иштирокчи мамлакатлар бир қанча сиёсий-иқтисодий функ-

цияларни ушбу соҳалардаги суверенитетдан воз кечиб, Иттифоққа ихтиёрий равишда беради.

Иқтисодий интеграция ўз асосига кўра, бир қанча объектив омилларга эга. Улар орасида қуйидагилар муҳим ўринда туради:

- хўжалик байналмилаллашувининг ўсиши;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- хусусиятига кўра умумжаҳон илмий-техник инқилоби;
- миллий иқтисодиетлар очиқлиги даражасининг ошиши.

9-жадвал

Интеграция жараёнлари шакллари ва босқичлари

	Интеграция турлари	Белгилари
1	Эркин савдо зоналари	Битим шакли. Бунда қатнашчилар бир-бирларига нисбатан божхона тарифлари ва квоталарини олиб ташлаш тўғрисида аҳдлашадилар. Учинчи мамлакатларга нисбатан ҳар кимнинг ўз сиёсати мавжуд бўлади. Мисоллар: НАФТА, АНЗСЕРТА, илгариги Европа Иқтисодий Ҳамжамияти
2	Божхона иттифоқи	Учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона сиёсати. Бироқ бунда ҳам жиддийроқ ички қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Европа Иқтисодий Ҳамжамияти бунинг мисоли бўлиши мумкин
3	Умумий бозор	Иштирокчи мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқаришнинг барча ҳаракатлари учун тўсиқларни тўлиқ бартараф этиш, иқтисодий сиёсатда тўлиқ келишиш, иқтисодий кўрсаткичларни тенглаштириш каби масалалар ҳал этиш жараёнида туради
4.1.	Иқтисодий иттифоқ	Юқори иқтисодий ривожланиш босқичида пайдо бўлади. Иқтисодий сиёсат (ҳатто, ягона иқтисодий сиёсат) келишилади ва шу асосида барча тўғиқлар олиб ташланади. Давлатлараро (давлатлардан юқори турувчи) органлар ташкил этилади. Барча қатнашчи мамлакатларда йирик иқтисодий мелоҳотлар амалга оширилади
4.2.	Валюта иттифоқи	Иқтисодий Иттифоқ шакли айни бир вақтда Иқтисодий Иттифоқнинг йирик қисми. Қуйидагилар Валюта иттифоқининг характерли белгилари ҳисобланади: 1. миллий валюталарнинг келишилган (биргаликдаги) муомаласи; 2. қатнашчи мамлакатларнинг марказий банклари томонидан мақсадга қаратилган ҳолда қўллаб-қувватланадиган, қатъий белгиланган валюта курсларини ўрнатиш; 3. ушбу ҳалқаро валюта бирлигининг эмиссия маркази ҳисобланган ягона миллатлараро банк шакллантирилиши. Ривожланаётган мамлакатларда Валюта Иттифоқи деганда клиринг битимлари тушунилади
5.	Тўлиқ иқтисодий интеграция	Ягона иқтисодий сиёсат ва бунинг оқибати сифатида қонунчилик базасини бир хиллаштириш. Шартлари: - Умумий солиқ тизими; - ягона стандартларнинг мавжудлиги; - меҳнат тўғрисида ягона қонунлар ва бошқалар

Манба. Тизим ЖСТ\ГАТТ томонидан нашр этилган, 1991й, декабр

Замонавий халқаро иқтисодиётда вужудга келаётган ва ривожланаётган кўп сонли интеграция бирлашмалари ўз олдига кўпинча ўхшаш вазифаларни қўяди:

- иқтисодиёт кўламлари афзалликларидан фойдаланиш;
- қулай ташқи сиёсий муҳит яратиш;
- савдо сиёсати вазифаларини ҳал этиш;
- иқтисодиётнинг таркибий қайта қурилишига кўмаклашиш;
- миллий саноатнинг энди пайдо бўлган тармоқларини қўллаб-қувватлаш.

6.2. Иқтисодий интеграция халқаро амалиётининг хусусиятлари

Халқаро иқтисодиёт доирасида интеграция савдонинг кўп даражада эркин бўлиши томон қўйилган қадамми ёки аксинча, савдо оқимлари йўлидаги чеклаш эканлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши керак.

У ёки бу интеграция гуруҳининг ташкил этилиши, умуман олганда, халқаро иқтисодиётнинг манфаатларига қанчалик мувофиқ эканлигини баҳолаш учун Жаҳон банки мутахассислари бир қанча мезонларни ишлаб чиқди:

- минтақавий савдо битимлари истисносиз иқтисодиётнинг барча тармоқларини қоплаб олиши;
- ўтиш даври 10 йилдан ортиқ бўлмаслиги ва айрим соҳаларда савдо эркинлаштирилишининг аниқ жадвалларини ўз ичига олиши керак;
- энг кўп қулайлик режими асосида эркинлаштиришдан олдин айниқса, тарифлар афзалдан юқори бўлса, исталган янги интеграция гуруҳи ташкил этилиши ёки бундай гуруҳ эркинлаштириш *билан бир вақтда ташкил этилиши керак*;
- Божхона Иттифоқи доирасида ташкил этиладиган умумий божхона тарифи тармоқда мавжуд бўлган энг паст тарифдан ёки энг кўп қулайлик режими доирасидаги энг паст тарифдан ортиқ бўлмаслиги;
- интеграция битимларига янги аъзоларни қабул қилиш қоидалари эркин бўлиши ва аъзолар сони кўпайишига тўсқинлик қилмаслик;
- товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидалари очиқ-ойдин бўлиши ва гуруҳ ичида протекционизм воситасига айланмаслиги;
- интеграциянинг энг ривожланган *шаклларига тезроқ* ўтиш зарур, интеграциянинг ривожланган шакллари ривожланмаган шаклларига қараганда устун ҳисобланади. Чунки, улар

ишлаб чиқариш омилларининг мақбулроқ тақсимланиши ва улардан фойдаланишни таъминлайди;

- интеграция гуруҳлари барпо этилгандан кейин демпингга қарши қоидалар унинг аъзолари ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланилмаслиги, учинчи мамлакатларга нисбатан эса уларни қўллашнинг аниқ қоидалари белгиланиши керак.

6.3. Европа иқтисодий интеграциясида глобаллашув омилининг таъсири

XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг Ғарбий Европада иқтисодий интеграциялашув тўлиқ ривожланиб борди. Ғарбий Европа интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлардан ташқари Европада В. Гюго, И. Кант каби кўплаб сиёсат ва жамоат арбоблари, мутафаккирлари томонидан илгари сурилган ягона Европа ғоялари билан суғорилган эди.

Ғарбий Европа интеграциясининг ривожланиши ўтган асрнинг 50-йиллари охиридан бошлаб, ҳозирги вақтгача нотекис ва нисбатан зиддиятли кечди. Шу билан бирга, Европа Иқтисодий Ҳамжамиятини ташкил этишда олдинга қўйилган мақсад ва вазифалар етарлича изчил ва муваффақиятли амалга оширилди.

Кўпинча «Умумий бозор» деб юритиладиган Европа Иқтисодий Ҳамжамиятини ташкил этишнинг аниқ мақсадлари қуйидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги савдода барча чеклашларни аста-секин бартараф этиш;
- учинчи мамлакат билан савдода умумий божхона тарифини белгилаш;
- «инсонлар, капитал, хизматлар» эркин ҳаракат қилиши учун чеклашларни тугатиш;
- транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Валюта иттифоқини ташкил этиш;
- солиқ тизимини бир хиллаштириш;
- қонунчиликни яқинлаштириш;
- келишилган иқтисодий сиёсат тамойилларини ишлаб чиқиш.

Европа интеграцияси — айрим Европа мамлакатларининг ўз ички ёки ташқи муаммоларини ҳал этиш таъсири остида пайдо бўлувчи мураккаб жараёндир. Глобаллашувни қудратли таъсирга эга бўлган мустақил жараён сифатида таърифловчи тахминларга қийинчилик билан ишониш мумкин. Бироқ, биз Европа интеграцияси жараёнини «минтақа кўламидаги глобалла-

шув» нинг мисоли сифатида қараб чиқишимиз мумкин. Глобаллашув исталган алоҳида мамлакатнинг назоратидан ташқарида турувчи мамлакатларда қонунлар ҳукмронлигига олиб келиши мумкин. Бу ҳар бир алоҳида олинган мамлакат ўз иқтисодиёти устидан тўлақонли назорат қилиш имкониятини йўқотишини, фуқаролар эса даромадларнинг исталган миқдорини, айниқса, қайта тақсимлаш соҳасида белгилай олмасликлари маъносида ўз сиёсий ҳуқуқлари амалга оширилиши имкониятини йўқотишини англатади. Барча глобаллашув жараёнларининг айби бор-йўқлиги очиқлигича қолади.

Ягона бозорнинг шакллантирилиши ушбу масалани Европа мамлакатлари учун ҳам, алоҳида олинган индивидумлар учун ҳам долзарб қилиб қўяди. 1999 йил 1 январда Иқтисодий ва Валюта иттифоқларини ташкил этилиши Европа интеграцияси олдинги босқичининг ўзига хос якуни бўлди. 1996 йил декабрь ойида Дублиндаги кенгашда Германиянинг талаби билан бир қанча қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарорларга мувофиқ Маастрихт шартномасининг («Барқарорлик ва ўсишни қўллаб-қувватлаш пакти») қаттиқ шартлари ҳозир ҳам амал қилмоқда. Нархларни барқарорлаштириш ва баланси бюджет сиёсати, уни амалга ошириш механизмлари «Жазолар тўғрисидаги шартнома»га мувофиқ қўлланилади (мамлакатларнинг янсонпарварликка зид хатти-ҳаракатлари учун жарималар ялпи ички маҳсулотнинг 0,5%ига етиши мумкин).

Буюк жуғрофий кашфиётлар вақтида бошланган ва янги ерларнинг мустамлака қилинишига, меркантелистларнинг назариялари ёйилишига олиб келган глобаллашув узоқ муддатли жараёндир. Глобаллашув империализм ва янги мустамлакачилик давридан бошлаб ҳозирги вақтгача янада ривожланди. Бу даврда молиявий соҳадаги глобаллашув реаликка айланди, трансмиллий корпорациялар фаолиятининг кўлами бутун ер юзини қамраб олди ва капитализм ўзини тўлдирган минтақалар доирасидан ташқарига чиқди, жаҳон савдо бозорларида ва капиталлар бозорларида эса янги ривожланаётган мамлакатлар пайдо бўлди. Хорижий иқтисодчилар глобаллашувни автоном иқтисодий оқимларнинг «миллий иқтисодиётларидан» чиқиб, «глобал» кўламга айланишига ўхшаш *оддий жараён сифатида қараш* мумкин эмас, деб таъкидлашади.

Иқтисодий агентларнинг фаолият жараёнида пайдо бўлувчи муаммоларнинг миллий чегаралар доирасидан ташқарига чиқишини назарда тутувчи усуллар билан ҳал этишга қаратилган интилиши бунинг сабабчисидир. Европа интеграцияси азалдан глобаллашувни рағбатлантиришга эмас, балки аниқ минтақавий

иқтисодий муаммоларни ҳал этишга мўлжалланган эди. Лекин шунга қарамай унинг пайдо бўлиши глобаллашув жараёнлари билан боғлиқдир. Глобаллашув икки қутбли дунёда сиёсий таъсир тақсимланишини ўз ичига олувчи глобаллашувнинг замонавий тушунчаси пайдо бўлишидан анча олдин бошланган эди.

Йигирманчи асрнинг охирги ўн беш йилидаги Европа интеграциясини таҳлил қилиш, башарти Европа интеграцияси тикланиши глобаллашувнинг тўғридан-тўғри оқибати бўлмаганда ҳам ушбу жараёнга ўзига хос жавобга айланмаганлигини кўрсатди.

Ғарбий Европада иқтисодий интеграция ривожланишининг муваффақиятлари ривожланаётган минтақаларда эътиборни жалб қилди. Лотин Америкаси, Африка ва Осиёда бир неча ўнлаб эркин савдо, божхона ҳудудлари ёки иқтисодий иттифоқлар пайдо бўлди.

Эркин савдонинг Шимолий Америка ҳудуди – НАФТАнинг ташкил этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши жараёни сезиларли ривожланаётган интеграция жараёнларидан бири бўлди. АҚШ нинг Канада билан мавжуд иқтисодий интеграцияси ва уларнинг Ғарбий Европадаги шериклар билан ҳамкорлиги АҚШни қониқтирмай қўйди. Натижада Шимолий Америкадаги интеграция жараёнлари давлатлар ташқарисига чиқди. Шимолий Америка эркин савдо ҳудуди тўғрисидаги шартномани имзолади ва у 1994 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам киради.

Шартнома нинг асосий қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- АҚШ, Канада, Мексика ўзаро савдо қиладиган товарларга божларини бекор қилиш;
- Шимолий Америка бозорига ўз товарларини Мексика орқали АҚШга қайта экспорт қилиш йўли билан Америка божларидан ҳалос бўлишга уринувчи Осиё-Европа компанияларининг экспансиясидан ҳимоя қилиш;
- Мексикада банк ва суғурта ишида Америка ва Канада компанияларининг рақобатига ва капитал қўйишига таъқиқни бекор қилиш;
- атроф-муҳитни қўриқлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун уч томонлама гуруҳлар ташкил этиш.

Пировард натижада, НАФТАни ташкил этувчиларнинг режасига кўра, тўлақонли Америка умумий бозори 2010 йилга бориб барпо этилиши мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ Америка иқтисодиётчилари Аляскадан Оловли ергача бўлган ҳудудни қамраб олувчи мустақил панамерика савдо блоки барпо этишни моделлаштирмоқда.

10-жадвал

Дунёнинг ялпи ички маҳсулоти. 1990 йиллар охирида Европа Иттифоқи ва НАФТА нинг асосий кўрсаткичлари (фоизда)

	ЯИМ
Европа иттифоқи	33
НАФТА	28
Бошқа давлатлар	24

Интеграция жараёнлари Шимолий Америкада ҳам фаоллашмоқда. Ўз вақтида (ўтган асрнинг 60-йиллари бошида) Марказий Америка умумий бозори ташкил этилган эди. Бироқ сиёсий ва иқтисодий танглик Марказий Америка умумий бозори доирасида интеграция режаларини амалга ошириш имконини бермайди. 90-йиллар ўртасига келиб интеграция жараёнлари 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай ўртасида МЕРКОСУР савдо пакти тузилиши воситасида фаоллашди. Жанубий конус мамлакатларининг умумий бозори – МЕРОСУР ўзи мавжуд бўлган ерларда жаҳоннинг энг динамик интеграция гуруҳларидан бирига айланди. 1998 йилдаёқ бирлашманинг тўрт қатнашчиси ўртасидаги савдо ҳажмининг деярли 95 %ига тўлов солинмади, қолган товарлар эса XXI аср бошида бекор қилинди.

Ғарбий Европа интеграциясидан фарқ қилган ҳолда ушбу Жанубий Америка бирлашмаси ўз даражасига кўра, турлича бўлган давлатлар ягона ташкилотда мавжуд бўлишидангина эмас, балки муваффақиятли ҳамкорлик қилишидан ҳам далолат беради. Бунинг учун бундай бирлашмаларнинг барча бўғинларини пухта тайёрлаш, улар фаолиятини юқори малака билан бошқариш, ушбу жараёнда ҳар бир мамлакат учун унинг ўз ўрнини топиш уқуви, қарама-қаршиликларни юмшатиш, муросага бориш истаги ва уқуви талаб этилади.

6.4. Ривожланаётган мамлакатларнинг минтақавий иқтисодий интеграциялашуви

Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ҳамкорлиги, улар томонидан интеграция ғоялари эълон қилиниши реал интеграция жараёнининг тайёргарлик босқичидир. Кейинги йилларда Шарқий Осиёда интеграция жараёнлари кучаймоқда. Деярли 30 йил мобайнида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН) муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Унга Осиёдаги тўртта «Аждаҳо»дан бири – Сингапур, шунингдек, «янги тўлқин», янги индустриал мамлакатлар – Малайзия, Индонезия,

Тайланд, Бруней ва Филиппин киради. Ушбу гуруҳ доирасида ўзаро ҳамкорликнинг муваффақияти АСЕАН қатнашчилари бўлган кўпчилик мамлакатларнинг шиддатли иқтисодий ўсиши, улар ривожланишини таққослаш мумкинлиги, яхши йўлга қўйилган ва узоқ тарихий анъаналарга эга бўлган ўзаро савдо алоқаларининг мавжудлиги, шунингдек, ҳамкорлик шаклларининг тартибга солиниши билан мустаҳкам боғлиқ.

Шарқий Осиёда иқтисодий интеграциянинг ривожланиш истиқболлари кўп даражада Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотининг ташкил этилиши билан боғлиқдир.

Осиё-Тинч океани минтақасида иқтисодий интеграция жараёнларига баҳо берар экан, кўпчилик мутахассислар унинг ривожланиши ўзига хослигини кўрсатадилар. Осиё-Тинч океани минтақаси интеграция жараёнининг асосий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- биринчидан, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотидаги интеграция жараёни давлатлараро ҳамкорлик учун негиз яратувчи трансмиллий корпорацияларнинг етакчилик роли шароитида юз бермоқда;

- иккинчидан, интеграция жараёни иқтисодий ривожланиши даражаси маданий ва ижтимоий-сиёсий тизимлари турлича бўлган мамлакатларни қамраб олади. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг ноёблиги шундаки, унда XX асрнинг икки буюк иқтисодий давлати – АҚШ ва Япония, шунингдек, XXI асрнинг иқтисодий гиганти – Хитой бирлашади;

- учинчидан, Осиё-Тинч океани минтақаси кўламида интеграциялашув субминтақавий иқтисодий Иттифоқларни (АСЕАН, НАФТА, Жанубий-Тинч океани форуми ва бошқаларни) ўз ичига олади, яъни, масалан, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши даражаси бўйича интеграциялашувнинг ҳар хил даражаларига йўл қўяди;

- тўртинчидан, Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги ва Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигида ривожлантирилган Тинч океани «очиқ» регионализми мафкураси минтақавий интеграцияни иқтисодий глобализмнинг элементи сифатида қарайди.

Халқаро иқтисодий интеграция шароитларида жаҳон тараққиёти тенденцияси устунлик қилади. Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро бирлашмаларнинг тажрибасидан Марказий Осиё доирасидаги интеграция жараёнларида фойдаланилиши мумкин.

Европа интеграциясини ўрганиб чиқиш XXI асрда минтақавий интеграция жаҳон тараққиётининг устун тенденциясига айланаётганлигини кўрсатади. Бугунги кунда амалда бутун дунё минтақавий блоклар йиғиндисидир. Ғарбий Европа,

Шимолий ва Жанубий Америка, Жануби-Шарқий Осиё ва Африкада умумий иқтисодий, геосиёсий манфаатлар билан алоқадор бўлган йирик минтақавий бирлашмалар фаолият кўрсатмоқда. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида уларнинг барчаси энг аввало, улар томонидан бирлаштирилган давлатларнинг корпоратив манфаатларини таъминлашга қаратилган. Уларнинг алоҳида олинган мамлакат имкониятлари билан таққослаб бўлмайдиган кучи мана шундадир.

Европа Иттифоқи, НАФТА, АСЕАН, МЕРОСУР ва бошқа бирлашмаларнинг тажрибаси бир қанча хулосаларга келиш имконини беради. Ушбу хулосалардан Марказий Осиё ҳамдўстлиги доирасидаги интеграция жараёнларида фойдаланиш мумкин. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида жуда муҳимдир.

• биринчидан, иқтисодий вазифа сифатида минтақавий иқтисодий интеграцияни амалга ошириш учун ўтказилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларнинг умумий мақсадлари билан бирлашган қатнашчи давлатлар раҳбарларининг ягона сиёсий идораси зарур;

• иккинчидан, хусусий бизнесга ва хорижий инвесторларга ишонч шарти сифатида барқарор макроиқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий вазият интеграция Иттифоқи аъзоси бўлган мамлакатлар иқтисодиёти интеграцияси муваффақиятли қадам ташлашининг муҳим шарти ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиётига асосланган мамлакатлар учун уларга хос бўлган олдинги ижтимоий тузилмаларни ўзгартириш қийинчиликлари билан боғлиқ эркин савдо зонасини, кейинчалик эса ягона иқтисодий маконни барпо этиш биринчи навбатдаги вазифадир. У бошқа ислоҳотлар (таркибий қайта ўзгартиришлар, хусусийлаштириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашишини бекор қилиш, нархларни эркинлаштириш ва бошқалар) билан узвий уйғун бўлиши керак;

• учинчидан, минтақавий интеграция эркин савдо зонасини, сўнгра божхона, тўлов ва Валюта иттифоқини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар сифатида аста-секин изчил амалга ошириладиган жараён эканлигини эсда тутиш зарур, бунда ҳар бир босқичда қатнашчилардан ҳар бирининг манфаатлари ва хулосалари келишилиши керак;

• тўртинчидан, ривожланган инфратузилмаси (транспорт, алоқа, газ, нефть қувурлари, озиқ-овқат тармоқлари ва бошқа коммуникациялар) мавжудлиги минтақавий интеграциянинг халқилувчи шарти ҳисобланади, улардан интеграция ҳамдўстлиги барча аъзоларнинг манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш мумкин;

• бешинчидан, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари бир томонлама парча-парча иқтисодиётга, ички бозорнинг энг кўп сиғимига эга. Шу сабабли бошқа ривожланган минтақавий Иттифоқлар тажрибасидан келиб чиқиб, улар минтақавий ҳамдўстлик манфаатларига дахл етказмаган ҳолда учинчи мамлакатлар билан савдо ва ҳамкорлик қилиш учун қулай ва фойдали шарт-шароитларни ўзаро келишишлари керак.

Иқтисодиётнинг минтақавий интеграцияси зарурлиги ва устуворлиги шароитида ички ва ташқи интеграция ягона интеграция жараёнига қўшилиб, бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши зарур. Бу очиқ иқтисодиёт Харажатларини камайтириш ва иқтисодиётнинг ривожланишини замонавий асосда жадаллаштириш имконини беради.

Марказий Осиё мамлакатларининг интеграция салоҳияти энергетика, озиқ-овқат, мудофаа, экология, сув муаммоларини ҳал этиш учун ресурс-хомашё базасидан, ижтимоий-маданий ва ишлаб чиқариш-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари билан ўсади. Фақат биргаликда фойдаланиладиган иқтисодий салоҳият ва ресурслар бир-бирини ўзаро тўлдириб, минтақанинг кам сиғимли ва бўлиниб кетган ички бозорини кенгайтириш ва замонавий рақобатбардошли ишлаб чиқариш барпо этиши мумкин.

Жами иқтисодий салоҳиятдан, бозор шароитида меҳнатнинг ҳудудий тақсимланиши устунликларидан, давлатлараро савдодан, ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви ва кооперациясидан самарали фойдаланиш, шунингдек, умумминтақавий экология муаммолари ҳал этилиши Марказий Осиё давлатлари интеграциясининг мақсади ҳисобланади.

Марказий Осиё минтақасида эркин савдо зонаси асосларининг барпо этилиши иқтисодиётнинг минтақавий интеграцияси ривожланиши ва чуқурлашишининг муҳим жиҳатидир. Баён этилганларни умумлаштириб, трансмиллий компаниялар, молия-саноат гуруҳлари ва эркин савдо зоналари ташкил этиш асосида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг кенгроқ интеграциялашуви иқтисодиётимиз юксалишини барқарор жараёнга айлантириш учун шарт-шароитлар яратишини қайд этиш зарур. Ундан ташқари, бу истиқболда тугалланган технологик циклли саноатнинг етакчи тармоқлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосида Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётининг ягона мажмуасини ташкил этиш ҳамда давлатларимизга халқаро меҳнат тақсимотида тўла ҳуқуқли иштирок этиш имконини беради.

6.5. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик тизимига иқтисодий интеграцияси

Мамлакатимизда Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли — концепциясига амал қилинган ҳолда иқтисодиётда туб институционал ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда, ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш асосида мулкчилик муносабатлари қайта кўрилмоқда, янги бозор механизмлари ва бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда. Шу билан бирга, республиканинг XXI асрга қадам қўйиши миллий тизимларга юксак талаблар қўйувчи иқтисодий интеграция асосида глобаллашувнинг жаҳон тенденциялари кучайган бир шароитга тўғри келди.

Мамлакат Президенти Ислом Каримов ташқи иқтисодий алоқалар муаммосига диққат-эътиборни қаратиб, қуйидагиларни таъкидлаган эди: «Шу нарсани қайта-қайта такрорлашга тўғри келмоқда: Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, энг муҳими хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан туриб банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин».

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республика олдида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни чуқурлаштириш ва жаҳон амалиёти ютуқларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишга жорий этиш, давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатини такомиллаштириш вазифаси турибди. Ҳозирги пайтда иқтисодиётни эркинлаштириш унинг очиқлигини кенгайтириш, миллий ва жаҳон иқтисодиёти минтақалари, тармоқларининг ўзаро узвий алоқа ва ҳамкорлигини таъминлаш интеграциялашувнинг объектив роли кучайиши ва ривожи орқали юз беради.

Ҳозирги замон жаҳон иқтисодий ривожланиш амалиёти миллий иқтисодиётларни юксалтиришда фақат ўз кучларига таяниш кам самара беришни кўрсатади. Бундай йўл иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга тўсқинлик қилади, у миллий ресурслардан ноокилона фойданиш билан алоқадор ва пировард натижада бозор иқтисодиётининг шаклланиш жараёнини қийинлаштиради.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви шароитларида, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг

принципиал жиҳатдан янги моделига ўтиш хорижий мамлакатлар амалиётининг ижобий жиҳатларини ва айрим қоидаларини республикамизда қўллаш алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига қўшилиши жараёни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ. Хорижий инвестициялар, ташқи кредитларнинг жалб этилиши экспорт базасининг ҳамда импортнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларнинг муҳим элементлари сифатида қаралади. Улар бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин эмас.

Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида, глобал даражада амалга оширилаётган стратегик интеграцион вазифаси – мамлакатдаги барча хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи дунё билан ўзаро ҳамкорлиги учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга жавоб берувчи шарт-шароитлар яратиш асосида халқаро валюта-молия ва савдо механизмларига бевосита қўшилишидир. Ушбу вазифанинг амалга оширилиши Ўзбекистонга XXI асрда жаҳон иқтисодиёти учун хос бўлган глобаллашув жараёнларида тўлиқроқ иштирок этиши учун имкон беради.

Ўзбекистон иқтисодининг экспортга йўналтирилганлиги ва рақобатбардошлиги энг кўп даражада самарали амалга оширилиши жаҳон хўжалигида ўз ўрнини топиши, жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашуви асосий муаммолардан ҳисобланади. Япония ва янги индустриал мамлакатлар тажрибаси ушбу муаммо устувор тармоқлар концепциясини ишлаб чиқиш асосида ҳал этилганлигини кўрсатади.

Рақобат сиёсатини қўллаб-қувватлаш соҳасида Европа Иттифоқининг рақобат сиёсати миллий бозорларнинг амалда интеграциялашувини таъминлаш, бозорларни бўлиб олиш тўғрисида битимлар тузиш йўли билан миллий бозорлар ўртасида ўз тизим барпо этишга интилувчи компанияларга тўсиқ яратиш, тўпланиш жараёнининг ўзига хос, балки бозорда устунлик мавқеини эгаллаб олишдан келиб чиқувчи суистеъмолларни таъқиқлаш йўли билан иқтисодий ҳокимиятнинг ҳаддан ташқари бир жойга тўпланиши учун тўсиқлар яратиш вазифаларини ҳал этишга қаратилган.

Ўзбекистон учун рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар ўзаро боғлиқ кўрсаткичларнинг уч гуруҳини ўз ичига олиши керак. Булар: иқтисодий салоҳиятни акс эттирувчи кўрсаткичлар, халқаро меҳнат тақсимотига киришиш даражаси ва иқтисодиётнинг инновация сиғими. Иқтисодий салоҳиятни ялпи ички маҳсулот ва олтин-валюта захираси каби интеграл кўрсаткичлар энг кўп даражада тавсифлайди.

Ялпи миллий маҳсулот ҳосил бўлишида харажатлар улуши интеллектуал кўрсаткич ривожланишининг ва инсон капиталига инвестициялар қуйишнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ўзбекистонда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» доирасида амалга оширилаётган рақобатбардошликни оширишнинг ушбу омилига катта эътибор берилмоқда. Ялпи миллий маҳсулотда 2000 йилда таълимга харажатларнинг улуши 8,4% эканлиги бунинг далилидир. Айни вақтда ушбу кўрсаткич Қозоғистонда 4,7, Қирғизистонда 5,0, Тожикистонда 2,2, Россияда 4,1, Буюк Британияда 5,4, Германияда 4,8, Италияда 4,7, АҚШда 5,4, Ҳиндистонда 3,0, Хитойда 2,3 фоиздир.

Ҳўжалик алоқалари глобаллашуви шароитида рақобат афзалликларининг шакллантирилиш хусусиятлари ва омилларини таҳлил этиш доирасида Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий жиҳатлари унинг рақобатбардошлиги муаммоларини тадқиқ этишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ишлаб чиқариш омиллари, талаб шартлари, турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар мавжудлиги, фирмаларнинг стратегияси ва тузилмаси каби омиллар рақобат афзаллигининг асосий детерминантлари ролини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш жараёнини тадқиқ этиш қиёсий рақобат афзалликларини таъминлашга қаратилган ҳар бир детерминант ва омиллар таъсирини, шунингдек, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмлари таъсирини таҳлил этишни тақозо этади.

Ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги ва уларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилиши мамлакатнинг геостратегик салоҳиятини кўп жиҳатдан белгилаб беради, миллий иқтисодиёт тузилмасини шакллантиради, унинг рақобатбардошлиги ўсиши учун шарт-шароитлар яратади.

Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон бой табиий-хомашё салоҳиятига, шунингдек, халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш жиҳатидан қулай геостратегик мавқеига эга. Чунки Европадан Осиё-Тинч океани минтақасини Яқин Шарққа олиб борувчи йўллар мана шу ерда кесишади.

Таҳлиллар кейинги йилларда МДҲ мамлакатлари савдо айланмасида Ўзбекистоннинг улуши экспортда бирмунча ўсганлигини, 1997 йилдаги 34,4% дан 2001 йилда 35,9% салбий савдога етганлигини кўрсатади. Шу билан бирга, МДҲ мамлакатлари билан сальдога эга эканлигини таъкидлаш лозим. Бу кўп жиҳатдан МДҲ мамлакатлари миллий иқтисодиётининг барқарор эмаслиги, шунингдек, қаттиқ валютанинг йўқлиги билан изоҳланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг, энг аввало,

тўловга қодир мамлакат, қулай геосиёсий маконга эга бўлган Россия билан интеграциявий ўзаро ҳамкорликни кучайтириш масаласи келиб чиқади. Буни Ўзбекистон ва Россия компаниялари иштирокида ва бошқа мамлакатлардан шерикларни жалб этган ҳолда трансмиллий молия-саноат гуруҳлари ташкил этиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Бу ҳамкорлик қилувчи давлатларнинг саноат ва банк капитали интеграцияси ушбу мамлакатлар миллий иқтисодиётига ижобий таъсири кучайишига кўмаклашади. Ушбу интеграциянинг афзаллиги аён кўриниб турибди, у ҳар иккала мамлакат иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлашувига, иқтисодий муҳитнинг рақобат хусусияти кучайишига, илмий-техник фаолият ривожланишига, инвестиция вазияти яхшиланишига ёрдам беради.

Ташқи ва ички бозорлардаги талаб тузилмасига мослаштирилган рақобатбардошли ишлаб чиқариш ва фаолият турларини ташкил этиш, уларни ривожлантириш, экспортда товарларнинг хомашё турларидан чуқур қайта ишланган маҳсулотларга ўтиш йўли билан энг кўп фойда олиш ҳамда глобаллашув, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёни таваккалчилиги хавфини энг кам даражага келтириш иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган тузилмаси шакллантирилишининг мақсади ҳисобланади. Бу, пировард натижада мамлакат иқтисодиётининг самарадорлиги ошишини ва узоқ муддат барқарор ривожланишини таъминлайди.

Экспортга йўналтирилган стратегияни амалга ошириш муаммоси давлат саноат сиёсатини амалга ошириш билан биргаликда қараб чиқилади. Бинобарин, бозор механизми самарали ишламаган соҳаларда ўзини оқлаган давлат аралашувини кўллаган ҳолда иқтисодиётда экспорт фаоллигини ошириш муаммосини ҳал этишда бозор механизмига берилиши керак. Иқтисодиётга таклиф этилаётган чора-тадбирлар изчиллиги қуйидагича:

- экспортни ривожлантиришнинг зарур шарти сифатида хорижий валюта бозорини эркинлаштириш;
- иқтисодиётни тўсиқсиз эркинлаштириш учун бозор инфратузилмасини яхшилаш;
- экспортга йўналтирилганликни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайдиган қўшимча чора-тадбирлар билан биргаликда амалга ошириш.

Иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган ривожланишига ўтиши жаҳон хўжалигига интеграциялашув, экспортни кенгайтириш ва мустаҳкам валютадаги даромадларни ошириш вазифаларидан келиб чиқади.

Қисқача хулосалар

Европа интеграцияси – айрим Европа мамлакатларининг ўз ички ёки ташқи муаммоларини ҳал этиш таъсири остида пайдо бўлувчи мураккаб жараёндир.

Халқаро иқтисодиёт доирасида интеграция савдонинг кўп даражада эркин бўлиши томон қўйилган қадамдир.

Европа Иқтисодий Ҳамжамияти «Умумий бозор» деб юритилади.

Ривожланаётган мамлакатларнинг шундай ҳамкорлиги улар томонидан интеграция ғоялари эълон қилинишидир.

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига қўшилиш жараёни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Назорат муҳокама учун саволлар

1. Иқтисодий интеграция ривожланишининг халқаро амалиётини тушунтириб беринг?
2. Халқаро иқтисодий интеграциялашувнинг шарт-шароитлари нималардан иборат?
3. Иқтисодий интеграция халқаро амалиётининг хусусиятлари нимага эга?
4. Европа иқтисодий интеграциясида глобаллашув омилининг таъсири қандай?
5. Интеграция жараёнлари шакллари ва босқичлар нимага боғлиқ?
6. НАФТА, АСЕАН, МАРКОСУР ва бошқа бирлашмаларнинг тажрибаси нимага боғлиқ?

Асосий адабиётлар

1. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Текст лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.
2. Кругман, П.Р. Обстфельд М. Международная эканомика. Теория и политика. М.: МГУ, 1997.
3. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство, – Т.: «Узбекистон», 1996.
4. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. Пер. с анг. 2-е издание. – М.: Депо ЛТД, 1993.
5. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. Радаева В.В. и Бузгалова А.В. – М.: МГУ, 1995.

VII боб

ИҚТИСОДИЙ ТАРРАҚҚИЁТ МОДЕЛЛАРИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ МУАММОЛАРИ (САУДИЯ АРАБИСТОНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА)

7.1. Иқтисодий тараққиёт моделлари

Иқтисодий тараққиёт моделлари бўйича жаҳон тажрибаси бой ва хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, миллий хўжаликларнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашув даражаси, у ердаги иқтисодий муносабатлар характери, хусусий ва давлат сектори ўртасидаги нисбат, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш усуллари бўйича фарқ қилади. Шу билан бирга, уларни бирлаштириб турувчи жиҳатлар ҳам мавжуд. Бу энг аввало шу билан изоҳланадики, ҳар қандай иқтисодий тараққиёт модели ўз олдига мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш, яшаш ва меҳнат шароитларини яхшилашни мақсад қилиб қўяди.

Саудия Арабистони ва Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт моделлари шаклланишига таъсир этувчи омиллар, уларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб берувчи шарт-шароитларни қиёсий таҳлил қилиш асосида бу икки тараққиёт моделидаги умумий ва хусусий жиҳатларни атрофлича таҳлил этиш мумкин. Саудия Арабистони ва Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт моделларидаги умумий жиҳатлар қуйидагилардан иборат:

- Саудия Арабистони ва Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан қулай минтақада жойлашганлиги;
- табиий ресурсларга бой эканлиги;
- ҳар иккала мамлакатнинг Шарқ маданий оламига мансуб эканлиги ва шундан келиб чиққан ҳолда Осиёда шаклланган анъанавий ишлаб чиқариш усули ва меҳнатни ташкил этиш шаклларининг ҳар иккала мамлакатга хослиги;
- ҳар иккала мамлакат иқтисодиётининг хомашё ишлаб чиқаришга асосланганлиги ва иқтисодиётини, энг аввало, саноатни диверсификациялаш жараёнининг зарурлиги;
- демографик вазиятларнинг ўхшашлиги;
- иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда давлатнинг етакчи ўринга эга эканлиги ва бошқалар.

Хусусий жиҳатлар эса қуйидагилар:

- Саудия Арабистони ўз тараққиёти учун ислом иқтисо-

дини асос қилиб олган, Ўзбекистон эса дунёвий, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидан бормоқда;

- Саудия Арабистонида иқтисодий ўзгаришлар нефть сотишдан тушган йирик даромадлар ҳисобидан амалга оширилади. Ўзбекистонда бундай йирик молиявий манба мавжуд эмас;

- Саудия Арабистонида маҳаллий ишчи кучининг етишмаслиги кузатилса, Ўзбекистон нисбатан арзон, аммо малакали ишчи кучига бой;

- Саудия Арабистони иқтисодиётни таркибий жиҳатдан қайта қуришнинг бошланғич даврида йирик молиявий маблағларга бой бўлган бўлса, Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқур молиявий инқироз шароитида бошлашга мажбур бўлди ва ҳ .к.

Диверсификация кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. Уни амалга ошириш усуллари, механизми, мақсади ва вазифалари турлича. Бу эса, унинг иқтисодий мазмунини тўлиқ ифодалайдиган ягона таъриф беришни қийинлаштиради. Шундай бўлса-да, барча диверсификация жараёнларининг туб моҳияти бир хил.

Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш — бирор бир маҳсулот ишлаб чиқаришга боғлиқликни камайтириш, капитал ресурсларни оқилона жойлаштиришни таъминлаш, янги *иш ўринларини яратиш, янги бозорларни эгаллаш ва анъанавий* бозорларда мавқени мустаҳкамлаш, миқёс ва синергетик самарага эришиш мақсадида саноат ишлаб чиқариши кўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Кўп тармоқли саноат ишлаб чиқаришини ташкил этиш натижасида *миллий иқтисодиётнинг жаҳон хомашё бозорларидаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқлигини пасайтириш* саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашни ҳаракатлантирувчи асосий куч ҳисобланади. Пировард мақсад эса саноат тармоқларини замонавийлаштириш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш фаровонлигини яхшилашдан иборат.

Саудияда саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш зарурияти икки омил билан белгиланади:

- мамлакат ялпи ички маҳсулотининг асосий қисми нефть ва газ сектори ҳисобига шаклланади. Бу эса, Саудия Арабистони иқтисодиётини жаҳон нефть бозорига боғлиқ қилиб қўяди;

- нефть ва газ захиралари тикланмайдиган ресурслар гуруҳига киради.

Гарчи, XX асрнинг 70-80-йилларида араб мамлакатлари нефть экспортидан йирик даромадлар олган бўлсаларда, яқин ва ўрта истиқболда нефть маҳсулотларига бўлган нархларнинг кескин ошиши кутилмайди. Бу энг аввало, қуйидагилар билан боғлиқ:

1. 1973 йилда араб мамлакатлари томонидан ғарб мамлакатларига қўлланган эмбарго нефтини импорт қилувчи мамлакатларга қарши чораларни излашга ундади. Шу муносабат билан саноати ривожланган мамлакатлар фани ва ишлаб чиқариши олдига энергия ресурсларини минималлаштириш имконини берадиган тежамкор замонавий технологиялар яратиш мақсади қўйилди. Экспертлар тахминига кўра, кейинги чорак аср мобайнида араб нефтининг асосий истеъмолчилари бўлган Ғарбий Европа мамлакатларида бир шартли маҳсулотнинг энергия сиғими 20 % га пасайди.

2. Энергетик хавфсизликни таъминлаш мақсадида араб дунёсидан ташқарида нефть конларини ўзлаштириш интенсивлашди. Жаҳон нефть қазиб олиш ҳажмининг ўсиши Саудия Арабистонида нефть ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатди.

3. 1970 йилларнинг иккинчи яримидан бошлаб ривожланган мамлакатлар нефть сақлаш иншоотлари қуришга алоҳида эътибор қарата бошлади. Вужудга келган захиралар жаҳон нефть бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришлардан ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланишга, яъни қулай конъюнктура даврида нефть сотиб олиш, ноқулай ҳолатда эса импортни қисқартиришга имконият яратди.

4. Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар нефть маҳсулотларига нисбатан савдо санкцияларини қўллай бошладилар. Чунончи, Европа Иттифоқи мамлакатлари энергия манбаларига бож тўловлари жорий қилдилар. Бу эса, нефть нархи ошиши билан боғлиқ харажатларнинг бир қисми нефть ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг ўзига юкланишига олиб келди.

5. Нефть нархининг ошиши кўп ҳолларда озиқ-овқат, биринчи эҳтиёж моллари ҳамда қимматбаҳо буюмлар нархининг ошишига олиб келади. Саудия Арабистони эса ушбу товарни асосан импорт қилади. Натижада нефтга бўлган нархни оширишдан олинадиган иқтисодий самара импорт харажатларининг ошиши эвазига сезиларли даражада пасаяди.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш зарурияти ялпи саноат маҳсулоти ва экспортда хомашё маҳсулотининг устувор ўринга эга эканлиги билан изоҳланади. 2000 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ялпи саноат маҳсулотининг 40%га яқини қазиб олиш саноати ҳиссасига тўғри келади. Бундан ташқари, енгил саноатнинг ялпи саноат маҳсулотидаги салмоғи 20,1% ни ташкил этади ва унинг асосий қисми пахтани бирламчи қайта ишлаш саноати зиммасига тўғри келади. Бу эса Ўзбекистон саноатининг хомашё ишлаб чиқаришга асосланган-

лигидан далолат беради. Республика саноатининг хомашёга асосланганлиги экспорт таркибида ҳам ўз аксини топади. Бугунги кунда жами экспортнинг s қисми хомашё маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келади. Машина ва асбоб-ускуналарнинг салмоғи эса атиги 3,4%га тенг, холос. Шу муносабат билан республикамизда экспортбоп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантириш асосида саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Ўзбекистонда саноат диверсификациясини амалга оширишда хорижий инвестицияларни саноат ишлаб чиқаришига кенг жалб этиш муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун эса қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- жорий операцияларда миллий валюта конвертациясини таъминлаш ва валюта тушумининг бир қисмини мажбурий тарзда сотишни бекор қилиш;

- солиқ тизимини такомиллаштириш. Маҳаллий ва республика солиқлари турларининг хилма-хиллиги хорижий инвестициялардан олинадиган ижобий самарани чекламоқда, мамлакат инвестиция имкониятларидан тўлиқ фойдаланмасликка олиб келмоқда;

- божхона тизимидаги жараёнларни соддалаштириш. Божхона тарифларининг юқорилиги ва товарларнинг халқаро стандартларга мос келиши тўғрисидаги сертификатни олишдаги қийинчиликлар инвестиция иқлимига салбий таъсир кўрсатмоқда;

- экспортга йўналтирилган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга имтиёзлар тақдим этиш;

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ҳ.к.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш ва таркибий силжишлар соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1994-2000 йиллар давомида ёқилғи-энергетика мажмуасининг ялпи саноат маҳсулотидаги улуши 18,3%дан 26,2%га ўсди. Бу, энг аввало шу билан боғлиқки, мамлакатимизда нефть ишлаб чиқариш 1990 йилдаги 2,8 млн. тоннадан 2000 йилда 7,5 млн. тоннагача ёки қарийб 3 баробарга, табиий газ ишлаб чиқариш 40,7 млн. куб. м. дан 56,4 млн. куб. м. га ёки 38,6%га ошди. Натижада мамлакатимизда амалда энергетика мустақиллиги таъминланди ва республиканинг нефть бозоридаги жаҳон нархлари ўзгаришига тобелиги анча чекланди, ундан бўшаган валюта манбалари эса замонавий ускуна ва технологиялар харид қилишга йўналтирилди.

11-жадвал

Ўзбекистон саноати таркибининг тармоқлар бўйича ўзгариши (фоизда)

Тармоқлар	1994 й.	1995 й.	1996 й.	1997 й.	1998 й.	1999 й.	2000 й.	2000 й. да 1994 й. дагига нисбатан ўзгариши
Бутун саноат	100	100	100	100	100	100	100	
Ёқилғи-энергетика	18,3	13,9	28,0	22,5	21,8	25,5	26,2	7,9
Кимё ва нефть кимёси	4,6	5,2	4,9	4,4	5,2	5,6	6,1	1,5
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	7,3	8,8	8,9	13,2	13,1	11,1	9,1	1,8
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	0,9	1,0	0,8	0,9	0,9	0,9	0,9	0
Қурилиш материаллари саноати	5,0	4,5	4,6	4,5	4,2	4,0	4,2	- 0,8
Металлургия	14,1	13,9	10,9	12,4	11,8	11,0	12,7	- 1,4
Енгил саноат	19,0	18,6	16,8	19,8	19,2	18,5	20,1	1,1
Озиқ-овқат саноати	9,7	9,8	7,8	12,1	12,6	12,1	11,8	2,1
Бошқа саноат тармоқлари	21,1	24,3	17,5	10,2	11,2	11,3	8,9	- 12,2

1994-2000 йилларда машинасозлик тармоғи улушининг ўсганлигини таъкидлаш жоиз. Машинасозлик мажмуасида янги йўналишлар, яъни маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш учун машина ва механизмлар, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология ускуналари, фермер, деҳқон хўжаликлари учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқариш тармоқлари шакллантирилмоқда. Ўзбекистонда нисбатан қисқа даврда илмталаб соҳалардан бири — автомобилсозлик саноати вужудга келтирилди. Автомобилсозлик учун бутловчи қисмларни маҳаллий хомашё асосида ишлаб чиқарувчи корхоналар ташкил этиш ва ривожлантириш жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Бу давр мобайнида енгил саноатнинг салмоғи 19,0%дан 20,1 %гача усганлигини кўриш мумкин. Бу, энг аввало, пахта хомашёсини қайта ишлаш соҳасига йирик инвестициялар киритилаётгани билан боғлиқ. Яқин истиқболда пахта хомашёсини мамлакат ичкарисида қайта ишлаш улушини янада ошириш вазифаси қўйилган. Бунда, албатта, хорижий инвестициялар жалб қилиш асосий йўналишлардан бири бўлиб қолади.

7.2. Саудия Арабистони ва Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари

Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ўзларининг экспорт салоҳиятларини оширишда, энг аввало, ички имкониятлари ва нисбий афзалликка эга бўлган маҳсулотларига таянадилар. Экспорт салоҳиятини ошириб бориш эса валюта тушумлари барқарорлигини таъминлашга ва саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашга ижобий таъсир кўрсатади. Мазкур икки мамлакат ташқи савдо сиёсатининг умумий жиҳатларидан бири шундан иборатки, улар энг аввало, анъанавий маҳсулотлар экспортини оширишга ва ундан тушган валюталарни саноатнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга сарфлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ анъанавий экспорт маҳсулотлари хомашё бўлганлиги боис Саудия Арабистони ва Ўзбекистон ташқи бозор конъюнктурасига кучли боғлиқ бўлиб қолмоқда. Бу эса барқарор валюта тушумларини олишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1992-2000 йилларда Саудия Арабистонининг ташқи савдо айланмаси 29,0%га ўсган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич деярли 2,5 мартага ошган. Саудияда ташқи савдо айланмасининг ўсиши экспорт ҳисобига юз берган бўлса, Ўзбекистондаги ўсиш ҳам экспорт, ҳам импорт эвазига таъминланган. Айниқса, экспорт юқори суръатларда ўсган.

12-жадвал

Саудия Арабистони ва Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ доллари)

Йиллар	Саудия Арабистони			Ўзбекистон		
	ташқи савдо айланмаси	экспорт	импорт	ташқи савдо айланмаси	экспорт	импорт
1992	83448,3	50220,0	33228,3	1798,6	869,3	929,3
1993	70502,9	42338,6	28164,3	1900,0	919,2	980,8
1994	65887,0	42557,3	23319,7	5299,4	2689,9	2609,5
1995	78024,0	49974,3	28049,9	6001,7	3109,2	2892,7
1996	88356,3	60647,5	27728,0	9311,3	4590,2	4721,1
1997	89356,3	60651,5	28704,8	8910,5	4387,5	4523,0
1998	68742,5	38770,1	29972,5	6816,9	3528,2	3288,7
1999	78683,8	50689,1	27994,7	6346,5	3235,8	3110,7
2000	107078,1	77480,8	30197,3	6212,1	3264,7	2947,4
2000 й. да 1992 й. га нисбатан % да	129,0	154,2	90,8	345,3	375,5	317,2

Манба: Central Department of Statistics'Ministry of Planning и социально экономическое положение Республики Узбекистан за 1995, 1996, 1997, 1998, 1999, 2000.

Жаҳон бозорида нефть нархларининг пасайиши 1993 ва 1994 йилларда Саудия Арабистони ташқи савдо айланмаси 1992 йилдагига нисбатан сезиларли даражада пасайишига олиб келди. 1993 йилда 1992 йилдагига нисбатан ташқи савдо ҳажми 15,5%га (12,9 млрд. доллар) пасайган бўлса, 1994 йилда 21,1%га (17,6 млрд. доллар) пасайди. 1995 йилдан бошлаб нефть нархи ўса бошлади, 1996, 1997 йиллардаги қулай конъюнктура натижасида 1995-1997 йилларда Саудия ташқи савдоси ўсиш тенденциясига эга бўлди. 1997 йилда эса кейинги саккиз йилдаги энг юқори натижага эришилди. Шу йили нефть экспортидан 1992 йилдагига нисбатан 10,4 млрд. доллар кўпроқ валюта олинди. Аммо нефть нархининг 1998 йилдан бошлаб яна пасайиши ташқи савдо айланмаси динамикасига салбий таъсир кўрсатди. 1998 йилда 1997 йилдагига нисбатан ташқи савдо айланмаси 23%га ёки 20,6 млрд. долларга, экспорт эса 36,1%га ёки 21,9 млрд. долларга қисқарди. 1999 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб нефть нархининг ошиши Саудия ташқи савдо айланмасининг 1998 йилдагига нисбатан 14,5%га ёки 9,9 млрд. долларга ўсишини таъминлади. 2000 йилда эса нефть нархларининг яна кўтарилиши ташқи савдо айланмасининг 1999 йилдагига нисбатан 36,8 %га ёки 29,0 млрд. долларга ўсишига олиб келди.

Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси кўлами бўйича Саудиядан анча орқада бўлса-да, унинг ривожланишида ҳам юқоридагига ўхшаш тенденция кузатилади.

12-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ташқи савдо айланмасининг энг юқори даражасига 1996 йилда эришилган. Шу йили жаҳон пахта ва олтин бозорларида Ўзбекистон учун қулай конъюнктура вужудга келган эди. 1997 йилдан бошлаб эса ташқи савдо айланмаси пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Хусусан, 2000 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо ҳажми 1996 йилдагига нисбатан 33,3%га қисқарди.

Саудия Арабистони ва Ўзбекистонда экспорт таркибининг бир ёқламалиги саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Бунинг энг асосий сабаби шундаки, кўплаб турдаги рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосида саноат диверсификациясига эришиш, энг аввало, илғор техника ва технологияларни тақозо этади (2000 йилда Ўзбекистон импортининг 35,4%и машина ва ускуналар ҳиссасига тўғри келган). Бу эса, ўз навбатида, йирик миқдорда эркин алмашинадиган хорижий валютани талаб қилади. Бундай валютани олишнинг энг асосий манбаси эса экспорт ҳисобланади.

Саудия Арабистони ва Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш олдиндан қўйилган мақсад эмас, балки саноат тармоқларининг нотекис ривожланишига барҳам бериш, анъанавий ишлаб чиқариш соҳаларида фойда меъёрининг пасайиши туфайли капитални бошқа тармоқларга самарали тақсимлаш, фан-техника тараққиёти натижаларини амалиётга жорий этиш орқали саноат корхоналарининг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, фойда меъёрини ошириш, саноат маҳсулотлари рақобатбардошлигини жаҳон талаблари даражасига етказиш воситаси ҳисобланади. Бунга эришиш учун эса диверсификация жараёнларини амалга оширишнинг маъмурий ва иқтисодий усулларидан оқилона нисбатда фойдаланиш зарур.

7.3. Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашни давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш

Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг қай даражада муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатдаги макроиқтисодий шарт-шароитларга боғлиқ. Давлат томонидан саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш учун қулай макроиқтисодий шарт-шароитлар яратилиши турли хил саноат тармоқларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Саудия Арабистони иқтисодиёти ва унда амалга оширилаётган ўзгаришлар, шу жумладан, саноат диверсификациясининг асосини углеводород ресурслари ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда Саудия Арабистонининг табиий ресурсларни эксплуатация қилиш тажрибасидан фойдаланиш қўл келади. Бунинг учун Марказий Осиё республикалари муайян табиий ресурслар – пахта, нефть, газ бўйича жаҳон бозорига биргаликда чиқишлари ва ягона сиёсат юритишлари мақсадга мувофиқ. Бундай ёндашув бир томондан, жаҳон бозорида рақобатчилар сонининг камайишига олиб келса, иккинчи томондан, ушбу маҳсулотлар нархларига ўз манфаатлари нуқтаи назаридан таъсир кўрсатиш имкониятини яратади.

Ўзбекистонда фойдаланилиши мумкин бўлган яна бир жиҳат хорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ. Агар нефть ва газ захираларини ўзлаштиришга хорижий инвесторлар жалб этилмаганда Саудия Арабистони иқтисодий тараққиётида юқори натижаларга эриша олмаган булар эди. Бироқ жаҳон хўжалик тизимида юз бераётган тенденциялар ва ички имкониятларни ҳисобга олган ҳолда бу чора-тадбирлар ҳар томонлама ўрганилиши зарур.

Саудия Арабистони тажрибасининг яна бир эътиборга лойиқ жиҳати давлат секторининг иқтисодиётда тутган ўрни билан боғлиқ. Саудия иқтисодиётида давлатнинг етакчилик мавқеи ва хусусий секторнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши қўшимча ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларсиз бутун иқтисодиётни реструктуризациялашга шарт-шароит яратди. Саудия Арабистонида стратегик аҳамиятга эга бўлган барча соҳалар дастлабки даврда давлат ихтиёрида бўлди. Фақат ижтимоий-иқтисодий тараққиётда муайян даражага эришилгандан сўнг хусусийлаштириш жараёнлари тўғрисида фикр юритила бошланди. Ўзбекистонда йирик корхоналарни реструктуризациялаш ва хусусийлаштириш жараёнларини амалга оширишда ана шу жиҳатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Саудия Арбистонининг иқтисодий тараққиёт модели ва саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш тажрибаси қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

- у ёки бу саноат корхонасини барпо этишда ушбу корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражаси, таннархи ва жаҳон бозорининг конъюнктураси ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиниши лозим, акс ҳолда унинг самарадорлик даражаси паст бўлади ва охир-оқибатда бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсата олмай қолади (Саудияда бундай лойиҳаларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин);

- мамлакат ички талаби ва жаҳон бозоридаги талабни ҳисобга олмасдан йирик ва ўта йирик корхоналарнинг барпо этилиши иқтисодий тараққиётга салбий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда Саудия Арабистонида тўлиқ қувватда ишламаётган кўплаб корхоналар мавжуд;

- саноатнинг айрим тармоқлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳудудий номутоносибликни кучайтиради (саноат ишлаб чиқаришининг асосий қисми Жидда, Ар-Риёз, Даммом, Янбу ва Жубайлда жойлашганлиги фикримиз далилидир);

- саноат ишлаб чиқаришининг давлат қўлида тўпланиши ва хусусий секторнинг ривожланмаганлиги саноат диверсификациясига салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ва бозор муносабатларининг иқтисодиётга жорий этилиши даражасига қараб, Ўзбекистон саноатидаги таркибий ўзгаришлар йўналишларини икки хил вариантда башоратлаш мумкин: инерцион ва мобилизацион.

13-жадвал

Ўзбекистон саноат маҳсулотлари таркибий ўзгаришларининг 2005-2010 йилларга мўлжалланган башоратлаш кўрсаткичлари (инерцион вариант, фоизда)

Тармоқлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2010 й. да 2000 йилдагига нисбатан ўзгариши, «+», «-».
Бутун саноат	100	100	100	-
Ёқилғи - энергетика	26,2	28,4	29,5	+ 3,3
Металлургия	12,6	12,2	11,9	- 0,8
Кимё ва нефть кимёси	6,1	6,3	6,5	+ 0,4
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,1	8,9	8,3	- 0,8
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	0,9	0,9	0,9	0
Қурилиш материаллари саноати	4,2	3,8	3,6	- 0,6
Енгил саноат	20,1	9,8	20,4	+ 0,3
Озиқ-овқат саноати	11,8	12,4	12,6	+ 0,8
Бошқа саноат тармоқлари	8,9	7,3	6,3	- 2,6

Инерцион вариант олдинги йилларда амал қилинган ривожланиш қонуниятлари ва тенденцияларининг келгусида ҳам сақланиб қолишини кўзда тутади, яъни ушбу вариантда башоратлаш экстраполяция асосида амалга оширилади. Ушбу усулда ҳисобланган башорат кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, яқин ва узоқ истиқболда саноат таркибида сезиларли ўзгаришлар юз бермайди.

13-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2000-2010 йилларда ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть кимёси, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатининг салмоғи бирмунча ўсади. Металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари саноатининг улуши эса пасаяди. Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатининг ҳиссаси ўзгармасдан қолади.

Инерцион вариантда саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш суст боради. Бу, энг аввало, шу билан изоҳланадики, саноатнинг ўзак тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ушбу тармоқларнинг ялпи саноат маҳсулотидаги улуши ўсишига ёки барқарор сақланиб туришига олиб келади. Шу билан бирга, аграр сектор ва молия тизимидан донор-тармоқ сифатида фойдаланиш ишлаб чиқариш омилларидан ноо*қилона фойдаланишга олиб келади*. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати суст ривожланади.

14-жадвал

Ўзбекистон саноат маҳсулоти тармоқ таркибидаги ўзгаришларнинг 2005-2010 йилларга мўлжалланган башорат кўрсаткичлари (мобилизацион вариант, фоизда)

Тармоқлар	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2010 й. да 2000 йилдагига нисбатан ўзгариши, «+», «-».
Бутун саноат	100	100	100	-
Ёқилғи – энергетика	26,2	20,8	17,2	- 9
Металлургия	12,7	11,0	9,8	- 2,9
Кимё ва нефть кимёси	6,1	8,2	9,9	+ 3,8
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,1	11,2	15,3	+ 6,2
Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати	0,9	0,9	0,9	0
Қурилиш материаллари саноати	4,2	4,6	5,0	+ 0,8
Енгил саноат	20,1	23,1	25,1	+ 5
Озиқ-овқат саноати	11,8	12,4	13,6	+ 1,8
Бошқа саноат тармоқлари	8,9	7,8	3,2	- 5,7

Мобилизацион вариант жорий саноат сиёсатида туб ўзгаришларни ва саноат корхоналари ички имкониятларидан самарали фойдаланишни кўзда тутади. У, биринчидан, саноат ривожланишини тартибга солишнинг иқтисодий усулларидан устун даражада фойдаланиш ва саноат корхоналари иқтисодий эркинлигини ошириш, иккинчидан, тадбиркорлик шакллари ривожланиши ва хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай макроиқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришга асосланади.

14-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики, мобилизацион башоратлаш кўрсаткичларига биноан саноат таркибида сезиларли ўзгаришлар юз беради ва саноат ишлаб чиқариши тайёр маҳсулот улушининг ўсиши томон диверсификациялашади. Чунончи, 2000-2010 йилларда ёқилғи-энегетика ва металлургия саноатининг ялпи саноат маҳсулотидаги улуши мувофиқ равишда 9 ва 2,9%га пасаяди. Бироқ бу пасайиш мазкур тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши ҳисобига эмас, балки бошқа саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларининг юқорилиги туфайли юз беради.

Қисқача хулосалар

Саудия Арабистони ва Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлларидаги умумий жиҳатлар асосан ишлаб чиқаришни диверсификациялашдир.

Саудия Арабистони ва Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни диверсификациялашнинг умумий ва ўзига хос хусусияти асосан валюта тушумларига барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатишдир.

Давлат томонидан саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш учун қулай макроиқтисодий шарт-шароит мавжуд.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Диверсификациялашнинг ижтимоий-иқтисодий асослари нималардан иборат?
2. Иқтисодий тармоқ моделлари нима?
3. Саудия Арабистони ва Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари нимада?
4. Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашни давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштиришдан мақсад нима?
5. Диверсификациялашда иқтисодий ва институтционал усуллардан қай тартибда файдаланилади?
6. Саноат ишлаб чиқаришни диверсификациялаш нима учун зарур?

Асосий адабиётлар

1. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Текст лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.
2. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная эканомика. Теория и политика. – М.: МГУ, 1997.
3. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: «Узбекистан», 1996.
4. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. Пер. с анг. 2-е издание. – М.: Депо ЛТД, 1993.
5. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. В.В. Радаева и А.В. Бузгалова. – М.: МГУ, 1995.

VIII боб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

8.1. Ўзбекистон Республикасида ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига тушганидан буён ўтган тарихан қисқа давр мобайнида уни суверен давлат сифатида қарор топтириш юзасидан улкан ишлар амалга оширилди. Ҳозир Ўзбекистон 165 давлат томонидан тан олинган, 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатларини ўрнатган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантирмоқда. Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Республикада 88 та чет давлат ваколатхоналари руйхатдан ўтган, ҳукуматлараро 24 та ташкилот ва 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди. Ўтган йиллар мобайнида республика кўплаб жуда муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни шакллантириш юзасидан ишлаб чиқилган қуйидаги асосий тамойилларга амал қилмоқда:

- ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлигига эришиш;
- тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- мафкуравий қарашлардан қатъиназар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;
- халқаро ҳуқуқ меъёрларининг давлат ички меъёрларидан устуворлиги;
- ташқи алоқаларни ҳам икки, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Ташқи алоқаларни халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича муваффақиятли ривожлантириш хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолати ҳисобланади. Ҳозир дунё Ўзбекистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳис этмоқдамиз. Бу эса республиканинг барқарор ривожланиши учун энг яхши кафолат бўлиб, капитал сарфлаш, дунё миқёсида

минтақавий барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан тобора эътиборни тортаётганлигида ҳам яққол намоён бўлади.

Жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламда интеграциялашган замонавий демократик давлатни қуришдан иборат стратегик вазифани халқилар эканмиз, бугунги кунда ушбу ҳамжамият фаолиятининг ўзи серқирра бўлиб бораётганлигини жуда яхши тушунамиз.

XX аср охири XXI аср бошларида дунёда жуғрофияси сиёсатида ўзгаришлар руй бермоқда. Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб кўришни, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни талаб қилади. «Совуқ уруш» даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп омилалар, тамойил ва ғояларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмоқда.

Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда, унда ўзи-ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантиришда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқалар ва фаолиятда иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни талаб қилмоқда.

XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси эмас, балки айрим минтақалар ҳамда сайёрамиз кўламида ҳам собит қадамлик ва барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур. Бу ҳолда масала халқаро интеграция жараёнларида қатнашиш ёки қатнашмаслик тарзида қўйилмайди. Мустақил Ўзбекистон учун, энг аввало, ташқи сиёсатнинг оқилона ҳамда жамият ва инсон манфаатларига асосланадиган энг муҳим тамойилларга қатъий риоя этиш улкан аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик - ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир. Шу боис ўз-ўзидан аёнки, агар интеграция мамлакатимизнинг озодлиги, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини чеклаб қўйса ёки қандайдир мафкуравий мажбуриятлар билан боғланса, у ҳолда четдан олиб келинадиган ҳар қандай интеграция биз учун номақбулдир.

Интеграция ҳақида гапирар эканмиз, манфаатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланамиз. Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошлан-

ғич шарт-шароитлари турличалиги сабабдир. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда дунё миқёси ва минтақа кўламида интеграция жараёнларига қатнашса - да, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига йўл қўймаслигимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёндир.

Мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ривожланган бозор тизимига эга бўлган демократик давлат ҳақидаги ҳозирги замон тушунчаларига мос келган тақдирдагина жаҳон ҳамжамиятига киришимиз мумкинлигига асосланамиз. Айни чоғда, мамлакат жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик ўрнатган тақдирдагина, яъни халқаро меҳнат тақсимотида ўзининг муносиб ўрнини топганда, минтақа ва бутун дунё хавфсизлик тизимларини барпо этишда фаол иштирок этганда уни замонавийлаштириш мумкин бўлади.

Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг турли субъектлари билан алоқалари қанчалик чуқур ва кенг бўлса, улар билан муносабатларда ноаниқликлар, ётсираш лар, муаммолар ва халқилинмаган масалалар, кутилмаган воқеа-ҳодисалар шунчалик кам бўлади. Худди шу нарса хавфсизликка солинаётган таҳдидларни бартараф этиш ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг зарур шартидир, қолаверса, мамлакатлар ва давлатларнинг хавфсизлик даражаси уларнинг интеграция жараёнларида қатнашиш даражасига бевосита боғлиқдир. Мамлакат қанчалик интеграция алоқалари билан боғланган бўлса, унинг хавфсизлигига таҳдид шунчалик кам бўлади.

8.2. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви, БМТ фаолиятида иштирок этиши

Жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув ҳақида гапиргашимизда, энг аввало,бу жамият фаолиятида иштирок этишимизни назарда тутамиз. 2002 йил 2 мартда Ўзбекистон БМТга аъзо бўлганлигига ўн йил тўлди. Бундай обрўли халқаро ташкилот ишидаги иштирокимиз Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, тинчлик ва тотувликни таъминлашнинг кескин муаммоларига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш имкониятидир.

Ҳозирги пайтда умумий хавфсизлик муаммосига алоқадор халқаро ташкилотлар гоят хилма-хил бўлишига қарамай, фақат БМТгина хавфсизликни сақлаш ва таъминлашга хизмат

қиладиган, низоларнинг олдини олишга қаратилган дипломатиядан тортиб, то тинчлик ўрнатишга қаратилган операцияларда қатнашишгача бўлган ҳамма воситаларга эга.

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан БМТ раҳномолигида 1995 йили Тошкентда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқаро семинар муваффақиятли ўтди. Унда 20 та халқаро ташкилот ва 30 дан ортиқ мамлакат, шу жумладан, АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг дипломатия корпуси ҳамда ҳукумат вакиллари иштирок этишди.

БМТ билан муносабатларимиз халқаро жамоатчиликдан ёрдам ва мадад олиш истагимиздан кўра (гарчи, бугунги кунда бу ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлса-да), кўпроқ БМТ саъй-ҳаракатлари муваффақиятли амалга оширилишига, унинг фаолияти янги мазмун билан бойишига кўмаклашишга интилишга асосланади. Жаҳондаги жуғрофий-сиёсий вазиятнинг ўзгариши янги минг йилликда БМТ таркибий тузилиши ва унинг фаолиятини такомиллаштиришни ҳам талаб қилмоқда.

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида дунёда бир қатор давлатлар пайдо бўлди. Қудрали ва жаҳон сиёсати кўламидаги таъсири ортиб бораётганлиги туфайли бу давлатлар Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлишлари мумкин. Айни вақтда БМТ тузилмасигина эмас, балки унинг амалий иш тартиби ва ҳаракатларни амалга ошириш жараёни ҳам буюк давлатлар, доиралар эскига кураш таъсиридан ҳали қутула олгани йўқ. БМТнинг минтақавий можароларни тартибга солиш, тинчлик ўрнатиш йўлидаги ишлари ҳамма вақт ҳам муваффақиятли бўлмаётганлигини қисман шу билан изоҳлаш мумкин.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон табиатан жаҳоншумул ва универсал бўлган бу ташкилотнинг таркибий тузилиши ва фаолиятини такомиллаштиришни бундан буён ҳам фаол ёқлаб чиқаверади.

Шу ўринда БМТнинг интеграция соҳасидаги имкониятлари ғоят улканлиги ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари бу имкониятларнинг ташкил этувчилари ҳисобланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон мазкур ташкилотлар билан бугунги куннинг ўзидаёқ самарали ҳамкорликни ривожлантирмоқда. БМТ доирасида жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашув бўйича унинг ихтисослашган муассасалари – ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНКТАД, ЮНИСЕФ ва бошқалар билан кенг ҳамкорлик қилинмоқда.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувни таъминлашга хал-

қаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар – Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқалар ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар йили Давос шаҳрида ўтадиган Жаҳон иқтисодий анжуманида қатнашиши катта аҳамиятга эга. Анжуманда қатнашиш Ўзбекистондаги мавжуд имкониятларни таништириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун муҳим аҳамиятга молик.

8.3. Ўзбекистоннинг минтақавий халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг таркибий қисми давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Булар орасида Европа иттифоқи алоҳида ўрин тутади. 1996 йилда Европа иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда бир қанча муҳим ишлар амалга оширилди. Февраль ойида Европа Иттифоқи кенгаши шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан Ташқи ишлар вазирлиги даражасида музокаралар бошлаш ҳақида қарор қабул қилди, июль ойида эса битим имзоланди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодиётининг Европа йўналиши анча кенгайди. Ушбу йўналиш Европа қитъасидаги мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишни ўз ичига олади. Бу қитъанинг ўзига хос интеграцияси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Европа Иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорлик Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва тараққиётини таъминлашга қўйилган яна бир ҳиссадир. Чунки, бу шерикчилик иқтисодий, маданий, илмий соҳалар билан бир қаторда сиёсий соҳани ҳам назарда тутади. Бу ҳужжат ҳамкорлик қилишнинг мутлақо янги босқичини бошлаб беради, Ўзбекистон, Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини вужудга келтиради, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар учун кенг имкониятлар очади, мунтазам сиёсий мулоқот учун институтционал асос яратади.

Имзоланган битим иккала томон ҳам фаол шерикчилик қилиш учун асос яратишга интилаётганидан далолат бериб гина қолмасдан, Ўзбекистонда демократик жамият муваффақиятли қурилаётганини, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаролик эркинликлари ва ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятлар қарор топаётганини ҳам тасдиқлайди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)

билан самарали ҳамкорлик қилаётганлигимиз ЕХҲТ билан биргаликда амалга оширилаётган тадбирларда ва бу ташкилот раҳбарларининг Ўзбекистонга ташрифида кўзга ташланмоқда.

1996 йил декабрда Лиссабон Саммитида иштирок этганимиз Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан муносабатларини ривожлантиришда салмоқли воқеа бўлди. Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон хавфсизлик муаммосига доир ўз қарашларини баён этиш ҳуқуқига ва имкониятига эга бўлди.

ЕХҲТнинг Марказий Осиёдаги фаолиятини кучайтиришга оид даъватимиз иштирокчилар томонидан тушуниб қабул қилинди ва у Лиссабон декларациясида ҳужжатлаштирилди. Шу билан бирга сўнгги вақтларда Тошкентда Ўзбекистон ташаббуси билан ЕХҲТнинг бир қатор йирик анжуманлари ўтказилди. ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси (ДИИХБ)нинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар» мавзуидаги халқаро семинар-кенгаши Марказий Осиё, Европа, Америкадаги 21 мамлакат экспертлари, шунингдек, 29 та халқаро ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари иштирокида кенг мулоқот ўтказиш имкониятини берди. Улар Марказий ва Шарқий Европада Омбудсман институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик тизимларини такомиллаштириш ҳамда халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги роли масалаларини кўриб чиқдилар.

ЕХҲТнинг ДИИХБ ташаббуси билан «Оммавий ахборот воситалари демократлаштириш шароитида» мавзуида семинар ўтказилди. ЕХҲТ келиштирув ва ҳакамлик суди томонидан ташкил этилган ЕХҲТ халқаро семинари ҳам бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси тинчлик ўрнатувчи ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ушбу нуфузли ташкилот билан яқин ва самарали муносабат ўрнатилганидан далолат беради.

Ҳозирда мамлакатимиз билан НАТОдек халқаро ташкилот ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорлик мавжуд деб айтиш мумкин.

Бизнингча, ўз таркибига демократик давлатларни бирлаштириб турган НАТО фақат Европа қитъасидагина эмас, балки ўзининг сиёсий устқурмасини мустаҳкамлаш ва «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури ҳисобига Евроосиё минтақасида тинчлик ўрнатувчи омил бўлиши мумкин. Ўзбекистон «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига 1995 йил июль ойида қўшилган. Бу дастурдаги иштирокимизга ўз мустақиллигимиз ва суверенитетимизни мустаҳкамлаш, ҳозирги замон ҳарбий-техникавий ютуқларидан баҳраманд бўлиш, ҳарбий ходимлар тайёрлашда имкониятларимизни кенгайтириш нуқтаи назаридан қараймиз.

НАТО Бош котиби Х. Солана ва АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили Р.Хантернинг Ўзбекистонга ташрифлари бутун дунё миқёсидаги ва минтақадаги хавфсизлик муаммолари борасидаги қарашларимиз мос келишини яна бир бор намойиш қилди. Музокаралар давомида минтақада тинчликни сақлашга, Афғонистондаги можарони сиёсий чоралар билан бартараф этишга, Марказий Осиё минтақасини ядросиз ҳудуд деб эълон қилишга қаратилган ташаббусларимизга тўла тушуниш билан қаралаётганлиги ва улар қўллаб-қувватланаётганлигининг шоҳиди бўлдик. Ўзбекистоннинг имкониятлари минтақадаги барқарорлаштирувчи омил сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик қилишида Европа имкониятлари миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ҳаётий заруратдир. Европа ва бутун ғарб юксак технологиялар ва инвестициялар манбаидир, ҳозирги замон демократияси ва инсон ҳуқуқларининг рамзидир. Буларнинг барчаси XXI асрга хавфсизлиги таъминланган ва барқарор ривожланаётган, юксак даражада тараққий этган ва замонавий демократик давлат бўлиб кириш мақсадида янгиланиш ва тараққиётни стратегик вазифа қилиб олган ёш Ўзбекистон давлати учун ниҳоятда муҳимдир.

Биз бунда хавфсизлик ва тараққиёт бир-бирини тақозо этиши тамойилига амал қиламиз. Бу эса, бир томондан, иқтисодиётга инвестициялар олиб келиш учун барқарор хавфсиз муҳит яратишни, иккинчи томондан, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенг кўламда ислоҳотларни амалга оширадиган мамлакатгина бундай хавфсиз муҳитни таъминлашга қодир бўлишини назарда тутади.

Жамиятимизнинг демократик ўзгаришларини чуқурлаштириш йўлида собитқадамлик билан ривожланиб боришига бошқа халқаро ташкилотлар билан ва энг аввало, Осиё минтақасидаги ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ҳам ёрдам беради. «Буюк ипак йўлини тиклаш: маърифий туризмни ривожлантириш, туркий тилли давлатларнинг маданий меросини қайта тиклаш, асраш ва барқарор ривожлантириш» дастурини биргаликда ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда. Бу дастурнинг мақсади саёҳат йўналишлари тармоғини ва сайёҳликнинг тегишли инфратузилмасини кенгайтиришдан иборат.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама асосда ташкил этиш тарафдоридир. Икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ҳар қайси томоннинг манфаатларини янада аниқроқ ҳисобга олиш, бир-биримизни яқиндан таниш, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка мустаҳкам замин ҳозирлаш, шу тариқа

барқарорлик ва хавфсизлик учун мустаҳкам негиз яратиш имконини беради. Ўзбекистон ер юзининг турли чеккаларида ишончли ва манфаатдор шерикларга эга эканлиги маълум. Уларнинг доираси мунтазам кенгайиб бормоқда.

АҚШ билан икки томонлама муносабатларимиз давлатлараро алоқаларнинг ғоят муҳим йўналишлари бўйича изчил ва собитқадамлик билан ривожланиб бормоқда.

Жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интелектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳозир биз учун устуворлик касб этмоқда. Қўшма Штатлар жамиятимизни янгилаш, ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, республикамизнинг давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш жараёнига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Биз Америка компаниялари ва фирмалари билан қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, улар билан узоқ муддатли, ўзаро фойдали шерикчилик муносабатларини ўрнатишга, Америка капиталининг бозорларимиздаги иштироки кенгайишига катта аҳамият берамиз.

Сўнгги йилларда Европадаги кўпгина мамлакатлар — Германия, Буюк Британия, Франция, Белгия, Португалия, Греция, Чехия, Словакия, Руминия ва бир бошқа мамлакатлар билан бевосита, иккита томонлама муносабатларимиз анча кенгайди ва мустаҳкамланди.

Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари — Япония, Жанубий Корея, Хитой, Вьетнам, Малайзия, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Кейинги вақтларда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммоларини хавфсизлик ва барқарорликка, тинчликка эришиш, атроф-муҳит муҳофазаси масалаларини халқилишда фаол ва манфаатдорлик билан иштирок этмоқда.

8.4. Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан мустақил иқтисодий интеграциялашуви

Минтақавий барқарорлик, минтақа кўламида интеграция жараёнини ривожлантириш масалаларини халқилишда собиқ Иттифоқ таркибига кирган мамлакатлар ўртасида вужудга келаётган муносабатлар алоҳида ўрин тутади.

1991 йил декабрда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил этилгандан бери ўн икки йил ўтди.

Бу йилларда МДҲ мамлакатлари икки ва кўп томонлама

шартнома муносабатлари доирасида тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида ўзаро ҳамкорлик қилишлари учун кенг имкониятлар мавжудлигини тасдиқлади. Бундай ҳамкорликка Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳудудий яқинлиги ва иқтисодий жиҳатдан боғланганигина эмас, балки, тарихий илдизлар, маданий ва маърифий алоқалар, катта тарихий давр мобайнида халқларимизнинг тақдири муштараклиги ҳам асос бўлмоқда.

Мамлакатларимиз, халқларимиз яқинлашуви — табиий кечаётган жараён. Бу яқинлик собиқ Иттифоқ ҳукумронлигидан олдин ҳам бўлган. Бу халқ интеграцияси бўлиб, сунъий равишда жорий этиладиган сиёсий интеграциядан фарқли ўлароқ, ҳақиқий интеграциядир. Масалага бундай ёндашишнинг «МДҲ мамлакатларининг чуқур интеграцияси» деб аталган баъзи сиёсий ғояларга ҳеч бир алоқаси йўқ.

Тўртлар шартномаси (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь) ва иккилар шартномаси (Россия ва Беларусь) имзоланганидан бери анча вақт ўтди. Аввало шуни таъкидлаш керакки, бу шартномаларни имзолаш ва уларни амалга ошириш давлатларнинг ички иши. Ҳар бир давлат биринчи галда ўз манфаатларини назарда тутиб, ўз тақдирини ва истиқболини ўзи халқилади, ҳар қандай ҳужжатларни ҳамда давлатлараро шартномаларни қабул қилиш ва имзолаш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар бирон-бир давлатлараро уюшма ташкил этилгудек бўлса, нима учундир, албатта, унинг тегишли ҳокимият ва бошқарув органлари ҳам бўлиши керак, деб ҳисоблашади. Агар МДҲ давлат бошлиқлари, ҳукумат бошлиқлари ва бошқа тузилмаларнинг охирги мажлислари кун тартиби кузатиладиган бўлса, ягона йўналиш — иқтисодий ва гуманитар интеграциянинг пишиб етилган муаммолари, давлатлар ва халқлар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш масалаларини ўрнига, нуқул ҳарбий-сиёсий масалаларни, бирлашган қўмондонликни тузиш, чегараларни биргаликда қўриқлаш ва шу кабилар қўйилаётганлиги тасодифий эмас.

Бироқ шуни яққол англаб олиши керакки, ташкил этилаётган Иттифоқларда давлатлардан юқори турадиган тузилмалар барпо этилса ва шартнома қатнашчиси бўлган ҳар бир алоҳида мамлакатнинг тегишли қонуний идоралари бир ёқда колиб, бевосита амал қиладиган, яъни барча идоралар ва ташкилотлар бажариши шарт бўлган қарорларни мазкур тузилмаларнинг ўзи қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлса, у ҳолда мазкур давлатларни суверен ва мустақил деб ҳисоблаш қийин бўлади.

Ваколатли ва қонун чиқарувчи, ижро этувчи, ҳарбий-сиёсий ва суд органларига эга бўлган ҳар бир алоҳида давлатнинг янги ташкил этилаётган давлатлардан юқори турувчи тузилма-

лар билан алоқасини, ифодали қилиб айтганда, туташ томирлардек тасаввур қилиш мумкин.

Ҳамжамиятнинг давлатлардан юқори турувчи тегишли тузилмаси ўзига қанчалик ваколат талаб қилса, ҳозирги алоҳида суверен давлатнинг ҳар бири худди шунчалик ваколат ва ҳуқуқларини йўқотади. Бу — инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат.

Назаримизда, бундай Иттифоқнинг тузилиши, авваламбор, буюк давлатчилик, коммунистик ва сохта ватанпарвар стратегик мақсадларига жавоб беради. Бундай кучларнинг мақсади Беларусь ва Россия орасида тузилаётган Иттифоққа таяниб, кейинчалик Украинани бунга ихтиёрий-мажбурий равишда қўшилишга мажбур қилиб, сўнгра эса Славян Иттифоқи деб аталмиш уюшмага суянган ҳолда собиқ Совет маконида қарор топган мустақил давлатларга ўз ҳукмини ўтказиш ва жаҳон майдонида йўқотган ўз ўрнини қайтаришдан иборат. Жаҳон хўжалиги алоқаларига иқтисодий интеграциялашувдан иборат бош йўналишни танлаб олган Ўзбекистон учун бу йўл мутлақо номақбулдир.

Яна бир фикр: МДҲнинг тасдиқланмаган Низоми доирасида иқтисодий ва молиявий интеграцияни чуқурлаштиришни, цивилизацияли тўловлар масаласини халқилишни, иқтисодий ва гуманитар интеграция йўлидаги ғовларни олиб ташлашни ҳозир бизга ҳеч ким таъқиқламайди. Бунинг учун биринчи навбатда жуғрофий-сиёсий рухда бўлган шартномаларни имзолаш ва турли хил Иттифоқлар бўлиши шарт эмас.

Иккинчидан, вужудга келган танг вазият — одамлар мушкул аҳволга тушиб қолишининг асосий сабаби, энг аввало, республикалар ўртасидаги иқтисодий ва хўжалик алоқалари узилиб қолганлигида дея ҳаммани ишонтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу советлардан кейинги бутун маконни карахт қилиб қўйган ҳақиқий сабаблардан одамларнинг эътиборини чалғитишга очиқдан-очиқ ўринишдир.

Советлардан кейинги маконда давлатлар иқтисодиётидаги танг ҳолатнинг асосий сабаби, энг аввало, ўз умрини яшаб бўлган тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик, марказдан тақсимлаш тизими мафкурасининг парчалаб ташланганлигидан, бугунги кунда бутун дунё яшаб келаётган бозор муносабатларига, эркин иқтисодиётга ўтишдан иборат эканлиги мутлақо аён бўлиб қолди.

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган кўп мамлакатларнинг қанчадан-қанча корхоналари ҳозирги пайтда оғир аҳволга тушиб қолганлигини, амалда ишламаётганини фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Уларнинг кўплари ишламай турганлигига сабаб бошқа суверен давлатлар корхоналари билан алоқалари узилиб қолганида эмас. Бу мамлакатлардан ташқаридаги коо-

перациялашган алоқаларга мутлақо боғлиқ бўлмаган юзлаб корхоналар ҳам ишламай турибди. Бунинг бутунлай бошқа сабаблари бор. Улар ҳозирча янги шароитларга мослаша олмаётир. Уларда ишлаб чиқаришни сақлаб туриш ва ривожлантириш учун маблағ йўқ. Иқтисодиётни тезроқ ислоҳ қилиш, ҳисоб-китоб механизмларини такомиллаштириш, ҳар бир корхонада зарур маърифий тартиб-интизом ўрнатиш лозим.

Учинчидан, «Чуқур интеграция» муаллифлари бир далилга, айниқса кўпроқ мурожаат этадилар. Уларнинг фикрича, бутун дунёда интеграция ер юзининг кўпгина минтақалари учун хос бўлган жараён деб тушунилар эмиш. Бунда кўпроқ Европа Иттифоқини ташкил этиш тажрибасини далил қилиб келтирадилар.

Тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичида барча давлатлар бир-бирларига боғлиқ ва ўзаро алоқада яшайди. Дунё харитасидан ҳозирги кунда бошқалардан, биринчи навбатда, ўзини ўраб турган мамлакатлардан мутлақо ажралиб қолган давлатни топиб бўлмаса керак.

Ҳа, Европа Иттифоқида интеграция ва ҳамкорлик асосий тамойиллар ҳисобланади. Бироқ, Европа Иттифоқида интеграция жараёнларига ёндашувлар интеграциялашаётган давлатнинг батамом суверенлиги, ихтиёрийлик ва уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланади.

Европа Иттифоқини ташкил этишга асос бўлган тамойиллар МДҲ мамлакатлари учун жозибали бўлиши мумкин. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин бир қатор ҳолатлар борки, Европа Иттифоқини советлардан кейинги макондаги вазиятдан кескин ажратиб туради.

Биринчидан, энг муҳими, Европа Иттифоқини шакллантириш бир неча ўн йилликларни ўз ичига оладиган узоқ тарихга эга, Маастрихт битимлари эса, давлатлар, уларнинг раҳбарлари босиб ўтган катта йўлнинг натижасидир.

Иккинчидан, Европа Иттифоқига барқарор, мустаҳкам демократик ижтимоий давлат тузилмаларига эга бўлган, пухта бозор ва ҳуқуқий қонунчилик меъёрларини, уларни руёбга чиқариш механизмлари ва инфратузилмасини шакллантирган мамлакатлар бирлашган.

Учинчидан, агар бизнинг техникавий ва иқтисодий қолоқлигимизни, ғоят эскирган, рақобатга дош беролмайдиган технология ва асосий фондларимизни ҳисобга олсак, собиқ СССР чегараларида аллақандай Иттифоқларга бирикиб олиш ўтмишнинг турли мафкуравий андозаларини ўйлаб, ўзимизни жаҳон иқтисодиёти назаридан четда қашшоқ ҳаёт кечиришга маҳкум этишдан бошқа нарса эмас.

Айни чоғда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, барча иштирокчи мамлакатлар томонидан танланган ва вужудга келтирилган умумий бошқарувчи тузилмалар фаолият олиб бораётган Европа Иттифоқи билан бир қаторда, Жануби-Шарқий Осиё (АСЕАН) ва Осиё-Тинч океани минтақаси (АТЭС) мамлакатлари тажрибаси ҳам мавжуд. Бироқ уларда миллий давлатлардан юқори турувчи парламентлар, вазирлар кенгашлари бошқа бирлаштирувчи тузилмалар йўқ.

8.5. Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциялашуви

Марказий Осиё мамлакатлари даражасидаги интеграцияга келсак, у ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу интеграция ўз моҳиятига кўра, ҳамиша халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Бутун тарих давомида бу минтақа халқлари ажнабий босқинчилар хукмронлигига қарши елкама-елка туриб курашиб келганлар.

Бу халқларнинг вакилларини мустақилликни қўлга киритиш ва мустақил давлатлар тузиш ғоялари бирлаштирган. Бу халқлар Туркистон деб ном олган улкан ҳудудда асрлар давомида яшаб келганлар.

Марказий Осиё халқларининг интеграцияси шунчаки орзу ёки келажакка мўлжалланган хаёлий тушунча эмас, бу – бор нарса, бу – мавжуд воқелик бўлиб, фақат ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий шаклларга муҳтождир.

Марказий Осиёдаги интеграция ҳудудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги, сув хўжалиги ва энергетика объектларини биргалашиб ишлатиш, энергия захиралари билан таъминлаш эҳтиёжи тақозо этган объектив заруриятдир. Бир-бирига чирмашиб кетган умумий теран томирларга эга бўлган халқларнинг маданий, тил ва маънавий бирлиги эса уларни энг яқинлаштирувчи омиллардир.

Бу минтақа муайян бир шаклда ҳамма вақт интеграция бўлиб келган. Марказий Осиё халқлари мустақилликка эришганларидан кейин биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, ўз келажакларини қуришлари зарурлигини қайта ҳис этдилар. Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон президентлари томонидан Марказий Осиё минтақасининг ягона иқтисодий маконини ташкил этиш ҳақидаги Шартномани имзоланиши шу йўлдаги амалий қадам бўлди.

Марказий Осиё республикаларининг интеграциялашуви учун ҳақиқатдан ҳам бир қатор дастлабки шарт-шароит ва сабаблар мавжуд. Булар жумласига иқтисодий ривожланишнинг бошланғич даражаси баравварлиги, ижтимоий-иқтисодий муам-

моларнинг бир хиллиги, ягона траспорт-энергетика коммуникациялари, сув захиралари ҳам киради. Бундан ташқари ушбу минтақада яшаётган барча халқлар хавфсизлигига бир хил таҳдидлар ҳам мавжуд. Булар – Оролнинг қуриб бораётганлиги, наркотик моддалар, қурол-яроғ, терроризм, диний фундаментализмнинг кириб келиши, Афғонистондаги нотинчлик ҳамда бир қатор бошқа омиллардир. Бу таҳдидлар, гарчи, тарқоқ туюлсада, аслида ўзаро боғлиқ омиллардир. Чунки уларнинг бирортасини ҳам алоҳида, ўз кучига ишонган ҳолда енгиб бўлмайди.

Айни шу ҳолатлар Марказий Осиё минтақасининг гуллаб-яшнаши тўғрисида қайғурадиган барча сиёсатчилар учун амалий қўлланма бўлиб қолиши даркор.

Марказий Осиё Ҳамдўстлигининг келажагига ишонч билан қараш учун ҳамма асослар мавжуд. Зарур ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган, давлатлараро кенгаш тузилган, Ҳамдўстлик дастурларини руёбга чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилган. Қатнашувчи давлатлар иқтисодий интеграциясининг 2010 йилгача мўлжалланган, 53 та муайян лойиҳани ўз ичига оладиган дастури ишлаб чиқилди, ягона иқтисодий маконни вужудга келтиришга асос солинмоқда.

Биз ўзимизнинг ташқи мудофаа сиёсатларимизни уйғунлаштиришга ҳам бевосита яқинлашдик. Ягона иқтисодий макон ташкил этиш тўғрисидаги шартномада қатнашувчи мамлакатлар Мудофаа вазирлари кенгашининг низоми тасдиқланди. Марказий Осиё давлатлари Ҳамдўстлигининг ташкил этилиши асло уларнинг бошқа давлатлардан ажралиб қолишини билдирмайди. Биз уни МДҲ доирасидаги интеграция жараёнларига ҳам қарши қўймаймиз.

Марказий Осиё давлатлари, гарчи, ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий жиҳатдан хилма-хил бўлса-да, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, хавфсизликка ташқаридан туғилаётган таҳдидларга қарши туриш, бутун минтақани барқарор ривожлантириш учун қулай муҳитни яратади, амалда бу минтақани хавфсизлик ва барқарорлик минтақаси сифатида шакллантиради. Шу тариқа бу минтақа давлатлари бутун дунё кўламида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради. Ҳозирги дунёда хавфсизлик ва барқарорлик фақат ҳарбий-сиёсий жиҳатларнигина назарда тутиб қолмайди. Иқтисодий, экологик ва маданий жабҳалар ҳам жуда муҳим бўлиб, хоҳ минтақа, хоҳ бутун сайёрамиз бўлсин – бизнинг тинч ва гуллаб-яшнаётган умумий уйимиз ана шулардан ташкил топади.

Қисқача хулосалар

Минтақавий барқарорлик минтақа кўламида интеграция жараёнини ривожлантириш масалаларини халқилишда асос ҳисобланади.

Ўзбекистон ва БМТ ҳамкорлиги жаҳон иқтисодиёти интеграциялашувининг пойдевори хизматини ўтайди.

Ўзбекистоннинг минтақавий бирлашмалар билан иқтисодий ҳамкорлиги интеграциялашувнинг тарихий қисмидир.

МДҲ мамлакатлари билан шундай ҳамкорлик минтақавий ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлайди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциялашуви халқлар ўртасидаги манфаатларни ифодалайди.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлиги ҳақида нималарни биласиз?
2. Ўзбекистон Республикасида ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиш жараёнини тушунтиринг.
3. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятдаги интеграциялашувидаги ўрни қандай?
4. Халқаро интеграциялашувда БМТ фаолиятининг ўрни қандай?
5. Ўзбекистоннинг минтақавий халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги ҳақида гапириб беринг.
6. Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан мустақил иқтисодий интеграциялашувидаги ўрни қандай ва қандай аҳамиятларга эга?
7. Сизнинг фикрингизча, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциялашувининг аҳамияти қандай?

Асосий адабиётлар

1. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Текст лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.

2. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная экономика. Теория и политика. МГУ, М., 1997.

3. А.Расулев, А.Бедринцев, А.Акилов. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: «Узбекистан», 1996.

4. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. Пер. с анг. 2-е издание. – М.: Депо ЛТД, 1993.

5. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. Радаева В.В. и Бузгалова А.В. – М.: МГУ, 1995.

IX боб

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАХТА МАЖМУАСИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАҲОНДАГИ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ

9.1. Жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта мажмуасининг экспорт салоҳияти

Мустақилликка эришган кунлардан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга устувор йўналиш сифатида қараб келмоқда. Чунки мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, глобаллашуви ҳозирги пайтда биринчи навбатда халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашуви даражасига боғлиқ.

Ўзбекистон ҳукумати ташқи иқтисодий алоқаларни аниқ концепция асосида амалга ошириб, бу соҳадаги устувор йўналишларни белгилаш ва барча хорижий давлатлар, иқтисодий ҳамда молиявий ташкилотлар билан икки томонлама манфаатдорлик сиёсатини олиб бормоқда. Ўзбекистон маҳсулотларининг халқаро стандартлари ва сифат белгиларини тан олади. Республикада ички маҳсулотларга штрихланган кодлар жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳукумат томонидан экспорт учун ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Жумладан:

- экспорт қилинувчи товарларга халқаро регистрларга мос келадиган сертификатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурлари асосида бу маҳсулотларни халқаро хомашё биржаларида мажбурий сертификация қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;
- саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарларининг сифатларини халқаро стандартларга мос келадиган сертификация тизимини ривожлантириш ва бу ишга айрим ҳолларда ихтисослашган чет эл компания ва агентликларини жалб этиш орқали амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш зарурати ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи субъектларни фаоллаштириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида институционал инфратузилмани янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Шу мақсадда республикамизда:

- экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш ва ташқи савдо миллий марказини тузиш;

- миллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш, маҳсулотлар, хизматлар ва ишларни рағбатлантириш ва молиявий ҳимоялаш, узоқ, ва қисқа муддатли кредитлар бериш учун экспорт-импорт банкини тузиш;

- савдо уйларининг чет эллардаги тижорат тармоқлари, ҳиссадорлик жамиятлари ва қўшма корхоналарини тузиш ҳамда улар томонидан илғор савдо компаниялари, маркетинг ва консалтинг фирмаларининг тажрибасини ўрганиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Ўрта Осиё минтақасидаги мамлакатлар интеграциясини ривожлантириш ишлари ҳам давом эттирилмоқда. Бу минтақа ўзининг табиий ва иш ресурслари билан чет эл инвесторлари учун истиқболли бозор ҳисобланади. Бугунги кунда бу минтақадаги миллий қонунлар норматив ҳужжатларни яқинлаштириш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган шарт-шароитлар, минтақавий институтлар яратиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси МДҲ билан иқтисодий алоқаларни ривожлантиради ва унинг ҳудудидаги минтақаларни ўзбек маҳсулотлари экспорт қилинадиган асосий бозорлардан бири деб қарайди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатида АҚШ ва Европа билан алоқаларни янада ривожлантиришга устувор масала деб билади. Шунингдек, биз Осиё минтақасида, биринчи навбатда, Япония ва Корея Республикаси билан муносабатларни кенгайтириш тарафдоримиз. Қўшни Хитой Халқ Республикаси ва Россия билан анъанавий алоқаларимиз янада кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) га аъзо бўлишни устувор йўналишлардан бири деб ҳисоблайди, чунки унга аъзо бўлиш республикамизнинг халқаро иқтисодий ҳамжамиятга интеграциялашувини янада чуқурлаштиради. 1998 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ЖСТ котибиятига «Ташқи савдо ҳақидаги Меъморандумни» таклиф этди ва ҳозир бу ҳужжат унинг иштирокчилари томонидан ўрганилмоқда.

Шунингдек, республикамизда ЖСТ аъзолари билан икки томонлама келишувларни амалга ошириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни босқичма-босқич эркинлаштириш, жорий қонунчиликни ГАТТ, ЖСТ талабларига мослаштириш соҳасида ҳам ишлар амалга оширилмоқда.

Чет эл экспертлари томонидан баҳоланишича, Ўзбекистон Республикасининг қазилма бойликлари триллион АҚШ долларига тенг ва уларни ишлаш учун кафолатланган қайтим бор. Ўзбекистонда чет эл сармояларини жалб этиш, кичик, ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имтиёзлар яратилган. Айниқса, чет эл сармоясини жалб этишга яра-

тилган муҳит уларнинг эгалари учун имтиёз ва қулайликлар тизими билан ифодаланади.

Экспортга мўлжалланган ишлаб чиаришни ривожлантириш ва маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- экспорт маҳсулотларини ташқи бозорда сотиш учун кенг савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини вужудга келтириш;
- мақсадли ва чуқур маркетинг тадқиқотларини, реклама ишларини йўлга қўйиш;
- чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва корхоналарни техникавий модернизациялаш учун зарур бўлган молиявий маблағлар ажратиш;
- экспортни рағбатлантириш мақсадида молиявий консорциумлар тузиш;
- экспорт маҳсулотларини сотишни жадаллаштириш мақсадида дилерлик шохобчалари ва консигнация омборларини тузиш;
- халқаро валюта кредитлари бозорида қарор топган фоиз ставкаларига асосланиб, экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун лозим бўлган хомашё ва бутловчи импорт маҳсулотларни харид қилишга валюта кредитларини ажратиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Экспорт ҳажмини кўпайтириш, унинг таркибини кенгайтириш ва такомиллаштириш учун қуйидаги чораларни кўриш мақсадга мувофиқдир:

- саноат корхоналарининг экспорт соҳасига қаратилган фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- корхоналарнинг рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш борасидаги саъй-ҳаракатларини рағбатлантириш;
- илмталаб ва базавий саноат тармоқларини ривожлантириш учун бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 11 июндаги «Республика пахта тозалаш саноати бошқарувини такомиллаштириш ва монополиядан чиқариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги УП-2874 - сонли Фармонига биноан, Вазирлар Маҳкамаси 2001 йил 17 сентябрдаги «Пахта толаси экспортини марказлаштириш тартибини ташкил этиш ҳақида Низом»ни ишлаб чиқди. Унга биноан Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда 2006 йил ҳосилидан бошлаб пахта толаси ишлаб чиқариш ва тола экспорти балансини тузади ва унинг «Ўзпахтасаноат» ва ТИАВ бирлашмалари ва компаниялари бўйича тақсимотини ҳисоблай-

ди. Пахта толасини экспорт қилиш, харидорлар билан битимлар тузиш олдидан тузиш ишларни ташкил этиш вазифаси ТИАВ зиммасига юклатилган. У, шунингдек, ташқи савдо компаниялари томонидан битимлар тузишни назорат қилади.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ТИАВ билан тасдиқланган *балансларга биноан пахта толасини* ҳар бир чоракда жўнатиш графигини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этади ва улар ҳиссадорлик бирлашмалар ва ташқи савдо компаниялари томонидан ижро этилишини назорат қилади.

Чет эл харидорлари билан битим тузишдан олдинги ишлар ва тузиш ишлари ТИАВнинг ташқи компанияларига юклатилади, тасдиқланган пахта толаси ҳажмидаги (марказлашган ва марказлашмаган) миқдор бўйича контракт тузиш ижроси устидан назоратни ТИАВ амалга оширади.

ТИАВ «Ўзпахтасаноати» уюшмаси билан биргаликда пахта толасини жўнатиш юзасидан уюшманинг ҳудудий бўлимлари бўйича жўнатиш ҳақида чораклик графикларини тузади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

ТИАВ ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси пахта толаси экспорти графигининг ижросини доимий назорат қилади.

Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги «Ўзпахтасаноат» ва ТИАВ билан биргаликда ҳар ойнинг 12 - санасида пахта толаси баланси ва сотиш, жумладан, экспорти ҳақидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

9.2. *Жаҳон пахта толаси бозорларидаги динамик ўзгаришлар* шароитида ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлиги

Жаҳонда 2000-2001 йилда пахта толаси ишлаб чиқариш 100.000 баелга қисқариб, 87,3 млн., истеъмол эса 200.000 баелга кўпайиб, 92,5 млн. баелга етди. Ўрта Осиё республикаларида ишлаб чиқариш 440.000 баелга камайган бир пайтда Австралия ва Бразилия мамлакатларида бу кўрсаткич 400.000 баелга кўпайди.

Пахта толасининг давр боши ва давр охиридаги захираси миқдорларини башоратлаш натижалари шундан далолат беради-ки, жаҳон миқёсида унинг давр бошидаги захираси 700.000 баелга қисқариб, 40,1 млн, давр охиридаги захираси 900.0 баелга пасайиб, 35,1 млн. баелни ташкил этди. Шундан Хитойга 350.000 баелга тенг дастлабки захира ўзгариши тўғри келди. Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон пахта толаси бозори узоқ тарихга ва анъаналарга эга ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича юқори даражада ташкиллашган бозорлардан ҳисобланади. Бунга сабаб халқаро кооперациянинг кенг ривожланишидир.

15-жадвал

Жаҳонда пахта ишлаб чиқариш (млн. тонна)

Мамлакатлар	Йиллар						
	1995/ 1996	1996/ 1997	1997/ 1998	1998/ 1999	1999/ 2000	2000/ 2001 июл	2000/ 2001 август
АҚШ	3,9	4,1	4,09	3,0	3,7	4,2	4,2
Хитой	4,8	4,2	4,6	4,5	3,8	3,8	3,8
Ҳиндистон	2,9	3,0	2,7	2,8	2,7	2,7	2,7
Покистон	1,8	1,6	1,6	1,4	1,8	1,6	1,6
Ўзбекистон	1,2	1,04	1,1	1,0	1,15	1,1	1,07
Франко-Африка қитъаси	0,7	0,8	0,9	0,9	0,9	0,9	0,9
Туркия	0,85	0,8	0,8	0,8	0,8	0,77	0,77
Австралия	0,44	0,61	0,67	0,72	0,72	0,7	0,72
Бразилия	0,4	0,3	0,4	0,46	0,63	0,65	0,7
Греция	0,46	0,3	0,35	0,4	0,44	0,41	0,41
Бошқалар	2,85	2,38	2,69	2,26	2,26	2,	2,13
ЖАМИ	20,3	19,13	19,9	18,4	18,9	19,05	19,0

Дунёда пахта толасини энг кўп истеъмол қиладиган мамлакатлар жумласига Хитой (4,8 млн.тонна), Ҳиндистон (3,0 млн. тонна), АҚШ (2,2 млн. тонна), Покистон (1,6 млн. тонна) ва Туркия (1,2 млн. тонна), Европа Иттифоқи мамлакатлари (1,1 млн. тонна) ва Бразилия (0,91 млн. тонна) киради.

Жаҳон пахта толаси бозоридаги таклиф йилига ўртача 27,8 млн., истеъмол эса 20,1 млн. тоннани ташкил этади.

16-жадвал

Жаҳондаги йирик пахта ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ва уларнинг улушлари (фоизда)

Маълумотлар	АҚШ	Хитой	Ҳиндистон	Покистон	Ўзбекистон	Туркия	Австралия	Бошқалар
1997/98	21	23	13	8	6	4	3	22
1998/99	16	22	15	9	6	4	4	24

Манба: USDA, december 1999

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг пахта толасини сотиб оладиган йирик ҳамкорлари Араб Амирликлари, Германия, Россия, Жанубий Корея, Швецария, Буюк Британия, Туркия, Қозоғистон, ва Нидерландия, қисман савдо қиладиган мамлакатлар Испания, Сурия, Португалия, Миср, Эрондир.

17-жадвал

Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва эксперт қилиш динамикаси (минг тонна)

Йиллар	Экин майдонлари	Ҳосилдорлик	Минг тонна		
(маҳсулотлар)	(минта)	ц/га	ишлаб чиқариш	истеъмол	экспорт
1993/94	1676	810	1,358	170	1288
1994/95	1529	824	1,248	170	1250
1995/96	1498	834	1254	180	940
1996/97	1500	714	1062	105	1042

Бугун ўзбек пахтаси Европада етакчи ўринни эгаллайди ва бошқа пахта навлари билан муваффақиятли рақобат қилади. Пахта толасининг йирик истеъмолчилари Ғарбий ва Шарқий Европа ҳамда Узоқ Шарқ бозорларида жойлашган. 1990 йилдан то 1999 йилгача ўзбек пахтасининг экспорти 238,8 минг тоннадан 795 минг тоннагача кўпайди.

18-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 1996-1999 йилларда товарлар экспорти (млрд. АҚШ долл.)

Йиллар	Пахта	Кимё маҳсулотлари	Металл	Машина ускуналари	Озиқ-овқат	Электр эн. ва ёқилғи	Бошқа товарлар
1996	1748,3	111,3	160,5	130,3	205,4	276,6	1578,4
1997	1579,4	76,1	200,4	277,6	163,9	527,9	1201,1
1998	1361	51,7	180,7	146,6	111,9	277,8	1088,4
1999	883,7	101,8	138,9	103,2	206,7	371,5	1122

Манба: Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги. Ўзбекистоннинг иқтисодий йўналишлари.

Анъанавий Европа бозорларидан (Италия, Германия ва Франция) ташқари янги бозорлар Осиё минтақасида ҳам очилди. Жумладан, 250 минг тонна пахта толаси Тайван, Индонезия, Тайланд, Хитой, Корея, Япония ва Гонконгга экспорт қилинмоқда. Кейинги йилларда Бразилия ва Туркия мамлакатларига ҳам пахта экспорт қилинмоқда. Жаҳон бозорида ўзбек пахтаси «Ўрта осиё толаси» деб туркумланди, унинг узунлиги 1-3/32 . Бу эса қуйидагича ўқилади: ўртача тола узунлиги (тола) биринчи класс, «ўрта» сифатли. Толамиз нархи «А» индексига тегишли параметрларнинг кундалик квотасига қараб белгиланади ва «коттон Аутлук» компанияси томонидан нашр қилинади. Квоталар бир фунтга тўланадиган АҚШ центларида ифодаланади. Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқадиган портларга эга эмас.

Шунинг учун, ташқи савдодаги йирик муаммо самарали транспорт «йўлаги»ни танлаш ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ҳисобланади.

Пахта толаси темир ва автомобиль йўллари орқали жаҳон бозорига олиб чиқилади. Жумладан, республика Болтиқбўйи портлари Венспилга, Клайпеда, Таллин, Рига ва Лиепаяга, Кавказ орти Мерсин (Туркия) портига, шунингдек, Гебел-аои портига (БАР), Эроннинг Бандар-Аббас порти, Владивосток орқали Находка портига чиқиши мумкин.

19-жадвал

Ўзбекистоннинг Жаҳон бозорига чиқиш бўйича муқобил йўлак (коридор)лари

Йўналиш порти	Транспорт тури	Транзит мамлакатлар	Бозорлар
Рига порти	Темир йўл	Қозоғистон, Россия, Латвия	Болтиқбўйи мамлакатлари, Шимолий Европа, Жанубий ва Шимолий Америка
Илячевск порти	Темир йўл	Қозоғистон, Россия, Украина	Жанубий Европа, Узоқ Шарқ Жанубий ва Шимолий Америка
Санкт-Петербург	Темир йўл	Қозоғистон, Россия	Болтиқбўйи мамлакатлари, Шимолий Европа, Жанубий ва Шимолий Америка
Брест-чегара	Темир йўл	Қозоғистон, Россия	Шарқий ва Ғарбий Европа
Дружба	Темир йўл	Қозоғистон	Хитой, Жанубий Шарқий Осиё
Петровск - Забайкальск	Темир йўл	Қозоғистон, Россия	Хитой, Жанубий Шарқий Осиё ва Япония
Находка порти	Темир йўл	Қозоғистон, Россия	Хитой, Жанубий Шарқий Осиё, Япония, Шимолий ва Жанубий Америка
Поти порти	Темир йўл, паром, автотранзит	Туркманистон, Озарбайжон, Грузия	Жанубий Европа, Узоқ Шарқ, Жанубий ва Шимолий Америка
Мерсин-Бандар-Аббас портлари	Автомобиль	Туркманистон, Эрон	Узоқ Шарқ (Хиндистон ва Покистонга ҳам), Жанубий Америка
Мерсин-Бандар-Аббас	Темир йўл	Туркманистон, Эрон	Узоқ Шарқ, Хиндистон, Покистон, Жанубий Америка

Ўзбекистон бир неча халқаро пахта ташкилотлари, жумладан, Пахта бўйича Халқаро Маслаҳат қўмитаси Ливерпул Гвинея пахта уюшмаларининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Пахта бўйича Халқаро маслаҳат қўмитасининг Тошкентда бўлиб ўтган 55 Пленумида Ўзбекистон пахтасининг жаҳонда пахта ҳажми кўпайишидаги етакчи роли таъкидлаб ўтилди.

Олдин таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон пахтаси бугун Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига қарашли «Ўзмарказим-

пекс», «Инновация» ва «Узпроммашимпекс» савдо компаниялари орқали экспорт қилинмоқда. Бу компаниялар ахборот айирбошлаш асосида халқаро етакчи компаниялар билан биргаликда ишлайдилар. Улар қаторига Дуновант, Гленкор, Пол Рейнҳард, Мередис Жоун, Луис Драфурс, Ралли Бразерс, Штахел ва бошқалар киради. Кейинги йилларда экспорт қилинаётган пахта толасининг нархи «коттон Аутлук» квоталари ёрдамида ўрнатилмоқда.

Экспорт қилинаётган пахта толасининг асосий қисмини иккита ташкилот: «Узвнештранс» (темир йўл) ва Ўрта Осиё транс (моторли транспорт) амалга оширади.

9.3. Ташқи иқтисодий фаолиятда пахта толаси экспорт салоҳиятини ошириш йўллари

Пахта толаси экспортининг иқтисодий самарадорлиги даражаси кўп жиҳатдан жаҳон бозоридаги конъюнктура вазияти ва нархлар даражаси билан белгиланади. Шу сабабли бозор жараёнининг ривожланиш тенденция ва қонуниятлари таҳлили алоҳида аҳамиятга эга.

Бозор муаммолари, бозор вазиятини белгиловчи омиллар ҳар доим бир хил эмас, улар ўзаро боғлиқликда намоён бўладиган комплекс тусга эга.

Бозорнинг сиғими, рақобатчиларнинг бозордаги аҳволи ва уларнинг умумий сотиш ҳажмидаги улуши, айни шу муддатдаги талаб ва таклифнинг нисбати, бундай нисбат сабабларига яқин келишувида товарга бўлган талабнинг ўзгариши тенденциялари энг муҳим омил ҳисобланади.

Пахта маркетинги мажмуасида қуйидаги тузилмалар мавжуд:

- бозорнинг потенциал имкониятлари, яъни пахта толасига бозор талаби;
- мижозларни жалб қилиш мезонлари ва моделлари (биржалар, харид марказлари);
- бозорни сегментларга бўлиш;
- пахта толаси нархлари даражалари;
- нарх сиёсатидага омиллар (чегирмалар, устамалар);
- қонунлар, меъёрлар, битимлар ва махсус регламентлар.

Рақобатчилар кураши.

Бизнинг бевосита рақибларимиз: АҚШ, Хитой, Покистон.

Потенциал рақиблар: Австралия, Миср, Жазоир.

Билвосита рақиблар: сунъий толаларни ишлаб чиқарувчилар.

Асосий рақибларнинг баҳоланиши: бозор квоталари, бозордаги позициялар, устунлик ва камчиликлар.

Жаҳон пахта бозоридаги рақибларнинг ҳолатини таҳлил этайлик.

АҚШ дунёдаги йирик пахта ишлаб чиқарувчилардан биридир, географик ҳудудий жойлашиши, иқлим шароити ҳамда тупроқ унумдорлиги қулайлиги билан ажралиб туради. АҚШ да йилига ўртача 5 млн. 200 минг гектар ерга пахта экилиб, гектаридан 700-800 кг тола олинади. Шундай қилиб, ҳудудда йилига ўртача 4,0-4,2 млн.тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади.

Жаҳонда пахта экспортининг 80%и Шимолий Америка мамлакатлари улушига тўғри келади. Жумладан, Мексика, Канада, Гондурас, Доминикан Республикаси бу хомашёнинг йирик харидорларидир. АҚШнинг жаҳон пахта бозоридаги улуши 20-30% атрофида ўзгариб туради. Америка пахта толасининг йирик харидорлари Узоқ Шарқ мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея, Гонконг), шунингдек, Ғарбий Европа ва Канада мамлакатларидир.

Кейинги йилардаги Америка пахтасининг йирик истеъмолчиларига Хитой, Япония, Корея, Индонезия, Мексика, Таиланд, Тайван ва боцқалар ҳам қўшилди.

20-жадвал

Хитойда пахта ишлаб чиқариш, уни истеъмол этиш, экспорт ва импорт қилиш динамикаси

Мавсумлар	Экиладиган майдонлар, минг.га	Ҳосилдорлик, кг/га	Ишлаб чиқариш, минг.т	Истеъмол, минг.т	Экспорт, минг.т	Импорт, минг. т
1993/94	4985	750	3379	4600	166	176
1994/95	5528	785	4342	4500	40	884
1995/96	5422	879	4767	4500	5	663
1996/97	47753	884	4203	4600	2	787

Кейинги йилларда Хитой пахтани экспорт қиладиган мамлакатидан импорт қиладиган мамлакатга айланди. Ўтган мавсумларда бу ҳудудда пахта ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хитой пахтасининг аксарият қисми қўлда, атиги 5%и машиналарда терилади.

Ҳиндистон

Бу мамлакат пахта етиштириш бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Пахта Ҳиндистон аҳолиси кийим-кечакка бўлган эҳтиёжининг 90%ини қондиради ва мамлакат иқтисодиётида катта роль ўйнайди.

Ҳиндистон пахтани истеъмол қилиш бўйича ҳам жаҳонда учинчи ўринда туради. Кейинги йилларда пахта экин майдон-

лари ортиб борди ва 1999 йили 9 млн. гектарга етди. Ҳосилдорлик нисбатан паст ва ўртача. Ҳиндистонда йилига 3 млн. тонна пахта толаси ишлаб чиқарилади ва деярли барчаси истеъмол қилинади. Айрим йиллари 150-190 минг тонна экспорт қилинади. Импорт қилинадиган пахта толаси ҳажми кейинги йилларда камайиб борди. Бугунги кунда бу борадаги кўрсатгич 10 минг тонна атрофида.

Покистон

1990 йилдан бошлаб Покистон жаҳонда пахта етиштириш бўйича тўртинчи ўринда.Унинг ишлаб чиқаришдаги улуши ўртача 6,5%ни, истеъмолдаги улуши эса 5%ни ташкил этади. Бу кўрсатгичлар кейинги йилларга нисбатан муҳим турганлиги сабабли Покистоннинг Жаҳон пахта толаси бозорига, айниқса, пахта нархига таъсири катта бўлмоқда. Пахта етиштириш ва унинг истеъмолига давлат аралашуви ҳам сезиларли даражада.

Жаҳонда толалар (пахта, жун, кимёвий толалар) истеъмолида пахтанинг салмоғи 49 %. Тўқимачилик хомашёси балансида пахта улуши ҳали ҳам илгаригидек юқори. Бу, пахтанинг универсал сифатлари ва уни турли мақсаддаги буюмлар ишлаб чиқаришда қўллаш мумкинлиги туфайлидир.

Мутлақ кўрсаткичларга кўра, дунёда пахта истеъмоли ҳажми ошиб бормоқда. Бу, назаримизда, биринчидан, аҳоли сонининг ўсиши ва ип газлама маҳсулотлари истеъмолига талабнинг ошиши, иккинчидан, иссиқ ва мўътадил иқлимли мамлакатларда пахтадан ишланган буюмлар зарурлиги, учинчидан, пахтадан ишланган буюмларнинг сунъий толалардан ишланган буюмларга нисбатан рақобатбардошлиги билан боғлиқ.

Пахта дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатида етиштирилади ва 100 дан ортиқ давлатда истеъмол қилинади. Дунёда етиштирилган пахтанинг асосий қисми АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон улушига тўғри келади. Пахта толасининг асосий истеъмолчилари Европа мамлакатлари, Япония, Корея, Гонконг ва Тайвандир. Ҳозирги вақтда дунё бўйича 36,2 млн.гектар ерда пахта етиштирмоқда. Бу жаҳон деҳқончилигида ишлатиладиган ерларнинг 2% га тенг.

Дунёда пахта толаси ишлаб чиқариш 18-20 млн.тонна ўртасида бўлиб, йиллик ўсиш ўртача 200-220 минг тоннани ташкил этади.

Келажакда пахта толасига бўлган талабнинг ўсиши кутилмоқда. Бунга пахтачиликда рентабелликнинг ошиши, ҳосилдорликнинг ўсиши ва ишлаб чиқариш харажатлари камайиши, бинобарин, пахта таннархнинг ҳам пасайиши сабаб бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатлари жаҳон пахта бозорида нархни белгиловчи асосий омил ҳисобланади.

Ўзбекистон пахтасининг рақобатбардошлигини таъминлаш борасидаги маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, бир томондан, ишлаб чиқаришда маркетинг муҳити ва бозорга доир фаолият шарт-шароитларини ўрганишни, иккинчи томондан эса, республика пахтачилик мажмуининг рақобатбардошлик позициялари ва ички имкониятларини, жумладан, унинг ишлаб чиқариш ресурслари ва экспорт имкониятларини баҳолашни талаб қилади.

9.4. Ўзбекистоннинг пахта толаси экспортига доир стратегияси

Ҳар бир мамлакат мутлақ ва нисбий қиёсий устунликлардан келиб чиққан ҳолда маълум стратегик аҳамиятга молик маҳсулотни экспорт қилади. Масалан, Саудия Арабистони нефтни, Чили қалай ва мисни, Зоир каучукни экспорт қилишга ихтисослашган.

Ўзбекистон халқаро меҳнат тақсимотида хомашё етказиб берувчилик роли билан ажралиб туради. Ҳақиқатан ҳам республиканинг хомашё (асосан пахта толаси)ни экспорт қилиш соҳасидаги имкониятлари ғоят катта. Ўзбекистон дунёда пахта етиштирувчи илғор бешта мамлакат қаторидан ўрин олган. У пахта толасини экспорт қилиш бўйича АҚШдан кейинги — иккинчи ўринни эгаллайди.

Пахта нархининг пасайиши, кутилганидек, тўхтади: Cotlook «А» индекси (ушбу индекс Шарқий Европа портларига келиб тушган бешта энг паст нархлар бўйича ўртача индекс) 1999 йилнинг декабрь ойида бир фунт пахта учун 44 центни ташкил этган бўлса 2000 йил март ойига келиб, 57 центга етди. Бу ҳол пахтанинг уч ой давомида нархи 30% ўсишидан далолат беради. У қуйидаги омиллар билан изоҳланади:

- Хитойда пахта ишлаб чиқариш ҳажмининг ва жумладан, дунё бозорига таклифининг камайиши кутилмоқда;
- Покистон таклифи ҳажми ҳам кафолатланмаган;
- АҚШда ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилдагига нисбатан анча баланд бўлиши кутилмоқда, бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, Cotlook «А» индекси ва Нью-Йорк нархларининг бир хил суръатларда ўсиши кузатилмади.

21-жадвал

Дунё бўйича пахта таклифи ва тақсимланиши (млн.тонна)

	1997/98 й.	1998/99 й.	1999/2000 й.	2000/2001 й.
Ишлаб чиқариш	20,07	18,64	19,7	21,08
Истеъмол	17,30	18,97	20,67	23,94
Экспорт	5,91	5,36	5,80	6,20
Захиралар	9,90	9,77	9,28	8,44

Манба: Халқаро Пахта қўмитасининг интернет ҳисоботи

22-жадвал

Пахтанинг асосий ишлаб чиқарувчилари (минг тонна)

	1998/1999 й.	1999/2000 й.	2000/2001 й.
Хитой	4501	3900	3700
АҚШ	3030	3694	4200
Ҳиндистон	2710	2750	2700
Покистон	1480	1800	1550
Ўзбекистон	1000	1150	1100
Туркия	882	580	840
Австралия	726	670	680
Бразилия	521	622	700
Юнонистон	390	428	380
Миср	230	229	186
Бошқалар	2265	2447	2138

Манба: ICAC – The World Cotton Outlook

Пахта толасининг экспорт ҳажми (АҚШ доллари қийматида) 1997 йилда деярли 10 фоизга, 1998 йилда эса 14 фоизга камайди. 1998 йилда пахта ҳосили 1997 йил нисбатан 12 фоизга кам бўлган. 1998 йилнинг мавсуми охирида пахтага бўлган халқаро талаб 1997-1998 йиллардаги мавсумга нисбатан икки фоизга пасайган. 1998 йил давомида дунё бозорларида пахтанинг нархи 36 фоизга пасайди. Шуни айтиш лозимки, одатда, пахтани импорт қилиб келган Хитой охирги вақтларда пахтани соф экспорт қилувчи давлатга айланди. Бундан ташқари, пахта экспортидан тушадиган даромаднинг ўсиш истиқболи пахта ҳосилдорлиги пасайиши билан анча чекланган. 1999 йилда жами маҳсулотлар экспорти ҳажми 1998 йилдагига нисбатан 9 фоизга камайди. Ушбу камайиш асосан пахта экспорти 35 фоизга ва металлар экспортидагига нисбатан 23 фоизга қисқарганлиги натижасида содир бўлди.

2000 йилнинг биринчи чорагида олдинги йилнинг шу даврига нисбатан пахта толаси экспорти 20,8 фоизга камайиши натижасида умумий маҳсулотлар экспорти 1,7 %га камайди.

23-жадвал

Пахта экспорти ва нархининг йиллик ўзгариши

Йиллар	Экспорт	Нархлар
1995	119	122
1996	99	82
1997	90	92
1998	86	98
1999	64	81

Қадим замонларда Осиё ва Европани бирлаштирувчи карвон йўллари Ўзбекистон заминидан ўтган. Ўрта Осиё, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан пахта Ўрта ер денгизи, Яқин Шарқ ва Кичик Осиёга етиб борган. Пахта, уни ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон иқтисоди аҳамиятли.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «...пахта Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий қудратидир, у республика мустақиллигида муҳим ҳомашёдир». Мустақиллик йилларида республика пахта соҳасидаги стратегиясини ўзгартирди. Бу стратегиянинг мақсади пахта соҳасидаги якка ҳокимликни бартараф этиб, максимум миқдорга тенг тола ишлаб чиқаришдир. Баланслаштирилган сиёсатни амалга ошириш натижасида пахта ишлаб чиқариш барқарорлашди, дон ишлаб ҳажми чиқариш ортди ва республикада дон мустақиллигига эришилди.

Бутун Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда бешинчи ўринни эгаллайди. 1998/99 йилги мавсумида Ўзбекистон 1100 минг тонна пахта толаси ишлаб чиқарди ва у жаҳонда ишлаб чиқари пахта толасининг 6 %ини ташкил этди, бунинг 90 фоизи тола ва атиги 10 фоизи ингичка толали пахтадир.

Пахта толасини экспорт қилишда Ўзбекистон жаҳонда иккинчи ўринда туради, жаҳон экспорт илинадиган пахтанинг 20 фоизини беради. Республика бу мавқеини сақлаб қолмоқда. Чунки пахта толаси жами экспорт ҳажмининг қарийб 80 фоизини ташкил этади ва у валюта тушумининг муҳим воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси бугун пахта толасини сотиш бўйича жаҳондаги 80 дан ортиқ мамлакат билан шерикчилик қилади. Республикамиз иқтисодий ривожланган давлатлар жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Швецария, Туркия сингари мамлакатлар билан савдо айланмаси кенгайтиргани сезилмоқда.

Ўзбекистоннинг ўнта йирик савдо ҳамкорлари қаторига Германия, Россия Федерацияси, Жанубий Корея, Швецария, Буюк Британия, Туркия, Қозоғистон, Нидерландия ва Бирлашган Араб Амирликлари киради. Кейинги йилларда, шунингдек, Сурия, Испания, Португалия, Миср, Эрон билан иқтисодий алоқалар ва савдо соҳасида прогрессив ўзгаришлар юз берди.

Ташқи савдони жуғрофий нуқтаи назардан таҳлил қилмоқчи бўлсак, унинг кўрсаткичлари қуйидагича: товар айланмасининг асосий қисми Европа мамлакатларига (40 фоиздан кўпроқ), ташқи савдо айланмасининг 25 фоизи Осиё мамлакатларига тўғри келади. Америка қитъасидаги мамлакатлар билан савдо айланмаси ҳажми келгусида янада ошади. Африка қитъасидаги, шунингдек, Австралия ва Океания мамлакатлари билан савдо айланмаси ҳажми ошишига қарамасдан, товар айланмаси ҳажми умуман жуда паст, яъни бир фоиз даражасида қолмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, кейинги йилларда кумулятив ташқи товар айланмаси ҳажми 1,6 баравар, жумладан, узоқ хориждаги мамлакатлар билан савдо ҳажми 2 баравар, яқин хориждаги мамлакатлар билан эса атиги 4,5 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг тез тараққий этишига монанд равишда Ўзбекистондан товарлар ва хизматлар экспорти кенгайди. Хориждан истеъмол товарлари, машина ва жиҳозлар, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ҳам кўпайди. Хорижий мамлакатларга товар экспорти ҳажмининг кўпайиши унинг таркибидаги анъанавий товарлар, жумладан, пахта толаси миқдори ошишига сабаб бўлди. Бугун ўзбек пахтаси Европа қитъасида етакчи ўринда туради ва у Жанубий Америка қитъаси, АҚШ, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида етиштирилган пахта толалари билан муваффақиятли рақобатлашади. Пахта толасининг асосий истеъмолчилари Ғарбий ва Шарқий Европа ҳамда Узоқ Шарқда жойлашган. Олдинг таъкидлаганимиздек, *кейинги 11 йилда ўзбек пахтасини узоқ хорижий мамлакатларга экспорт қилиш* икки баравар кўпайиб, 850000 тоннага етди. Анъанавий Европа бозорига, жумладан, Италия, Германия ва Францияга 1997-98 йилда 300000 тонна пахта толаси сотилган бўлса, Осиё минтақасида янги бозорлар кашф этилди. 1997/98 йили 250000 тоннадан ортиқ пахта толаси Тайван, Индонезия, Тайланд, Гонконг, Корея, *Япония ва Хитойга сотилди. Ўзбек пахтасининг Жаҳон пах*та бозорида ўзбек пахтасининг мавқеи юқори бўлганлиги учун унинг экспорти ҳажми Бразилия ва Туркияга ҳам сезиларли даражада кўпайди.

Халқаро майдонда ўзбек пахтаси стандарти Ўрта Осиё толалари туркумига киради: узунлиги 1-3/32, яъни 1 класс ўрта толали. Ўзбек пахта толасига нарх «А» индексига тааллуқли кундалик *квоталарга биноан ўрнатилади ва у «Котлук ЛТД»* пахта компанияси томонидан нашр қилинади. квоталар бир паундга тўғри келади, АҚШ центида белгиланади.

Жуғрофий асос қилиб С.I.F. шаклида Шимолий Европа портлари олинади. Ўзбекистон денгизга чиқадиган портларга эга

эмас. Ташқи савдодаги йирик муаммолардан бири экспорт-импорт операцияларини бажарадиган самарали транспорт йўлаги (коридор)ини яратишдир. Шу нуқтаи назардан темир ва автомобиль йўллари имкониятларини яхшилаш зарур. Жумладан, шу тариқа Республика Болтиқ денгизи портлари: Вентспилс, Клайпеда, Таллин, Рига, Лиепая; Закавказия йўлаги (коридори) орқали Поти-Ботуми, Ильичевск, Одесса, ундан сўнг Мерсин (Туркия) портигача; шунингдек, Гебел-Али (БАА), Эроннинг Бандар-Аббас порти орқали ҳам денгизга чиқиши мумкин. Узоқ Шарқда Владивосток орқали Находка портига пахтани етказиш имкони бор. Транспорт тармоғининг бунчалик хилма-хиллиги пахта толаси бозорлардаги янги харидорларига катта имкон туғдиради. Пахтани экспорт қилиш борасидаги бу ишларни амалга оширишдан ташқари Ўзбекистон бир неча халқаро пахта ташкилотларининг ҳақиқий аъзоси бўлди. Жумладан, у пахта соҳасида Халқаро Маслаҳатчилар қўмитаси, Ливерпул пахта Уюшмаси, Гвинея пахта Ассоциациясига аъзо.

Халқаро пахта маслаҳати бўйича қўмитанинг Тошкентда ўтказилган 55-ялпи мажлисида иштирок этган ҳукумат ва савдо вакиллари Ўзбекистоннинг жаҳонда пахта ишлаб чиқаришни кўпайтиришдаги етакчилик ролини тан олишди. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, кейинги йилларда республика молия доираларида ҳам барқарор ишончли обрўга эга бўлди. Эндиликда халқаро аҳамиятга молик бўлган кўпгина чет эл банклари Тошкентда ўз ваколатхоналарини очиб, республика иқтисодиётига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Иқтисодиётдаги бу собитқадамлик ишлаб чиқаришни қайта технологик қуроллантиришни рағбатлантириш ҳамда аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини ҳал этувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон иқтисодининг ривожланишида экспортга йўналтирилган тармоқлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш тизимини тараққий эттириш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли иқтисодни ривожлантиришда асосий урғу чет эл сармоясини жалб қилиш натижасида шундай тармоқларни тараққий эттиришга берилиши зарурки, улар хомашё ўрнига рақобатбардош, тайёр маҳсулотларни экспорт қилишга йўналтирилган бўлсин. Бугунги кунда стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлар ва лойиҳалар жумласига енгил саноат, туризм, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқларини киритиш мумкин.

Енгил саноатни тараққий эттириш ва такомиллаштириш тузилмаси, тизими «пахтачилик-тўқимачилик саноати – қайта ишлаш саноати»ни барпо этиш рентабеллик даражасини бир

неча баробар оширишга ҳамда республика валюта тушуми миқдорини кўпайтиришга олиб келади. Шу туфайли чет эл сармоясини, авваламбор, қайта ишлаш саноатига жалб этиш зарур, чунки хомашёни чуқур қайта ишлаш қўшимча қиймат миқдорини оширади.

Чет эл капиталини, айниқса, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга жалб қилиш катта аҳамият касб этади. Республика ишлаб чиқариш тармоқларини қайта жиҳозлаш дастурига биноан, енгил саноатга чет капиталини олиб кириш анча кўпаяди. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш дастурига биноан тармоқдаги 9 корхона техник жиҳатдан қайта жиҳозланиб, пахта толасини қайта ишлаш сифати яхшиланди, чет эл жиҳозлари импортига асосланган янги корхоналар Япония, Италия, Бельгия, Германия фирмаларининг жиҳозлари билан қуроллантирилди.

Чет эл сармоясининг тўқимачилик тармоғи ривожланишига режалаштирилган ҳажми 14 млрд АҚШ долларига тенг.

«Ўзбек ипаги» ҳиссадорлик жамиятига техникани қайта жиҳозлаш учун 36,5 млн. доллар сарфланиши режалаштирилган. Экспортнинг жуғрофиясини оптималлаштириш ҳамда асосий ташқи иқтисодий ҳамкорлар билан товар айирбошлашдаги баланс мувозонат ҳолатини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон экспорти таркибида индустриал мамлакатларга сотиладиган пахта толаси етакчи ўринни эгаллайди. Европа иттифоқи томонидан Ўзбекистонга тўқимачилик саноати маҳсулотларини экспорт қилиш учун квота ажратилиши бу мамлакатларга экспорт номенклатурасини диверсификациялаш учун имкон, тармоқни фаол ривожлантириш учун эса замин яратди.

Келгусида экспорт ҳажмини оширадиган соҳалардан бири республика машинасозлик корхоналаридир. Уларнинг маҳсулотларни сотиш бозорлари МДҲ бозорларидир. Республиканинг ташқи савдо айланмасидаги МДҲнинг улуши 2000 йилда 37 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатлардан енгил ва юк машиналари, самолётлар ва бошқа машинасозлик маҳсулотларини сотиб оладиган давлатлар таркибига Россия ва Украина киради. Ривожланаётган мамлакатларнинг машинасозлик маҳсулотларига бўлган талаб келгусида бу бозорларни ҳам забт этиш бўйича чора-тадбирлар белгилашни тақозо этади.

Ўзбекистонда ташқи инвестициялар учун қулай иқлим яратилганлиги туфайли мустақиллик йилларида жалб этилган жами инвестициялар ҳажми 11 млрд. АҚШ долларига етди, чет эл капитали иштирокида 3800 дан ортиқ корхоналар барпо этилди.

Қисқача хулосалар

Жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта мажмуи экспорт салоҳияти жаҳондаги рақобатнинг асоси ҳисобланади.

Жаҳон пахта толаси бозоридаги динамик ўзгаришлар шароитида ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлиги халқимиз манфаатини белгиловчи асосий кўрсаттичдир.

ТИФда пахта толаси экспорт салоҳиятини ошириш асосан маркетинг фаолиятига боғлиқ.

Ўзбекистоннинг пахта толаси экспортига доир стратегияси асосан халқаро меҳнат тақсимоти асосида амалга оширилмоғи лозим.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда Ўзбекистон Республикаси пахта мажмуаси қандай экспорт салоҳиятига эга?
2. Экспортни ривожлантириш ва жаҳондаги рақобатбардошликни ошириш кўрсаткичлари салоҳиятичи?
3. Жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта мажмуасининг экспорт салоҳиятичи?
4. Жаҳон пахта толаси бозорларидаги динамик ўзгаришлар шароитида ўзбек пахта толаси қай даражада рақобатбардош?
5. Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқариш, унинг истеъмоли ва экспорти динамикасига таъсир этиш омилларини кўрсатинг.
6. Ўзбекистон Жаҳон бозорига чиқишининг муқобил йўлак (коридор)лари борми?
7. Ташқи иқтисодий фаолиятда пахта толаси экспорт салоҳиятини ошириш- нинг қандай йўллари мавжуд?
8. Ўзбекистоннинг пахта толаси экспортига доир стратегияси нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Текст лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.

2. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная экономика. Теория и политика. – М.: МГУ, 1997.

3. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. –Т.: «Узбекистан», 1996.

4. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. Пер. с анг. 2-е издание. – М.: Депо ЛТД, 1993.

5. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. В.В. Радаева и А.В. Бузгалова. М.: МГУ, 1995.

X боб

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИГА ИНТЕГРАЦИЯСИ

10.1. Трансформациянинг умумий тавсифи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон давлат раҳбарларининг Тошкент учрашувида Марказий Осиё мамлакатлари истиқлолга эришганидан кейинги биринчи ўн йиллик «ўта масъулиятли ва улкан тарихий аҳамиятга эга давр», эканлигини таъкидлади. Бу даврда мустақил давлатчиликни барпо этиш билан бирга-ликда, трансформация (яъни, иқтисодий тизимларни қайта шакллантириш асосида бир ижтимоий тизимдан иккинчисига ўтиш) ҳамда жаҳон хўжалигига интеграция жараёнлари энг долзарб вазифалар қаторидан жой эгаллади.

Ушбу жараёнларнинг дастлабки босқичида янги, мустақил давлатларнинг кўпчилигида ишлаб чиқариш ва даромад соҳаларида кескин пасайиш юз берди. Иқтисодиёт бўйича 2001 йил Нобель мукофоти совриндори Ж.Стиглиц ана шу ҳолатни таърифлаб, бундай дейди: «Россиядаги ва собиқ Иттифоқ (СИ)қа кирган бошқа кўпчилик мамлакатлардаги ислоҳотларнинг муваффақиятсизлиги фақатгина тўғри иқтисодий сиёсатни амалга ошира олмаслик билан боғлиқ эмас. Уларнинг негизи чуқурроқ бўлиб, бозор иқтисодиёти асосларини тушуниб етмасликка, шунингдек, институтцион ислоҳотлар асосларини етарлича англамаслик бориб тақалади. Ушбу давлатларнинг кўпчилиги жиддий ютуқларга эриша олмаслиги самаралироқ иқтисодий сиёсат олиб бориш учун уларда имкониятлар борлигидан ҳам далолат беради».

Собиқ Иттифоқ таркибида бўлган, бугун мустақил ҳисобланган мамлакатларнинг ҳар бирида ўтган давр ичидаги тажрибаларни ўрганиш бу борада муайян хулосаларга келиш ва бозор ислоҳотларини ўтказишда самаралироқ йўлларни танлаш учун зарур. Бироқ ана шу муаммолар атрофидаги фикр-мулоҳазалар ҳамда мунозаралар асосан Марказий ва Шарқий Европа (МШЕ) мамлакатларида, Россияда, камроқ даражада эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) аъзо бошқа давлатларнинг ўтиш даври жараёнини таҳлил қилишдан иборат бўлиб қолди. Марказий Осиёдаги беш давлат бу борада энг кам эътибор берилган мамлакатлар жумласидандир. Фақат кейинги пайтлардагина чет

элларда бу мамлакатлар ҳақида ҳам баъзи нашрлар пайдо бўлди, лекин уларнинг тажрибасини яна ҳам чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамон долзарб бўлиб турибди.

Иқтисодий ўсиш, айниқса, собиқ Иттифоқ республикалари орасида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 2001 йилда 1991 йил даражасидан ошиб, 103 фоизга кўпайиши негизидаги омилларни ўрганиш - ўтиш иқтисодиётига асосланган мамлакатлар учун назарий ва амалий жиҳатдан баъзи янги сабоқларни бериши мумкин. С.Фешер ва Р. Сахей фикрларига кўра, Ўзбекистон 26 собиқ социалистик мамлакатлар ичида «ЯИМ ўсишига ўтиш даври тамойилларининг стандарт тавсияларини тўлиқ қабул қилмаган ҳолда эришган икки давлатнинг биридир». Халқаро валюта фонди (ХВФ) экспертлари Ўзбекистондаги «иқтисодий ўсиш жумбоғи» ни ечишга бир неча бор уриниб кўришди. Лекин бу уринишлар, асосан, неоклассик монитаризм ғоялари нуқтаи назаридан олиб борилди. Бу борадаги бир томонлама чекланганликни бартараф этиш учун эса ана шу жумбоққа баҳо беришда бошқа бир назарий-услубий ёндашиш ҳам талаб этилади.

Ўтиш даври ҳамда иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида иқтисодий ривожланиш омиллари нималардан иборат? Айни бир хил ислоҳотлар мажмуи ўтиш давридаги турли мамлакатларда нима учун турлича натижа бермоқда? Ўзбекистон иқтисодий модели ва тажрибаси ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий сиёсат борасида нима учун «ўтиш даври жумбоғи» даражасида ўрганилмоқда?

Ана шу саволларга жавоб беришдан олдин ҳар бир мамлакатда тизимлар трансформацияси ва дастлабки шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг тадрижий сабоқларини ҳар томонлама ва чуқурроқ ўрганиш талаб этилади. Ана шундагина амалга ошириладиган сиёсат бошқа бир вазиятда бошқача натижаларга олиб келиши мумкин бўлармиди, деган саволга жавоб бериш имкони бўлади. ЯИМ ўсишига катта таъсир қилган эркинлаштириш ва макроиқтисодий барқарорлик жараёнлари билан бирга дастлабки шарт-шароитларни ҳам ҳисобга олиш ўтиш даври мамлакатларига нисбатан ўтган асрнинг 90-йиллари иккинчи ярмида қўлланила бошланди. Фақат яқиндагина, ХВФ ва Жаҳон банки ҳисоботларида ва нашрларида [de Melo, Denrzer, Geld ва Tenev (1997 й); Wolf (1997 й);Havrrllrshrn, Гzvorskr ва van Ruden (1998 й.); oeck ва Kostral (1998 й.); Zetelmeyer (1998 й); Taube ва Zetelmeyer (1998 й)] амалга оширилаётган ислоҳотларда дастлабки шарт-шароитларнинг иқтисодиёт юксалишига таъсири бирмунча таҳлил қилина бошланди.

Лекин шунга қарамай, тизимлар трансформацияси жараёнида *маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичларини белгиловчи* омил сифатида дастлабки шарт-шароитнинг мутлақ ва нисбий аҳамиятига оид масала хусусида баҳс-мунозаралар давом этмоқда ва бу масалани янада чуқурроқ ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда. Бу борада фақат рақамлар билан кифояланиш етарли *эмас. Зеро, биргина миқдорий кўрсаткичлар орқали мунозарани* ҳал этиб бўлмайди.

Бироқ таъкидлаб ўтиш жоизки, Марказий Осий мамлакатларида иқтисодий тизимларни қайта шакллантириш ҳамда бу мамлакатларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнларини қиёсий тадқиқ ва таҳлил қилишда минтақанинг ўзида ва ундан ташқарида тўпланган тажриба етарлича ўрганилмаган.

Марказий Осиё давлатлари миллий бозорларининг институционал ва таркибий тайёрлиги, шунингдек, банк-молия тизимининг ривож топган институтлари етарли эмаслиги; экспортга йўналтирилган рақобатбардош қайта ишлов саноатининг маҳсулоти камлиги; ушбу мамлакатларнинг олдинги тизимдан мерос қолган ва ишлаб чиқариш кучлари технологик жиҳатдан жаҳон андозаларидан орқада қолган иқтисодининг таркиби; ташқи савдо, валюта сиёсати ва ташқи қарз муаммолари етарли даражада эътиборга олинмаган.

10.2. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари

Иқтисодий жараёнларда трансформация жараёнларининг таҳлилига етарли институционал эволюцион нуқтаи назардан ёндашилмаган. Ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатлардаги иқтисодий сиёсатни, кўпчилик чет эллик муаллифларнинг ҳам назарий, ҳам амалий тадқиқотларида кузатиш мумкин. Жараёнларда макроиқтисодий эркинлаштириш ва барқарорлаштиришнинг тайёр қолипларига ортиқча ургу берилиши, шунингдек, иқтисодиётда ўтиш даврини бошидан кечираётган, алоҳида олинган ҳар бир мамлакатда мавжуд бўлган хос шароитларни атрофлича ҳисобга олмасликни кузатиш мумкин. Бундан ташқари, бу жараёнда иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли стратегик ва истиқболли вазифаларини етарлича баҳолай олмаслик ва устуворлик қисқа муддатли вазифаларга берилганлиги сезилади.

Ўтиш даврининг дастлабки ўн йиллиги тизимларни қайта ташкил этиш, яъни марказлаштирилган тарзда режалаштиришга

асосланган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишга қаратилган ислоҳотларга амалда анча мураккаб ҳамда тассавуримиздагига нисбатан узоқроқ давом этадиган жараён эканлигини кўрсатди. Иқтисодий сиёсат борасидаги етакчи хорижий тадқиқотларчининг ўтиш даврига оид турли муаммоларга бағишланган тадқиқотларида ҳамон бир қатор масалалар ўз ечимини топганича йўқ. Фикр-мулоҳазалар турлича бўлиши ва сиёсий иқтисодга ёки эконометрик таҳлилларга асосланганликдан қатъи назар, улар бу мамлакатлар тавсия қилган иқтисодий сиёсатни етарли даражада амалга оширмаганлари учун тизимлардаги ўзгаришлар жараёнида жиддийроқ тўсиқларга дуч келганликларини кўрсатишга мўлжалланган.

Услубий нуқтаи назардан «институтцион қопқонлар» ибораси киритилган. Бу ибора ўтиш даврида эволюцион тараққиёт қонунларини етарли эътиборга олмаслик натижасида иқтисодий сиёсат билан мавжуд иқтисодиёт ўртасида юзага келадиган қарама-қаршиликлар оқибатларини изоҳлаш учун қўлланилади. «Институтцион қопқонлар»нинг жудаям қалтис шакллари шу ҳолларда намоён бўладики, унда сиёсий ўзгаришлар ижтимоий ва иқтисодий институтларнинг даражаси ва табиатига мос келмайди, давлат ва халқ янги имкониятлардан керакли даражада фойдаланишга тайёр бўлмайди. Ана шундай ҳолатда кутилган натижалар билан воқеалик ўртасида, харажатлар билан даромадлар, имкониятлар билан мақсадлар ўртасида катта тафовутлар юзага келади.

Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда амал қилинган стратегия ва сиёсат тизимларидаги ўзгаришлар оқибатда мутлақо турлича, баъзи ҳолларда эса тескари натижаларга олиб келиши мумкин бўлди. Шу маънода барча мамлакатлар ўтиш даврининг илк босқичида, гарчи турли даражада ва кўринишларда бўлса ҳам, «қопқонлар»га илинди (юқори ёки гиперинфляция, давлат бюджетидаги юқори дефицит; ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши ва саноат инқирози; камбағаллашувнинг жадаллашиши ва даромаддаги тенгсизлик). Буларнинг кўпларига ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш интизоми барбод бўлганлиги, шунингдек, глобаллашувга хос бўлган «қопқон»лар (ташқи савдода ҳамда молиявий тангликлар, жорий операциялар ҳисобидаги узлуксиз дефицит, капиталнинг четга чиқиб кетиши ва ташқи қарз тобора кўпайиши олдида ожизлик) сабаб бўлди. Ўтиш даври ҳамда глобаллашув «қопқонлар»и, яъни тизимларни қайта шакллантиришдаги «қопқонлар» дастлабки шарт-шароит билан амалга оширилаётган сиёсат ўртасида номувофиқлик кўпроқ содир бўлган давлатларда хатарлироқ эканлиги чуқур очиб берилади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш кўламлари ва унинг ялпи па-

сайиши сабаблари ўтиш даврининг илк босқичларидаёқ намоён бўлади. Булар турли усуллар, шу жумладан, статистикадаги ва услубиётдаги мавжуд хатолар билан ҳам изоҳланади. Бироқ ЯИМ миқдорини ўлчашда қўшимча тарзда яна уч гуруҳ омилларни эътиборга олиш керак. Булар қуйидагилардир:

- бошланғич институционал, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар;
- ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши (собиқ СЭВ) ва парчаланиши;
- давлат назоратининг бекор қилиниши натижасида юзага келган *саросималик ва тизим парчаланишидаги «қопқонлар»* билан боғлиқ бошқа ҳолатлардир.

Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши сабабларини аниқлаш ва тизимли ўзгариш билан боғлиқ бошқа «қопкон»ларни уйғунлаштириш учун танланган ва олиб борилган сиёсатни унинг мавжуд институтционал ва бошқа омиллар билан мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш муҳим ва зарурдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, *иқтисодиёти ўтиш даврида* бўлган мамлакатлардаги ўта қаттиқ макроиқтисодий барқарорлашув ҳам реал ЯИМ ҳажмига салбий таъсир ўтказади.

Шуни таъкидлаш керакки, тўбдан эркинлаштириш сиёсати иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда ишлаб чиқариш ва тўлов балансига салбий таъсир кўрсатди. Тизим ўзгаришлари жараёнида, «очиқ эшиклар иқтисодига анча эҳтиёткорлик билан ёндашган, ташқи ва ўз ички бозорларида юз бераётган ўзгаришларга прагматик тарзда муносабатда бўлган мамлакатлар иқтисодий ўсиш нуқтаи назаридан қаралганда камроқ шикастландилар. Шу билан бир вақтда амалда туб ислоҳотлар ўрин олган ички ва ташқи сиёсат фаолиятини ялпи эркинлаштирган давлатлар кўпроқ даражада зарар кўрди.

24-жадвал

Марказий Осиё мамлакатларида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва инфляция даражаси ҳақида айрим маълумотлар (1991-2001 й.)

Давлатлар номи	Инфляция максимум даражага етган йил	Инфляциянинг максимал даражаси	Барқарорлашув дастурларини ишга тушириш санаси	Инфляция 40% дан пастга тушган йил	Энг кам ЯИМ ишлаб чиқарилган йил	Энг кам ЯИМ 1989 йилга нисбатан, %да
Қозоғистон	1992	2984,1	Январ 1994	1996	1995	35,0
Қирғизистон	1993	1363,0	Май 1993	1996	1995	50,4
Тожикистон	1993	7343,7	Февраль 1995	1994-1998	1996	39,2
Туркманистон	1993	9730,6	Январ 1997	1997	1997	42,0
Ўзбекистон	1994	1281,0	Ноябр 1994	1998	1995	83,4

Туб ислоҳотлар ва инвестицияларнинг камайиши. Капиталнинг четга чиқиб кетиши анча сезиларли бўлди ва баъзи ҳолатларда ташқи молиялаштиришнинг умумий ҳажмидан ҳам ошиб кетди. Ички ва ташқи хусусий инвестициялар бир меъёрда кўпайишини таъминлай олмаган мамлакатларда инвестицияларнинг камайиши айниқса, кўпроқ салбий натижаларга олиб келди. 25-жадвалда ўтиш даври мамлакатларининг турли гуруҳларига оид бир қатор иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Хусусийлаштириш ва капиталнинг четга чиқиб кетиши. Фалаж қилиб даволаш» тарафдорлари илгари сурган учта асосий унсурнинг бири эркинлаштириш ва макроиқтисодий барқарорлик сингари жадал хусусийлаштиришдан иборат эди. Бу, ўз навбатида, тизимларни қайта шакллантиришда жиддий силжишларга олиб келди. Хитой ва Вьетнам тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтиш даврининг бошларида йирик миқёсда хусусийлаштирмасдан туриб ҳам бозор ислоҳотлари соҳасида жиддий ютуқларга эришиш мумкин экан. Туб ислоҳотлар йўлидан борган мамлакатларда ўтиш даврининг дастлабки босқичида молиявий институтларнинг етишмаслиги, хусусийлаштиришдаги «ваучер» шакллар, жамият бойликларини яшириш ва ошкор тарзда эгаллаб олиш ҳамда катта миқдордаги капиталнинг четга чиқиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқариш камайишида муҳим сабаблардан бири бўлди.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичида бюджет сиёсатининг аҳамияти.

Баъзи тадқиқотларда (B.G.Schwartz (1994 й)) иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларда бюджетнинг қисқариши билан маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро яқин алоқадорлик борлиги қайд этилмайди. Ваҳоланки, МШЕ ва МДҲ мамлакатлари, хусусан, Марказий Осиё давлатлари маълумотлари таҳлили натижасида маълум бўлдики, ана шу икки ҳолат бир-бири билан чамбарчас боғланган. Шунингдек, ўтиш даврининг дастлабки босқичида бюджет омилларидан босқичида маҳсулот ишлаб чиқариш кескин камайишига йўл қўйилмаган (масалан, Польша ва Ўзбекистонда).

Молиявий воситачилик ва иқтисодий ўсиш. Schuumpeterybyu (1912 й.) таъкидланишича, иқтисодиётни ривожлантиришда банклар ғоят муҳим аҳамият касб этади, зеро, улар пул омонатларидан фойдаланувчи компанияларни яхши танлай олади. Ушбу фикрга кўра, банк сектори омонатларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатган ҳолда фоизлар ўзгариши орқалигина эмас, балки бошқа йўллар билан ҳам иқтисодиётни ривожлантириш суръатларига самарали туртки бериши мумкин. Шундай қилиб, Шумпетернинг молия ва тараққиёт бўйи-

ча мулоҳазалари унумдорликнинг ўсиши ва технологиянинг ўзгаришига банк фаолияти биринчи навбатда таъсир этади, деган фикрни келтириб чиқаради. Кейинчалик маълум қилинган назарий моделларда ҳам (Dramond [1984й.]), Boyd ва Prescott(1986 й), King ва Levine (1993й), Levine (1997 й)) банклар ва иқтисодий фаоллик ўртасидаги боғлиқлик таъкидлаб ўтилган.

25-жадвал

Иқтисодий ўтиш даврига хос мамлакатлар ва Марказий Осиё давлатларига оид макроиктиодий кўрсаткичлар (1989-2001й.)

Ўтиш даври мамлакатлари (А) тўртта ҳар хил гуруҳ ва (Б) Марказий Осиё	Маҳсулот ишлаб чиқариш	Инвестициялар (ЯИМга нисбатан олди ёки инвестициялар ҳажми)	Инфляция	Монетизация коэфф. Ва (м2/ЯИМ)	Бюджет дефицити
А					
1.МДЧЕ мамлакатлари	-3,1	23	72,8	-18	-4,5
2. Болтиқбўйи мамлакатлари	-28,5	26	120,6	-41	1,8
3.МДҲ мамлакатлари (4-6 бузга киримайди)- 27,4	-27,4	26	384,2	-52	5,7
4.Ҳарбий ҳаракатлар борган МДЧЕ ва собиқ Иттифоқ мамлакатлари	-50,8	22	576,8	-52	-7,0
Б					
Ўзбекистон	4,7	28,5	257,5	-50	5.5
Қирғизистон	-33,1	20,8	163,1	-50	-9,7
Қозоғистон	-26,4	24,3	406,9	-57	4.9
Туркманистон	-34,1	...	584,2	-58	-1,6
Тожикистон (ҳарбий ҳаракатлар ҳисобига олинди)	-51,1	26,4	390,5	-54	-8,8

Ушбу назария амалиётдаги далиллар билан ҳам тасдиқланади: ўтиш даври иқтисодиётидаги барча мамлакатларда ЯИМ нинг пасайиш жараёни молия секторининг қисқариши билан бирга содир бўлди. Натижада шу нарса аён бўлдики, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши қанчалик жадал бўлса, молиявий воситачиликнинг қисқариш даражаси шунчалик юқори бўлади. Ўтиш даври жараёнида молиявий воситачиликнинг пасайиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқаришга бир қанча йўллар орқали таъсир қилиши мумкин. Молиявий воситачиликнинг бўшашиб кетиши маҳсулот ишлаб чиқаришда катта талофат-

ларга сабаб бўлган учта асосий кўринишда содир бўлади. Булар тўлов тизимидаги узилиш, реал сектордаги жамғарма ва амалда инвестиция сифатида ишлатилган маблағлар ўртасидаги фарқ ҳамда банк-кредит секторининг инқирози.

10.3. Ўтиш даврининг дастлабки босқичида Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари

Марказий Осиё республикаларидаги собиқ Иттифоқ парчаланиб кетишидан олдин мавжуд бўлган дастлабки шарт-шароитни, шунингдек, ишлаб чиқариш омиллари билан бирга нисбий иқтисодий афзалликларни ҳамда мавжуд бўлган тараққиёт муаммоларини ўрганиш шундан далолат беради ки, Марказий Осиёдаги мамлакатларда аҳвол турлича бўлган. Бир томондан, инвестицияларнинг камлиги ҳамда тугал ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизими бузилганлиги, бунинг оқибатида эса ижтимоий-иқтисодий тараққиётга муайян даражада путур етганлиги кўзга ташланади. Иккинчи томондан эса, хусусий тадбиркорликка юқори даражада мойиллиги бўлган малакали аҳолининг мавжудлиги, табиий бойликлар, кўп меҳнат талаб қилинадиган ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги аҳолисининг нисбатан катта улуши, шунингдек, жаҳон бозорига чиқиши мумкин бўлган товарлари борлигидир. Бироқ синчиклаб ўрганиш натижасида шу нарса аниқландики, Марказий Осиё давлатларининг ҳар бири учун бу ҳолат турлича аҳамият касб этади.

Аҳоли ва меҳнат. Минтақа юқори малакали ва маданиятга бой бўлган кўп миллатли аҳолига эга. Лекин шу билан бирга, аҳолининг тез ўсиши (асосан балоғатга етмаган болалар сонининг ўсиши) бошқа жойларга кўчиб кетиш ҳисобига саноатда, айниқса, унинг юксак технологик тармоқларида ишчи кучининг камайиб кетишини тўла қоплай олмай қолди. Оқибатда ноҳуш вазият рўй берди: меҳнатга яроқли аҳоли тўлиб-тошган ҳамда қишлоқ жойларида ва кичик шаҳарчаларда янги иш ўринларига талаб катта бўлган бир пайтда замонавий саноат тармоқларида ишчи кучи етишмай қолди.

Табиий бойликлар ва атроф-муҳит. Марказий Осиё ўзининг табиий бойликлари, айниқса, нефть, газ, рангли ва қимматбаҳо маъданлари, хусусан, олтини билан ажралиб туради. Бироқ ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг аксарият қисми минтақадан жаҳон бозоридаги нархлардан анча паст даражада олиб чиқиб кетилган. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Жанубий Қозоғистон колхоз ва савхозлари, асосан пахтачилик билан шуғулланган. Сув ресурсларининг ҳаддан ташқари катта қисми пахтачиликка ишлатилган. Натижада Орол денгизи фожиасига — XX асрнинг энг катта экологик инқирозлардан бирига йўл қўйилган.

Инвестициялар, ишлаб чиқариш ва истеъмол. Собиқ Иттифоқ ҳукмронлик қилган давр мобайнида барча Марказий Осиёнинг барча республикаларида, амалдаги инвестициялар ҳиссаси мамлакат бўйича ҳисобланганда анча юқори бўлган (Қозоғистон бундан мустасно). Бинобарин, бу республикаларнинг ўша даврдаги қолоқлигига асосий сабаблардан бири ҳам шу эди. Бунга, албатта, Марказий Осиёнинг табиий бойликлар ва қишлоқ хўжалик хомашёлари базасига айлантириш стратегияси ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди. Савдо-сотиқ ва маиший хизматни қўшиб ҳисобланганда учинчи сектор — хизмат кўрсатиш соҳаси ғоят мужмал тарзда ташкил этилганлиги яширин иқтисодиётнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бироқ тадбиркорлик соҳасидаги фаолият ишлаб чиқаришда, ишчи ўринлари ва даромадда мавжуд бўлган катта тафовутларни йўққа чиқара олмади. Бунинг оқибатида ижтимоий-иқтисодий қолоқлик юзага келди, аҳоли жон бошига ҳисобланганда маҳсулот ишлаб чиқариш, даромадларни тақсимлаш, турмуш даражаси ва сифати жиҳатидан улар собиқ Иттифоқдаги барча республикалар ичида энг паст ўринга тушиб қолди.

Собиқ Иттифоқда миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизими, хомашё нархлари билан тайёр товарлар нархи ўртасидаги номутаносиблик, товар айланмаси билан субсидиялар, солиқларнинг турли-туманлиги, шунингдек, олинган фойданинг нотўғри тақсимланиши натижасида кўп жиҳатдан вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўлди. Айни бир пайтда, маъмурий-буйруқбозлик тизими туфайли иттифоқдош республикалар ташқи дунё билан алоқалари чекланганлиги сабабли бир-бирига қаттиқ боғланиб қолди. Уларнинг ҳажми ва ресурслар билан таъминланганлигидан қатъи назар МДҲдаги барча давлатлар, шу жумладан, Россия ҳам катта йўқотишларга учради. Улар маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мутлақо бошқача муносабатли янги жамиятга аста-секинлик билан ўтишга ноқобил эдилар.

Собиқ Иттифоқ давридаги Марказий Осиё республикалари ривожланишда эришган муваффақиятларини инкор этмайди, бу бобдаги таҳлил бошланғич шароитларини, уларнинг қиёсий афзалликларини нуқтаи назаридан мустақил ривожланишлари ва тўпланиб қолган муаммоларни янгидан баҳолашга ўринишдан иборат.

Собиқ Иттифоқ таназзули 15 республиканинг барчасида ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг, катта тушкунлик ва чуқур иқтисодий тангликнинг асосий сабабларидан бири бўлиши шубҳасиз эди. Собиқ Иттифоқ емирилишининг Марказий Осиё республикаларига зарбаси улар «субсидияланувчи» бўлганликлари учунгина эмас, асосан иқтисодий жиҳатдан бир-бирларига ҳаддан зиёд мутеликлари туфайли жуда сезиларли бўлди. Чунки, тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тартиби 1970-йиллардан бошлаб Туркманистон, Ўзбекистон ёки Қозоғистоннинг фойдасига эмасди. Бироқ шакл-

данган алоқаларнинг узилиши мазкур мамлакатларда ҳам оғир оқибатлар келтириб чиқаради. Масалан, собиқ Иттифоқнинг парчаланиши туфайли савдо айирбошлашнинг кескин бузилиши ва молиявий операцияларининг издан чиқиши республикалар сиёсий мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодий вазиятни сезиларли даражада ёмонлаштирди.

Ўтказилган тадқиқотлар давлатлар ўз мустақилликларига эришганларидан сўнг юз берган иқтисодий жараёнларни, шу жумладан, инқироз ва унинг вақти, чуқурлигини яхшироқ тушунишга ва бу инқироздан қандай чиқиш йўлларини белгилашга ёрдам беради. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ислоҳот стратегияси бозор ислоҳотларнинг ва глобал иқтисодиёт уйғунлашувининг босқичма-босқичлиги асосида нисбий мавжуд имтиёзлардан юқори даражада фойдаланиш учун ҳар бир муайян мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши зарур эди.

10.4. Қайта туб ўзгаришлар стратегияси

Умумий вазиятларга қарамай, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда собиқ Иттифоқ таркибида бўлган давлатлар турлича имкониятга эга эди. Бу ўтиш даври муаммоларини ҳал этишни ва ягона жаҳон иқтисодиётига уйғунлашишни қийинлаштирди. Бироқ, уларнинг барчасига янги муаммоларни, радикал ўзгаришларни асосан монитар усуллар ёрдамида ҳал этиш тавсия этилган эди. Бу йўл неолиберал назарияга асосланган. Бундай ёндашишнинг моҳиятини қисқача тарзда А.Шляйфер (АҚШ) қуйидагича ифодалаганди: «Эркинлаштириш ҳукуматнинг нарх-наво устидан назоратини бартараф этади, барқарорлаштириш ҳукуматга анча кескин бюджет чекловларини юклайди, хусусийлаштириш эса ҳукуматни тўғридан-тўғри назоратдан маҳрум этади».

Тизимларни қайта шакллантиришнинг дастлабки ўн йиллик тажрибаси, айниқса, МДҲ даги кўпчилик мамлакатлар тажрибаси ҳам ўта либерал «larsser-farre» тамойилига асосланган сиёсий ўтиш даврида улар учун энг мақбул йўл бўлганлигидан далолат беради. Узоқ муддатли ривожланиш мақсадларига зарар етказмаган ҳолда ўтиш даври чиқимларини минималлаштириш учун қандай стратегия зарур? Асосий вазифалардан бири— тизим ўзгаришларининг энг мақбул стратегиясини танлаш ва амалга ошира оладиган давлат барпо этилиши лозимлиги кўрсатилади. Кучли ва самарали саноатлаштириш сиёсати бозор иқтисодиётининг зарурий компонентларидан бири бўлиши зарур. Босқичма-босқич ўтиш стратегиясини амалга оширишга қодир бўлган давлатнинг тутган ўрнини аниқлаш йўли билан институтционал эволюцион иқтисодиёт назариясига тегишли ҳисса қўшишга ҳаракат қилинди.

«Тартибга солишга барҳам бериш» («de-regulatron») га қара-

ма-қарши давлат ёрдамида институтлаштириш сиёсати. МДҲ мамлакатларида амалга оширилган тизимларни қайта шакллантириш жараёни бир пайтлари бир бутун бўлган давлатда мувофиқлаштириш билан шуғулланувчи мавжуд институтларга тезда барҳам бериш оқибатида юзага келган қийинчиликлар билан бевосита боғлиқ. Чунки, қисқа вақт ичида фақат монитаристик усулларга таянган ҳолда мувофиқлаштирувнинг янги, бозор шароитига мосланган шакл-шамойилларини ишлаб чиқишнинг иложи йўқ эди. Жамиятнинг яратувчилик куч-қудрати, биринчидан, бошқарув сифатига, яъни ҳукумат амалга оширилаётган ислоҳотлар борасида аниқ вазифаларни қанчалик оқилона қўя билиши ва буларни қанчалик самарали бажара олишига боғлиқ. Иккинчидан, жамият аъзолари ижтимоий ўзгаришларга қанчалик тайёр эканлиги, шунингдек, ислоҳотларни халқ қанчалик қизғин қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эга. Ислоҳотлар стратегияси умумий сиёсий, иқтисодий ва институтционал ҳозирликларга (шу жумладан, ижтимоий капиталга) қай даражада мос тушиши бу ислоҳотларни амалга оширишда муваффақият гаровидир.

Давлат ва индустриал сиёсат тартибга солишдан батамом ва ялпи воз кечишнинг муқобил жамоат мулкчилигига асосланган ва ҳаддан ташқари марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш борасида ўзгаришларни изчил равишда, секин-аста амалга оширишдан иборат. Бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш бошқа иқтисодий институтларни юзага келтириш ҳамда ўтиш даврида изчил ва босқичли стратегияни тўла амалга оширишни тақозо этади.

Ўтиш даврида ислоҳотларнинг, саноат соҳасидаги сиёсатнинг халқаро кўламда синалган тажрибасини қўллаш тақозо этилади. Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан сўнг саноат соҳасидаги сиёсат Японияда, кейинчалик эса Шарқий Осиё мамлакатларининг кўпчилигида янги самаралар берди. Бир неча ўн йилликлар давомида иқтисодий юксалишдаги юқори суръатлар ва барқарорлик борасида эришилган натижалар кутилмаган даражада ижобий бўлдики, оқибатда 1990 йилларнинг бошларида бу ҳолатни «Шарқий Осиё мўъжизаси» деб баҳолашди. 1960 ва 1985 йиллар орасида *аҳоли жон бошига ҳисобланган даромад Япония ва «тўрт* йўлбарс» мамлакатларида тўрт карра, Жануби - Шарқий Осиёдаги янги индустриал давлатларида эса икки ҳиссадан зиёдга кўпайди. Айни бир пайтда ижтимоий омонатлар саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам иқтисодиётнинг устувор секторларига инвестициялаш учун ишлатилди, ҳомийлик эса бу тармоқларни қайта тиклаш, уларнинг фаолиятини экспортга қаратиб, халқаро майдонда рақобатбардошлигини ошириш имконини берди.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳам ўтиш даврининг бошларидаёқ саноат соҳасидаги сиёсатнинг баъзи унсурларидан фойда-

ланиш мумкин эди. Масалан, таклифнинг камайиб кетишига, кучайиб борган кредит етишмаслигига ва импортни эркинлаштиришга қарши «зарур» чора-тадбирлар кўриш лозим эди. Чунки булар оқибатда таклиф томонида «фалаж ҳолатлар рўй беришига», корхоналарнинг ёпилиши, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланмаслик, инсон капиталининг малака йўқотишига олиб келди. Натижада бундай салбий оқибатларни макроиқтисодий барқарорлик сиёсати доирасида фақат бозор рағбатлари йўли билан тугатиш имкони бўлмади.

Маълум бир пайтда бундай сиёсат бюджетдан катта сарф-харажатлар қилишни ҳамда дефицитли молиялаштиришни талаб этар эди. Умумий инвестицияларнинг кўпайиши эса, маълум миқдорда пул-кредитнинг кириб келишига сабаб бўлди.

Иқтисодиётдаги «мўъжиза»нинг асосий сабоғи шундан иборатки, қаттиққўллик билан амалга ошириладиган фискал ва монитар сиёсат оқилона бўлиши лозим, акс ҳолда мавжуд иқтисодиёт издан чиқиши ва иқтисодий ривожланиш имкониятларига путур етиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, бу сиёсат сунъий қопқонларга ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бетартиб камайишига сабабчи бўлмаслиги керак. Шунга кўра, ҳатто эътироф этилган барқарорлаштириш дастурлари ҳам кутилаётган инфляция даражаси ва бюджетдаги дефицит масаласида эҳтиёт бўлиши, мамлакатнинг муайян эҳтиёжларини ҳисобга олиши лозим.

Постсоциалистик давлатнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу давлат жамият ва иқтисодиётдаги тўла ҳукмронлигидан воз кечиб, ўз вазифаларини давлат ва бозор ўртасида адолатли тарзда, демократик йўл билан қайта тақсимлашга ўтганини ифода қилади. Бунинг учун эса, бозор муносабатларини жорий қилиш ҳамда иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш; давлат сиёсатидаги муваффақиятсизликларни бозор шароитидаги янги усуллар ҳисобига тугатиш; бир томондан эса, ўтиш даври жараёнида юзага келадиган бозор тақчилликлари ва инқирозларининг кўпайишини давлат орқали жиловлаб туриш талаб этилади. Собиқ Иттифоқ ҳудудида бундай давлатни барпо этиш ҳазилакам иш эмас эди, чунки, ҳаммасини бошдан бошлаш талаб этиларди.

Янги мустақил давлатларда ҳамда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида амалга оширилган ислоҳотлар ютуғини: хусусий секторнинг ривожланиши (катта ва кичик корхоналарни хусусийлаштириш, корхоналардаги таркибий ўзгаришлар); бозорлар ва савдо (нархларни эркинлаштириш, савдо ва валюта тизимлари, рақобатчилик сиёсати); молия муассасалари (банк соҳасида ислоҳот ва фоиз ставкасини эркинлаштириш, қимматли қоғозлар бозорлари ва банкларга қарамайдиган молиявий институтлар) берган натижалар орқали киёслаб кўриш мумкин. Бу таққослар, албатта, муҳим ва зарур, лекин етарли эмас. Бу борада яна бир ўлчов - те-

гишли институтларга эга бўлган давлатни қандай барпо этиш ўлчови ҳам талаб қилинади.

Бозор институтларининг аҳамияти ошиб борган бир ҳолда давлат томонидан тартибга солишнинг жорий этилиши ҳамда янги индустриал мамлакатлар даражасига етиб олиш келажакда янада етук ва эркин бозор иқтисодиётига ўтишда муҳим омил бўлиши лозим. Бироқ Марказий Осиё мамлакатларида ана шу даражага етишиш ҳамда ўтиш даври муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, ривожланишга эришиш учун, энг аввало, давлат ва унинг иқтисодий воситалари кучайтирилиши, қайта қурилиши лозим. Энг асосий вазифа – давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш воситаларига путур етказмасдан, унинг маъмурий-буйруқбозлик, марказдан режалаштириш сиёсатидан воз кечиб, бозор шароитига мослашиб, иқтисодиётни керакли даражада бошқара оладиган тузилмага айлантиришдан иборат. Давлатнинг фаол аралашиш сиёсати реал секторларни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ҳам, иқтисодий ўсишга кўмаклашиш нуқтаи назаридан ҳам анча тўғри бўлиб чиқди (26-жадвал).

26-жадвал

Марказий осиё мамлакатлари ҳамда Марказий ва Шарқий Европадаги баъзи давлатларда ишлаб чиқариш камайишининг давомийлиги ва даражаси (1990-2001 йиллар)

Давлатлар	ЯИМнинг камайиши		Саноатда ишлаб чиқаришнинг камайиши	
	давомийлик (йиллар)	камайиш (даражасигача)	давомийлик (йиллар)	камайиш (даражасигача)
Марказий Осиё				
Қозоғистон	8(1990-95,98,99)	1960 йиллар охири	6(1990-1995)	1970 йиллар боши
Қирғизистон	6(1991-95,99)	1970 йиллар боши	6(1990-1995)	1960 йиллар боши
Тожикистон	7(1990-1996)	1950 йиллар охири	7(1991-1997)	1960 йиллар боши
Туркманистон	7(1991-1997)	1960 йиллар боши	6(1992-1997)	1970 йиллар боши
Ўзбекистон	5(1991-1995)	1980 йиллар боши	1(1992)	1988 йил
МШЕ (танлаб олинган)				
Болгария	6(1990-93,96,97)	1970 йиллар охири	5(1990-93,96)	1970 йиллар ўртаси
Чехия Республикаси	5(1990-92,98,99)	1970 йиллар охири	4(1990-93)	1970 йиллар ўртаси
Венгрия	4(1990-1993)	1970 йиллар охири	4(1990-93)	1970 йиллар ўртаси
Польша	2(1990-1991)	1980 йиллар ўртаси	3(1990-1992)	1970 йиллар ўртаси
Словакия	4(1990-1993)	1970 йиллар охири	5(1990-1994)	1970 йиллар охири

Индустриаллаштиришга қарши сиёсат («de-industrialrsatron») ўрнига фаол индустриал сиёсат. «Де - индустриаллаштириш» гояси ўтиш даврида саноати ривожланган мамлакатларда марказдан режалаштиришга асосланган иқтисодиётдаги номутаносибликка барҳам берадиган мантиқий ва объектив жараён сифатида «фалаж қилиб даволаш» тарафдорлари томонидан илгари сурилди. Бироқ Марказий Осиё мамлакатларининг аксариятида саноат етарли даражада ривожланмаган, қишлоқ хўжалиги анча устувор бўлганлиги учун саноатсизлаштиришга унчалик ҳожат йўқ эди. Марказий Осиё мамлакатларида кун тартибидаги асосий масала саноатнинг янги тармоқларини барпо этиш ва мавжудларини замонавийлаштириш асосида саноатни тезкор суръатлар билан ривожлантиришдан иборат эди. Шунга қарамай, Ўзбекистондан ташқари Марказий Осиёдаги ҳамма давлатларида «де-индустрлаштириш» сиёсати фаол амалга оширилди. Ўзбекистонда мавжуд бўлган саноат тармоқларининг керакли миқдорда сақланиб қолиши ва янгилари барпо этилиши асосида иқтисодиётни янада саноатлаштиришга ўтиш стратегияси жуда ҳам муҳим натижаларга олиб келди. Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг биринчи йилиданоқ иқтисодиётда мавжуд секторларни ривожлантиришга урғу берди.

Ўтиш даври стратегияси ва индустриал сиёсат. 15 та янги, мустақил давлат орасида Ўзбекистонда маҳсулот ишлаб чиқаришдаги камайиш узоқ давом этмаганлиги ва даражаси унчалик юқори бўлмаганлиги ҳамда ўтиш давридаги 26 давлат, айниқса, МДҲ мамлакатлари ичида саноат ривожида юқори суръатли тикланиши билан ажралиб туради (27-жадвал). Ушбу ижобий кўрсаткичлар кўп жиҳатдан давлатнинг амалга оширилаётган стратегияси ва саноатдаги фаол сиёсати натижасидир. Давлат томонидан тўғри танланган сиёсат дастлабки шарт-шароит ва иқтисод таркибидаги бирмунча афзалликлардан фойдаланиш учун янги омиллар бўлди.

27-жадвал

Марказий Осиё давлатларида саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичлари (1992-2000 йиллар)

	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
Қозоғистон	86	73	53	48	49	51	49	51	58
Қирғизистон	74	55	40	33	34	47	50	48	51
Тожикистон	76	70	52	45	34	34	36	38	42
Туркманистон	85	89	67	61	73	57	58	-	-
Ўзбекистон	93	97	98	98	100.9	105	109	115	122.4
МДҲ ўртача	82	72	56	52	50	52	51	54	60

Манба: МДҲ мамлакатларининг саноати. МДҲ давлатлараро статистика кумитаси, Москва, 1999 й., МДҲ 1999 йилда қисқача статистик тўплам. МДҲ давлатлараро статистика қўмитаси, Москва, 2001.

Бу ўтиш даврининг бошланишидаёқ баъзи катта корхоналарнинг, айниқса, йирик саноат корхоналарининг барча чекланишларини шошма-шошарлик билан ва бирданига олиб ташламай, кредит ва субсидиялар билан маълум даражада қўллаб-қувватлашни тақозо этди.

«Ўзбекистон аввал бошданоқ янада кескин равишда таркибий ўзгаришларни қайд этганда тўғри иш қилган бўлар эди», деган фикрга қўшилиш қийин. Тузилмаларни шошилинч ислоҳ қилиш яхши иқтисодий ўсиш билан тугалланиши кўрсатувчи далиллар собиқ Иттифоқ ҳудудида ҳам, Марказий - Шарқий Европа мамлакатларида ҳам йўқ. Шарқий Осиё мамлакатларининг тажрибаси ислоҳотчи давлатнинг мавжудлиги иккинчи жаҳон урушидан кейинги таназзулни енгишда ҳам, бутун иқтисодий «юксалиш» даврида ҳам (камида 30-40 йил мобайнида) зарурий омил эканлигини исботлади.

Бу тажрибадан чиқариладиган асосий сабоқ қуйидаги тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади:

- импорт ўрнини қоплашнинг етарли даражасини сақлаган ҳолда саноат ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналишини кучайтириш;

- ўз даромадлари, жумладан, эркин алмаштириладиган валюта даромадлари ҳисобидан саноат секторида инвестиция эҳтиёжига қаратилган сиёсатни ўтказиш;

- саноатнинг асосий тармоқларини, қайта ва қўшма лойиҳалар ҳамда корхоналар асосида янги қувватларни ва инфратузилмаларни барпо этиш мақсадида бевосита хорижий инвестициялар учун очиқ тадбиркорлик муҳитини яратиш;

- кўп маблағлар талаб қиладиган лойиҳаларни рағбатлантириш ўрнига кўп меҳнат талаб қиладиган кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш мақсадида миллий инвесторлар учун нисбатан кўпроқ имкониятлар яратиш.

Бу ўзгаришларни амалга ошириш учун хусусий секторни ривожлантириш сари янги қадамлар қўйилиши лозим. Қудратли хусусий сектор бўлмаса, турли тадбиркорлик ҳаракатлари қўллаб-қувватланмаса, давлат ўтказадиган ўзгаришлар ва самарли саноат сиёсати ҳам, барқарор иқтисодий ривожланиш ҳам бўлмайди, халқ турмуш даражаси ҳам яхшиланмайди.

Қисқача хулосалар

Марказий Осиё мустақил давлатларининг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси ўтиш даврининг устувор вазифаларилан биридир.

Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий асосларини яратиш лозим.

Ўтиш даврининг дастлабки босқичида Марказий Осиё давлатларининг глобаллашуви трансформация даражасини белгилайди.

Тизимларни қайта шакллантириш қайта туб ўзгаришлар стратегиясига боғлиқ.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Трансформация нима? Унга умумий тавсиф беринг.
2. Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари нималарга асосланади?
3. Ўтиш даврининг дастлабки босқичида Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари нималардан иборат?
4. Қайта туб ўзгаришлар стратегияси нималарни кўзда тутади?
5. Молиявий воситачилик ва иқтисодий ўсиш нима?
6. Давлат ва индустириал сиёсатнинг ўзаро алоқаси нимага боғлиқ?

Асосий адабиётлар

1. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Тексты лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.

2. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная экономика. Теория и политика. – М.: МГУ, 1997.

3. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: «Узбекистон», 1996.

4. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. / Пер. с анг. 2-е издание. – М.: Депо ЛТД, 1993.

5. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. Радаева В.В. и Бузгалова А.В. – М., МГУ, 1995.

XI боб

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТГА ҚЎШИЛИШ СИЁСАТИ

11.1. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати

Собиқ Иттифоқ тарқалгач, Марказий Осиёдаги беш давлат – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар учун минтақа ва жаҳон миқёсидаги интеграцияга очиқ бўлишга интилди.

28-жадвал маълумотлардан фойдаланиб, 1991-2000 йиллар МДҲ мамлакатлари ва жаҳоннинг бошқа мамлакатлари билан олиб борилган савдо-сотиқ ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Бунда мустақил тараққиёт йўллари ва тизимни қайта кўриш мобайнида савдо фаоллиги даражасининг сусайиш сабабларини ўрганиш жоиз.

Иттифоқ даврида ҳам, у тарқалгандан кейин ҳам ташқи савдо Марказий Осиё мамлакатларида муҳим аҳамиятга эга бўлган. Уларда экспорт ва импортнинг ялпи миллий маҳсулотга нисбати ўртача МДҲ дагига ўртача кўрсаткичдан анча юқорироқ эди.

Ташқи савдо айланмаси нуқтаи назардан мустақил давлатларда учта босқични ажратиб кўрсатиш мумкин:

– биринчи босқич (1991 йилдан 1994 йилгача) собиқ Иттифоқнинг парчаланиш ҳамда ўзаро савдо ҳажми ва улушининг кескин камайиши бартараф этилиши билан боғлиқ;

– иккинчи босқич (1995 йилдан 1998 йил 18 августгача), анъанавий савдо шериклари билан оқилона муносабатни сақлаб туриш ва дунёнинг қолган қисми билан алоқаларни кучайтиришни давом эттириш йўлидаги турли уринишлардан иборат;

– учинчи босқич (1998 йил 18 августдан 2001 йилгача) жаҳон иқтисодиёти ва Шарқий Осиё молиявий инқирозларининг салбий таъсири билан боғлиқ. Уларнинг таъсири Россия пул бирлигининг девалвация қилиниши туфайли анча кучайди ва анъанавий бозорларда Марказий Осиёда ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлик даражасига ҳам таъсир этди.

Уч даврда ҳам Марказий Осиё давлатлари ўз ташқи савдоларининг жуғрофияси ва товар таркибига оид қийинчиликларга дуч келди, бу эса, умумий ташқи савдога салбий таъсир қилди.

Жаҳондаги ва минтақавий доирадаги сўнгги инқирозлар Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг импортига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, ташқи савдонинг умумий ҳажмини 1998 йилги нархларда кейинги ўн йилликдаги энг паст даражага келтириб

қўйди. Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар билан рўйхатга олинган савдонинг кескин камайиши бундай таназзулнинг бош омили бўлди. Бу савдо ҳажми саккиз йил олдингидан деярли саккиз баровар камайди.

28-жадвал

Марказий Осиё давлатлари экспорти ва импорти умумий ҳажмида МДҲ мамлакатларининг экспорт ва импорт улуши (1991-2000 йиллар, % ҳисобида)

Давлатлар	Қозоғистон		Қирғизистон		Тожикистон		Туркманистон		Ўзбекистон	
йил	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.	Экс.	Имп.
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги										
1991	90,7	85,99	97,2	80,0	76,7	81,8	94,7	78,7	84,1	82,3
1992	87,6	4,390	93,7	96,2	80,3	89,5	80,2	84,9	82,5	85,5
1993	83,6	261,1	65,5	91,3	52,6	61,9	70,1	78,3	73,7	81,3
1994	58,0	69,0	87,9	66,1	18,8	42,6	77,0	46,7	62,1	53,8
1995	52,9	69,6	65,8	67,7	33,6	59,0	49,4	54,6	39,3	40,7
1996	55,7	53,9	77,8	58,1	43,0	57,3	67,5	29,6	21,1	32,2
1997	46,0	54,0	52,8	61,4	36,6	64,3	60,1	55,0	31,0	27,0
1998	40,0	47,0	44,9	52,3	34,0	62,7	25,6	47,0	24,6	28,0
1999	26,0	43,0	40,0	43,0	46,0	78,0	41,4	33,6	30,1	26,4
2000	27,0	55,0	42,0	53,0	49,0	83,0	52,5	38,0	53,2	38,5
Россия										
1991	53,4	70,4	42,9	39,0	44,7	34,1	46,1	38,7	55,7	54,7
1992	65,4	60,8	37,2	61,2	39,2	40,8	16,2	53,1	44,1	56,5
1993	57,3	64,0	36,8	44,7	16,4	32,5	7,1	13,1	57,0	48,4
1994	44,5	36,3	17,2	21,9	30,0	15,2	13,2	10,5	26,7	28,4
1995	42,3	45,0	25,6	21,9	34,1	31,0	6,8	7,0	22,5	26,2
1996	44,3	55,0	26,6	20,8	28,3	29,8	10,6	11,8	11,6	18,8
1997	33,9	46,0	16,4	26,9	8,5	15,3	7,5	13,4	14,9	16,0
1998	28,9	39,4	16,3	24,3	8,1	14,1	4,9	13,1	12,8	15,6
1999	37,8	36,7	15,6	18,2	16,8	13,9	4,0	11,0	13,0	13,8
2000	33,5	48,7	12,9	24,0	33,0	15,6	41,1	14,3	28,3	14,3
Марказий Осиё давлатлари										
1991	12,6	10,5	30,7	29,6	13,1	30,4	29,9	7,9	10,4	17,5
1992	11,9	9,9	33,4	23,4	24,8	32,1	27,8	21,6	27,7	22,2
1993	10,7	17,5	-	-	-	-	16,2	-	-	-
1994	6,4	27,0	43,9	42,1	7,4	28,6	21,2	7,0	28,3	17,5
1995	6,5	14,6	35,9	43,0	21,2	41,8	8,6	4,8	16,9	10,1
1996	6,3	7,6	46,4	34,8	30,5	42,6	17,9	2,4	7,5	8,0
1997	5,0	3,7	33,2	31,7	28,4	45,0	12,9	15,2	10,2	6,6
1998	6,4	3,9	25,9	24,3	26,0	51,4	11,0	7,7	9,7	6,3
1999	3,3	3,7	22,9	22,4	27,5	39,5	6,2	5,1	11,3	7,0
2000	2,8	3,1	26,3	27,6	14,3	45,2	6,6	3,7	15,8	17,3

Изоҳ: «МДҲга доир 1991 йилги маълумотлар собиқ Иттифоқ бўйича кўрсаткичларида (Болтиқбўйи давлатлари - Литва, Латвия, Эстония кўрсаткичларисиз) 1991-1993 йилларга доир маълумотлар реал алмашув курси бўйича ҳисобланган.

Ўша йилларда бу мамлакатларнинг жаҳондаги (МДҲ дан ташқари) мамлакатлар билан ташқи савдодаги нисбий улуши ошди. Кучли таназзул натижасида 1991-1995 йилларда Марказий Осиё давлатларининг умумий савдо ҳажмида анъанавий савдонинг улуши олис хорижий мамлакатлар билан бўлган савдо улушига тенглашди. Шундан кейинги йилларда собиқ Иттифоқ давлатлари билан савдо улуши жаҳоннинг бошқа қисми билан савдо улушидан ҳам пасайди ва уларнинг ўртасидаги тафовут камайди. Ташқи савдонинг ушбу икки сегменти ўртасидаги нисбат ўзгариб, 1991 йилдаги 7:1 нисбатдан 1997 йилда 1:1,3 нисбатга тушди, яъни жаҳоннинг бошқа қисми билан савдо ҳажми ошди. Анъанавий савдо улуши мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда кескин пасайди.

Бу, асосан, Россия билан савдо айланмаси камайиши билан боғлиқ. 1997-1998 йилларда, айниқса, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг Россия билан савдо айланмаси 1991 йилдагидан анча кам бўлди. Бу кўрсаткич Қозоғистон ва Қирғизистон учун ҳам муҳим эди, лекин 1998 йилги инқироздан кейин бу мамлакатларда ҳам жиддий камайиш тамойили кўзга ташланди.

11.2. Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлик

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдоси, айниқса, биринчи босқичда, улар мустақилликка эришгандан сўнг, иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлди. МДҲда савдонинг умумий ҳажми мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда кескин камайишига қарамай, 1992-1995 йилларда уларнинг кўпчилигида йиллик ўртача ўзаро савдонинг ҳажми 1991 йилги даражадан юқори эди. Бу ҳол минтақада савдо тақсимотига ўзгариш киритиш имконини бериб, Қирғизистон ва Тожикистоннинг савдо соҳасидаги шериклари сифатида Ўзбекистон ва Қозоғистон мавқеини ошириб, ўзига хос барқарорлаштирувчи омил бўлди. 1998 йилда Қирғизистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлди. Қозоғистон билан Ўзбекистон, Қирғизистондан қайта экспорт (ре-экспорт) қилинаётган истеъмол товарларидан саноат тармоқларини ҳимоя қилиш учун божхона-тариф чораларидан фойдаланишга мажбур бўлди. Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон бир вақтнинг ўзида Россия ва Беларусь Божхона иттифоқига аъзо бўлиши, 2000 йил октябрида Евроосиё Иқтисодий Ҳамжамиятининг шаклланиши Ўрта Осиёда минтақавий ҳамкорликда муайян қийинчиликлар келтирди.

Лекин, Марказий Осиё давлатлари янада мустаҳкам мин-

тақавий ўзаро боғлиқликнинг объектив зарурлигини тан олган ҳолда савдо соҳасида ҳам, ресурсларни (сув, энергия ва бошқалар) бошқариш ва инфратузилмалар соҳасида ҳам минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат бошлиқларининг 2001 йил 28 декабрдаги учрашувида яна бир бор тўла масъулият билан таъкидлаб ўтилди.

Ушбу учрашувда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамиятини Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти деб қайта тузишга келишиб олинди.

1994 йилдан бошлаб Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг МДҲ дан ташқари давлатлар билан савдоси умумий савдо ҳажмида экспорт кўрсаткичлари бўйича ҳам, импорт кўрсаткичлари бўйича ҳам жаҳоннинг қолган қисми улуши, айниқса, Ўзбекистонда (1998 йилда 73,4% ва 72,2%) тез ўсди. Савдонинг жуғрофий тақсимоти анча ўзгариб, собиқ ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашидан Европа Иттифоқи, Шарқий Осиё, Шимолий Америка ва Яқин Шарқ томон силжиди. 2000 йилда Маказий Осиё давлатларининг МДҲдан ташқарида жойлашган асосий шериклари аввало Европа мамлакатлари (Германия, Буюк Британия, Швейцария, Нидерландия), сўнгра Шарқий Америка (АҚШ) ва Яқин Шарқ (Туркия, Эрон) мамлакатлари бўлди. Ташқи савдонинг умумий ҳажмида бу мамлакатлардаги шериклар иштирокининг улуши анча ошди.

Ташқи савдонинг товар таркиби муаммолари. Барча марказий Осиё давлатларининг экспорт товарлари асосан минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан иборат эди. Қозоғистонда асосан нефть ва нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металлардан, Қирғизистонда олтин, тамаки ва жун; Тожикистонда алюминий ва пахта толаси, Туркманистонда табиий газ, пахта толаси, нефть ва нефть маҳсулотлари, Ўзбекистонда пахта толаси, олтин, табиий газ ва рангли металлар экспорт қилинади (кўпчилик МДҲ мамлакатларига экспорт товарларнинг шундай таркиби характерлидир).

Импортга келганда эса, асосан озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол моллари, шунингдек, нефть ва нефть маҳсулотлари (Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистонда, кейинги икки мамлакатда эса яна газ) дан иборат бўлган. Кейинчалик импорт таркибида дон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашё улуши камайиб, машина-ускуналар кўпая бошлади. Бироқ мамлакат ичкарисида фойдаланиш учун импорт қилинаётган истеъмол товарларининг ўрнини қопловчи қайта ишлаш саноати товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймай туриб, импорт қили-

надиган машина ва ускуналар улушини кўпайтириш баъзи давлатларда жорий операциялар ҳисоблари бўйича катта сурункали дефицитга, бошқаларида эса истеъмол моллари импорти ҳаддан ташқари қисқартирилишига олиб келди.

Ташқи савдо ва рақобатбардошлик.

1998 йилнинг августида Россия рублининг девальвация қилиниши Марказий Осиё товарлари рақобатбардошлигига бевосита таъсир қилди. Айниқса, Россиянинг Европа Осиё бозорларига экспорти (ёнилғи, металлар) кўпайгани Қозоғистон шундай товарларни экспорт қилишига кўпроқ таъсир ўтказди. Бошқа товарлар эса сифатсизлиги сабабли уларнинг валюталари девальвация қилингандан кейин ҳам МДҲ дан ташқарида деярли сотилмай қолди. Бу экспортнинг рақобатбардошлиги ва хилма-хиллиги кўп жиҳатдан валюта алмашув курсининг ўзгаришига ва миллий валюталарнинг қадрсизланиши оқибатида нархларнинг нисбийлигига эмас, кўпроқ тузилмалар ислоҳотига боғлиқлигини исботловчи далиллардир. Россияда рублнинг девальвация қилиниши Марказий Осиё давлатлари товарларининг ички бозорда ҳам, Россия бозорида ҳам, бошқа бозорларда ҳам рақобатбардошлигига катта салбий таъсир қилди.

Ташқи савдони янада кенгайтириш йўллари ва зарурлиги. Янги Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришгач, аввал бошданоқ жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш йўлида вужудга келадиган бир неча фундаментал муаммоларга ва турлича ташқи қийинчиликларга дуч келди. Бу муаммоларни ҳал қилиш йўли минтақавий ва глобал савдо-сотиқни кенгайтиришдир. Бу Марказий Осиё мамлакатларига нисбатан аввал савдо мижозларини, товарлар турларини ва транспорт транзит йўналишларини кенгайтириш ва ўзгартиришни ўз ичига олади. Лекин, бу шароитларнинг ҳаммаси зарур бўлса ҳам, бозор ислоҳотлари давом эттирилмаса ва ташқи савдо эркинлаштирилмаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Жаҳон бозорига интеграция бўйича янги имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш учун Марказий Осиё давлатлари аввало қуйидаги асосий масалаларнинг тегишли ечимини топишлари зарур:

- корхоналар ўртасида бевосита ташқи савдони қўллаб-қувватлаш;

- ташқи савдо ва инвестиция инфратузилмасини, айниқса, ички ва халқаро тўлов тизимини такомиллаштириш;

- валюта алмашуви сиёсатини ислоҳ қилиш. Акс ҳолда, инвестицияларни жалб этиб, ташқи савдо имкониятларидан тўла фойдаланиб бўлмайди.

11.3. Глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати

ХВФ маслаҳатчилари валюта алмашуви (конвертация)ни жорий этиш юзасидан шошилинч чораларини кўриш, ўтиш давридаги мамлакатлар учун энг яхши кўрсатмадир, деган фикрни билдирдилар. Валюта алмашуви эркинлаштирилиши бозор ислоҳотларининг бошланишида эмас, балки пировард нуқтасида амалга оширилиши кераклиги тўғрисида фақат саноқли огоҳлантиришлар бўлган эди. Бу ёндашувлардан бири ўтиш даврини валюта алмашувини эркинлаштириш билан бошлашни, иккинчиси тугаллашни тавсия қилади. Ушбу икки ёндашувдан фарқлироқ ўзига хос янгича ёндашув таклиф этилади.

Марказий Осиё давлатларини валюта алмашув сиёсатига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Қирғизистон билан Қозоғистон биринчи ёндашувни танлади, Ўзбекистон билан Туркманистон эса ислоҳотларни аста-секин амалга оширишни афзал кўрди. Валюта алмашув сиёсатидаги тафовутга қарамай, глобал ва минтақавий молиявий инқироз Марказий Осиёдаги деярли барча давлатларнинг юзик макроиқтисодий барқарорлиги учун оғир бўлди. Бунга Россиядаги молиявий инқироз, айниқса, кучли салбий таъсир қилди. Бу пайтда Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистонда пулнинг қадрсизланиши кучайди. Қозоғистонда олтин-валюта захиралари анча камайди. Қирғизистонда катта миқдордаги ташқи қарзни тўлаш муаммоси пайдо бўлди. Россия инқирозига жавобан валюта алмашувини билвосита кучлироқ назорат қила бошлаган Туркманистон билан Ўзбекистонда тўлов баланси ва миллий даромадга салбий таъсир кузатилди.

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатларининг кумулятив ташқи қарзи (ўтиш давридаги ҳамма мамлакатларда ҳам шундай ҳол юз берган) ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигидаги шундай вазиятга тобора кўпроқ ўхшаб кетмоқда. Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатларда Россиядаги валюта инқирози (1998 йил, 18 август) тўлов баланси ўртасидаги бевосита боғлиқликни эслатди. Тобора кучайиб бораётган ташқи қарз муаммоси жорий операциялар, ҳисоблар ва капитал ҳаракати ҳисоблари бўйича сурункали тақчиллик билан боғлиқ бўлиб, халқаро захираларнинг тўпланишига тўсқинлик қилмоқда. Бинобарин, улар ташқи қарз муаммоларига оид чоралар балансини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни талаб этади, яъни жорий ва капитал ҳисоблар бўйича тушумлар умумий харажатлардан кўп бўлиши керак. Стандарт тавсияларда кўпинча:

- экспортни рағбатлантириш ёки товарлар ва хизматлар импортини камайтириш йўли билан жорий операциялар ҳисобдаги тақчилликни камайтиришга;

- импорт ўрнини босишга кодир бўлган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноатнинг экспортга мўлжалланган тармоқ-

ларига кўмаклашиш учун бевосита хорижий инвестицияларни, хусусий ва расмий кредитларни жалб этиш йўли билан капитал ҳаракати ҳисоби бўйича салбий қолдикни камайтириш чораларини ўз ичига олади;

- кутилмаган ташқи салбий таъсир натижасида иккала ҳисобда ҳам салбий сальдо ҳолларда тўловсизликдан қутулиш учун халқаро расмий захираларни етарли даражада сақлаб туриш тавсия этилади.

Ташқи қарз динамикасини баҳолаш ҳамда келажак учун зарур тавсияларни олиш учун самарали таҳлилий восита сифатида қуйидаги асосий тенгламалар ва моделлардан фойдаланилади:

Биринчи – соф ташқи қарзлар ҳажмини (хорижий валютанинг келиши ва кетиши балансига қараб ижобий ёки салбий) аниқлайдиган тенглама. Миқдор жиҳатдан у капиталнинг соф оқими, капитал оқими бруттоси, минус ўтган йилги амортизация билан тўпланган хорижий қарз қолдиғининг фоиз тўловлари ўртасидаги тафовут сифатида ўлчанади. Уни қуйидаги математик тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$BT = dD\text{-}rD \quad (1) \text{ ёки } BT = (d\text{-}r)\ D \qquad (1)$$

Бунда: D-тўпланган ташқи қарзнинг умумий ҳажми;

d-ташқи қарзнинг кўпайиш фоизи;

dD-соф капитал оқими ёки ташқи қарз умумий ҳажмининг кўпайиши;

r-ташқи қарзга тўланадиган ўртача фоиз;

rD-ташқи қарз бўйича йиллик тўловларнинг умумий миқдори.

Тенглама (1) ушбу давлат билан хорижий давлат ўртасидаги капитал ҳаракати натижасида ҳар бир йил доирасида хорижий валюта миқдорининг камайиши ёки кўпайишини кўрсатади. Агар d>r бўлса, мамлакатга валюта келади, лекин d<r бўлса, хорижий валюта мамлакатдан чиқиб кетади. Бошқача айтганда, ташқи қарз жалб этилган капиталдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, у ҳолда r кўпайган тақдирда ҳам ВТ ижобий бўлади, ташқи қарз қарздор мамлакатнинг на қисқа муддатли, на узоқ муддатли тараққиёт истиқболига салбий таъсир этмайди.

Бу концепция заминидаги асосий ғоя шундан иборатки, мамлакат унинг ҳисобини йилма-йил эмас, балки ташқи қарз олинган анча узоқ муддат доирасида баланслаши лозим. Бироқ бу мамлакат ҳар бир давр доирасида қарзнинг тўлов даражасини менсимаслиги керак, деган маънони билдирмайди. Бундан ташқари, мамлакатнинг тўлов қобилияти ва қарзларини тўлашга қудрати етиши тўғрисидаги хулоса пировард натижада пулнинг жорий ёки бир қанча йил давомида тўлаш муддатларини аниқ кўрсатиб, мамлакат олган мажбуриятлар ҳажми тўғрисидаги ахборотга асосланиши лозим. Буни қуйидаги эконометрик тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$(D_t - D_{t+1}) = Y_t - rD_t - C_t - \Gamma_t - G_t \qquad (2)$$

Бунда: $(D_t - D_{t+1})$ - t давридан t+1давригача ташқи қарздаги соф ўзгариш;

Y_t - t давридаги ЯИМ (соф пул ўтказиш киритилган);

rD_t - t даври учун тўла фоиз тўлови;

C_t - t давридаги истеъмол;

Γ_t - t давридаги ички инвестиция;

G_t - *t давридаги давлат харажатлари*

(2) тенгламадан келиб чиқадики, қарз миқдори маълум вақт давомида мамлакатда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва истеъмолни камайтириш, ички инвестициялар ва давлат харажатларини камайтириш ҳисобига камайтирилиши мумкин. Лекин мамлакат бир даврдан иккинчи даврга бундай қилишга қодир бўлмаса ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш, истеъмол, ички инвестиция ва ҳукумат харажатлари ташқи қарзни тўлаш учун зарур миқдордан кам бўлмайдиган даражага етса, у ҳолда мамлакат қарз инқирозига учрайди.

$$C_t + T_t + Q_t - Y_t < dD_t - rD_t \qquad (3)$$

Бунда: dD_t - t давридаги мамлакатга келган хорижий валютанинг жами оқими;

rD_t - ташқи қарзни тўлаш натижасида t даврида мамлакатдан чиққан хорижий валюта оқими;

$dD_t - rD_t$ - t давридаги ВТ.

Турли ташқи ва ички мураккаб омиллар d ва r га таъсир қилиши, бу эса ташқи қарз муаммосининг кескинлашувига олиб келиши мумкин. d ва r учун хос бўлган тамойиллар қуйидагича: аввал мамлакатнинг умумий қарзи кам бўлган ва унинг кўпайиш даражаси d, юқори тенденцияли бўлиши мумкин. Аммо D кўпайганда, d камая бошлайди. Чунки, ташқи қарзни тўлаш мамлакатга қўшимча капитал оқими ҳажмига тенглашади.

Иккинчидан, ташқи қарз тўпланишининг дастабки босқичи нисбатан кам бўлади (кўпинча нисбатан), чунки бу босқичда асосий манба муддатли ва тўлаш шартлари жиҳатидан имтиёзли расмий хорижий ёрдамдан иборат бўлади. Лекин кейинчалик r тез ўсиши мумкин. Бу тижорат банкларда бозор шартлари асосида олинган қисқа муддатли тижорат кредитлари билан боғлиқ.

Мамлакат ташқи қарзлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган пайтда дефолтдан халос бўлиш учун бундай вазиятни олдиндан кўришга имкон берадиган муайян воситаларга эга бўлиш муҳимдир. Тегишли тенгламалар (1)-(4) дан фойдаланиш ташқи қарз кўпайишининг асосий сабабларини миқдорий ўлчаш учун фойдали бўлиши ва ташқи қарз хусусида тўғри иқтисодий сиёсатни танлашга кўмаклашиши мумкин.

Икки чеклашни таҳлил қилиш моделларидан расмий ёрдамга эҳтиёжни ва мамлакатнинг бу ёрдамдан самарали фойдаланиш қобилиятини аниқлаш учун фойдаланилади. Бу моделлар умуман ташқи қарзни ўлчаш учун ҳам фойдалидир. Қарздор мамлакатларнинг кўпчилигида иккита асосий чеклаш мавжуд: инвестиция имкониятларига нисбатан ички жамғармаларнинг етишмаслиги ва товар импортида валюта бўлган эҳтиёжга нисбатан хорижий валютанинг етишмаслиги. Бу чеклашларни бартараф этиш учун мамлакат қўшимча равишда хорижий валютани жалб этади. Бу эса кейинчалик ташқи қарзнинг кўпайишига олиб келади.

Қарзнинг кўпайишини қуйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:

$$dD/D_t = rD + M - E \qquad (4)$$

Бунда: dD/D_t - қарз миқдорининг ўзгариши (биринчи ҳосила);
r - фоизнинг ўртача меъёри;
M - импорт;
E - экспорт.

Шу тариқа, бир вақтнинг ўзида тўлов балансининг ҳар уч қисмида ташқи қарзнинг ўсиш ҳолати ва муаммосини баҳолашга имкон берадиган ташқи қарзни бошқариш сиёсатини қўллаш ва миқдорий воситалардан фойдаланиш зарур. Шундай қилиб, ҳар томонлама ёндашувнинг умумий самараси ташқи қарзнинг сурункали тусини бартараф этишга ёрдамлашиши лозим.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар ташқи қарз муаммосидан ташқари ўз валюта бозорининг долларлашувига дуч келди. Янги миллий давлатларнинг кўпчилиги сингари Марказий Осиё давлатларида ҳам алмаштириладиган валюта жамғармасидан пулнинг қадрсизланишидан суғурталаш учун, валюта операцияларидан кўриладиган зарарни қоплаш учун, шунингдек, бошқа хатарлардан ҳоли бўлиши учун фойдаланилмоқда. Бироқ хорижий валютадаги депозитларнинг шу мамлакатнинг банк тизими барча депозитларига нисбатан долларлашиш даражасини тўла ўлчашга қодир эмас.

Маълумки, собиқ Иттифоқ ҳудудидаги мамлакатларда қонуний молиявий воситачилик даражаси паст бўлиб, норасмий операцияларда доллар мавжудлиги жуда катта роль ўйнамоқда. Шу сабабли, ўтиш даври иқтисодиётини таҳлил қилиш учун муомладаги хорижий валюта захираси каби кўрсаткич ҳам муҳимдир. Рўйхатга олинмаган битимларни миқдорий баҳолаш қийинлигига қарамай, норасмий хорижий валюта бозорининг мавжудлиги ҳукумат ўтказаётган сиёсатнинг самарадорлигини анча камайтиришидан далолат берувчи мисоллар кўп.

Хорижий валютанинг яширин бозорида катта имконият мавжуд капитал ҳаракатини тезлаштиришга ўхшаш натижа беради. Бу экспортнинг маълум қилинган қийматини камайтириш ва импорт-

нинг маълум қилинган қийматини оширишдан. капитал чиқиб кетиши учун қўшимча каналга айланади, яъни бу ҳол валюта алмаштириш даражасининг юқорилиги туфайли капиталнинг исталган вақтда кенг миқёсда чиқиб кетиши учун яна бир яширин канал бўлади. Улар биргаликда тизимларни қайта ташкил этиш босқичида янги миллий давлатларнинг кўпчилигида капиталнинг чиқиб кетишида муҳим омил бўлди. Капитал чиқиб кетишининг аҳамияти глобал ва минтақавий молиявий инқироз чоғида, айниқса, кучайди.

Ҳам савдони, ҳам валютани эркинлаштирган, шунингдек, капитал ҳисоби ва жорий операциялар ҳисоби тўла конвертациялаштирилган, ҳатто молиявий инқироз чоғида ҳам шу сиёсатга амал қилишга уринган мамлакатларда анча қийин вазият туғилди. Босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва валюта бозорларини аста-секин эркинлаштириш сиёсатини ўтказишда мамлакатлар ҳам бир қанча ташқи зарбаларга учрайди. Лекин бу зарбалар бошқача усулда билвосита шаклларга бўлади. Бу ҳол расмий ва норасмий бозордаги валюта алмашуви ўртасидаги тафовутнинг сезиларли бўлишида намоён бўлди.

11.4. Валюта алмашув курсларининг кўплиги

Ўзбекистон (Туркманистон билан) кенг доирадаги савдо чеклашларидан ва хорижий валютани назорат қилиш воситаларидан фойдаланиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга уринётган собиқ Иттифоқ ҳудудидаги кам сонли мамлакатлардан биридир. Бу чоралар яқинда юз берган глобал ва минтақавий молиявий инқирознинг салбий таъсирини камайтириш имконини берди, лекин шу билан бир вақтда улар катта норасмий товар ва валюта бозорларини келтириб чиқарди.

Алмашув курсларининг хилма-хиллиги маълум маънода кўпгина ривожланаётган мамлактларга хосдир. Ўтиш давридаги деярли барча мамлакатлар тизимларни қайта ташкил этиш чоғида шу муаммога дуч келди. Уларда қоида сифатида кўп ёки ками валюта алмашув курси мавжуд бўлди. Булар: ҳукумат томонидан белгиланадиган норасмий бозордаги алмашув курси жамоат секторининг барча операциялари ва хусусий сектор операцияларининг бир қисми расмий бозорда расмий алмашув курсида, айни пайтда хусусий сектор келишувларнинг қолган қисми яширин бозорда норасмий алмашув курсида амалга оширилди. Нақд ва нақдсиз пуллар учун турлича алмашув курси монопол банк тизимининг мавжудлиги ва чинакам тижорат банклари йўқлигининг бевосита натижасидир.

Параллел алмашув курси хорижий валюта бозорининг мавжудлигини ифодалайди. Бу давлат томонидан ўрнатилган савдо ва молия чеклашларининг натижасидир. Жорий операциялар ва капитал ҳисоблари бўйича операцияларга ҳукумат томонидан қўйилган кенг чеклашларга жавобан кенг миқёсли ва узоқ муддатли норасмий бозорлар вужудга келади.

Бундай чора-тадбирларнинг асосий сабаблари маълум индустриал, ташқи савдо ва валюта сиёсати билан боғлиқ. Ҳукумат баъзи тармоқлар ва корхоналар учун қулай шароит яратиб бериш, жумладан, валюта алмашувининг паст ставкаларидан фойдаланишга имтиёз бериш йўли билан уларни тўғридан-тўғри ёки билвосита қўллаб-қувватлаши мумкин. Тарифлар, савдо чеклашлари ва тўсиқларнинг мавжудлиги норасмий валюта бозори пайдо бўлиши учун етарли эмаслигини таъкидлаш керак. Экспорт ва импорт операцияларининг иштирокчилари хорижий валютадан эркин фойдаланар эканлар, бу савдо чеклашлари алмашув курси сегментлашувини келтириб чиқармайди. Улар хорижий валютага талаб ва таклифларга таъсир ўтказса ҳам операцияларнинг ҳар хил турларига ғов бўла олмайди. Фақат ҳукумат сиёсати хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш ҳажмига миқдорий чеклашларни (уни кўпинча меъёрий белгилаш дейишади) белгилаш йўли билан турли операциялар ўртасида чеклашлар барпо қилади. Хорижий валютага қондирилмаган эҳтиёж яширин бозорни вужудга келтиради, унда валюта қиймати айни пайтдаги таклиф билан белгиланади. Кўпчилик эътироф этган фикр шуни кўрсатадики, миллий валютанинг ҳақиқий қимматлашуви ва бунинг оқибатида яширин бозорда курснинг ўзгариши, ички бозорда ҳукуматнинг валюта алмашувини меъёрлаштириши (чеклаши) натижасида девалвация қилинган алмашув курси билан пулнинг қадрсизланиши суръати ўртасидаги фарқ кўпаяди. Демак, параллел алмашув курслари ҳукуматнинг валюта бозорини сегментациялаш ва меъёрлаштириш воситаси билан валютани назорат қилиш сиёсатининг қўшимча маҳсулидир.

Одатда, турли алмашув чеклашларини жорий этиш орқали валюта назоратини кучайтириб, жорий операциялар ҳисоби балансини ташқи салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш билан оқлашмоқчи бўлишади. Бироқ кўп сонли ва ҳар хил алмашув курслари мавжудлиги туфайли жорий операциялар ҳисоби сурункали тақчилликнинг муҳим омилига айланади. Алмашув курси турлича бўлган шароитда экспортчиларни чеклаш ва импортчиларни қўшимча рағбатлантириш жорий операциялар ҳисоби сурункали тақчиллигига олиб келади. Айни пайтда яширин бозордаги курсни тижорат алмашув курси билан бир хиллаштириш йўли билан алмашув курсларини бозор даражасида бирлаштириш экспортни рағбатлантириш ва импорт тазйиқни камайтириш ҳамда жорий операциялар балансини ҳар икки йўналишда яхшилашнинг энг самарали йўлидир.

Ўзбекистонда кўп сонли алмашув курси режимини қувватлашни оқлайдиган далиллардан бири шундан иборатки, у пулнинг қадрсизланишини камайтиради, ижтимоий ҳимоя чораси сифатида хизмат қилади. Ижтимоий йўналишдаги ислоҳотларни амалга оширишга киришган давлат учун бу далил кўп сонли алмашув курслари фойдасига хизмат қилиши ёки хизмат қилмаслигини текшириш учун бир неча статистик усуллардан фойдаланилган.

Алмашув курси билан пулнинг кадрсизланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқлик анча мураккаб. Кичик иқтисодиётда алмашув курси ўзгаришидан олдин ички нарх даражаси ўзгаради. Алмашув курси нархга икки йўл билан у товарлар импорти ва инфляция эҳтимолининг иқтисодий агентлар томонидан ҳисобга олиниши («инфляцион кутулиш») орқали таъсир қилади. Лекин алмашув курси ўзгариши (девалвация) натижасида ички нарх тўлиқ кўтарилмаслиги мумкин. Умуман, ўтказишнинг тўлиқ бўлмаслигига олиб келадиган икки омил мавжуд. Булар:

а) хорижда талаб катта бўлган, шунга қарамай мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган ҳамда хорижий товарлар билан бевосита рақобат қилмаётган товарлар. Бундай товарларнинг нархи алмашув курси ошгандан кейин бироз кечикиб кўтарилади ва ички валютанинг кадрсизланиши ставкасига тўла мос келмайди;

б) хизмат ва ишлаб чиқариш омиллари нархлари кўп ҳолларда ташқи нархларга бевосита боғлиқ бўлмайди.

Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда пулнинг қадрсизланишини тўхтатиш учун, аввало пул - кредит сиёсатининг бошқа асосий воситаларига таяниш зарурлигини билдиради. Ваҳоланки, алмашув курсига доир сиёсатга эса фақат қўшимча восита сифатида қарамоқ керак.

Бу таҳлил алмашув курсини эркинлаштиришни аввал бошдан оқ макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи тадбирлар қаторига киритишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ эди, деган фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Иккинчи томондан, бу алмашув курсини эркинлаштиришни ислоҳотларнинг охирига қолдириб бўлмаслигини кўрсатади. Маълум босқичдан бошлаб хорижий валютанинг яширин бозори мавжудлиги иқтисодий ўсишга борган сари кўпроқ салбий таъсир кўрсата бошлайди. Шу тариқа Марказий Осиё давлатларининг валюта алмашув сиёсатини таҳлил қилиш Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатларининг, шунингдек, Япония ва Шарқий Осиёдаги бошқа мамлакатларининг II жаҳон урушидан кейинги тажрибасидан келиб чиқадиган сабоқларни тасдиқлайди. Шунингдек, у валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштиришга қаратилган, аста-секин амалга ошириладиган чора-тадбирлар бир томонлама туб ислоҳотлар каби хавфли эмаслигини кўрсатади. Босқичма-босқич ёндашиш мамлакатларга бозор институтларининг ва энг муҳими, одамларнинг ўзгаришларга тайёрлиги асосида аста-секин пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Қисқача хулосалар

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлиги глобал иқтисодиётга қўшилиш шартидир.

Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлигида ҳуқуқий база муҳим аҳамият касб этади.

ХБФ ва Марказий Осиё ҳамкорлиги ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг ўрнатилиши алмашув курси сиёсатини юмшатади.

Алмашув курсининг хилма-хиллиги маълум маънода кўпгина ривожланаётган мамлакатларга хосдир.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати қандай аҳамиятга эга?
2. Марказий Осиё давлатларида ўзаро савдо ва минтақавий ҳамкорлик қай даражада ташкил этилган?
3. Ташқи савдо доирасини кенгайтириш йўллари ва зарурлиги қандай аҳамият касб этади? Бу савдо қандай йўллар орқали кенгайтирилади?
4. Жаҳон бозорига интеграциянинг қандай имкониятлари мавжуд?
5. Глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати нималарни тақозо этади?
6. Валюта алмашув курслари кўплигига нималар сабаб бўлади?

Асосий адабиётлар

1. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Тексты лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.
2. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международная эканомика. Теория и политика. – М.: МГУ, 1997.
3. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: «Узбекистон», 1996.
4. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. Пер. с анг. 2-е издание. М., Депо ЛТД, 1993.
5. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. В.В. Радаева и А.В. Бузгалова. – М.: МГУ, 1995.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: — «Ўзбекистон»,1995.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: «Ўзбекистон», 1997.

3. Каримов И.А. Хавфсизлик тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: «Ўзбекистон», 2002.

4. Кругман П.Р., Обстфельд М. Международное экономика. Теория и политика. – М.: МГУ, 1997.

5. Теория переходной экономики. Т. 1,2. Макроэкономика. Учебное пособие. / Под ред. Красикова Е.В.). – М.: ТЕИС, 1998.

6. Хасбулатов Р.Н. Мировая экономика. – М.: «ИНСАН», 1994.

7. Осадчая И.М., Козлова К.Б. и др. Государства и экономика развытых капиталических стран 70-года. – М.: «Наука», 1989.

8. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: Внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство, –Т.: «Узбекистан», 1996.

9. Грегори Мэнкью Н. Макроэкономика. / Под ред. Емцов Р.Г., Албегова И.М., Леонова Т.Г). – М.: МГУ, 1994.

10. Джефри Сакс. Рыночная экономики и Россия. – М.: «Экономика», 1994.

11. Украинский путь к рыночной экономике, 1991-1995. / Под ред. Домбровский М. И Антчака Р. – Варшава: CASE, 1996.

12. Клас Эклунд. Эффективная экономика. Шведская модель. – М.: «Экономика», 1991.

13. Налогово-бюджетная политика в странах с экономикой переходного периода. / Под ред. Вито Танзи. – Вашингтон: МВФ, 1993.

14. Ховард К., Журавлева Г. Принципы экономики свободной рыночной системы. – М.: «Златоуст», 1995.

15. Мацицин С., Синцина И. Банковская система и финсовый рынок России в 1994-1995гг. / Под ред. Домбровского М. – Варшава: CASE, 1995.

16. Чайкин Ю. Финансовый рынок республики Белорусь. – Варшава: CASE, 1996.

17. Линдерт П.Х. Экономика мирхозяйственных связей. –М.: «Прогресс», 1992.

18. Питерц Браунин. Современные экономические теории – буржуазные коонцепции. – М.: «Экономика».

19. Чепель С.В. Устойчивый экономический рост в Узбекистане – задачи, проблемы, механизмы. – Т.: Экономическое обозрение, 1990.

20. Ишмухамедов А.Э., Шибаршова Л.И. Экономическая интеграция в мировое хозяйство. Текст лекций. – Т.: ТГЭУ, 2000.

21. Фишер С., Дорибуш Р., Шмаленза Р. Экономика. / Пер. с анг. – 2-е издание. – М.: Депо ЛТД, 1993.

22. Экономика переходного периода. Учебное пособие. / Под ред. Радаева В.В. и Бузгалова А.В. – М.: МГУ, 1995.

МУНДАРИЖА

КИРИШ 5
I боб. ТРАНСФОРМАЦИЯ ДАВРИДА ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ... 7
1.1. Иқтисодиёт моделлари 7
1.2. Жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги аҳволи 9
1.3. Ўткинчи иқтисодли мамлакатларда ТИФ ривожланиши 11
Қисқача хулосалар 14
Назорат ва муҳокама учун саволлар 14
Асосий адабиётлар 14
II боб. «ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯ» ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАРИ 15
2.1.Ташқи иқтисодий муносабатлар ҳақида тушунча 15
2.2.Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувни белгиловчи омиллар ... 19
2.3.Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда ишлаб чиқариш ҳамкорлиги 20
2.4. Ташқи иқтисодий фаолиятда фан-техника ҳамкорлиги 22
2.5. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда ташқи савдони тартиблашнинг нотариф усуллари 23
Қисқача хулосалар 26
Назорат ва муҳокама учун саволлар 26
Асосий адабиётлар 27
III боб. ЖАҲОННИНГ АСОСИЙ ИНТЕГРАЦИОН ГУРУҲЛАРИ ... 28
3.1. Ҳудудий интеграцион комплексларни шакллантириш 28
3.2. Европа Ҳамжамияти – Жаҳон иқтисодиётига интеграцияда етук иктеграцион гуруҳ 32
3.3. Европа Валюта Иттифоқи 36
3.4. Шимолий Америка мамлакатлари ва Тинч океан Ҳамжамиятининг жаҳон иқтисодиётига интеграция хусусиятлари 38
Қисқача хулосалар 40
Назорат ва муҳокама учун саволлар 40
Асосий адабиётлар 40
IV боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИК ТИЗИМИДАГИ ИНТЕГРАЦИЯСИ – ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИ 41
4.1. Ташқи иқтисодий фаолият шарт-шароитлари 41
4.2. Ўзбекистонда ташқи иқтисодий сиёсатнинг ривожланиши 45
4.3.Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инвестициявий ва ҳуқуқий базаси 50
4.4.Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти ривожланишининг асосий йўналишлари 52
Қисқача хулосалар 55
Назорат ва муҳокама учун саволлар 55
Асосий адабиётлар 56

V боб. ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ 57
5.1.Европа Иттифоқи мамлакатларининг интеграциялашув стратегияси 57
5.2.Жаҳондаги глобаллашув ва иқтисодий интеграциялашув жараёнларида Европа Иттифоқининг ўрни 60
5.3.Ўзбекистоннинг ЕИ билан ҳамкорлиги 63
Қисқача хулосалар 65
Назорат ва муҳокама учун саволлар 65
Асосий адабиётлар 65
VI боб. ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХАЛҚАРО АМАЛИЁТИ 66
6.1.Халқаро иқтисодий интеграциялашувнинг шарт-шароитлари ... 66
6.2.Иқтисодий интеграция халқаро амалиётининг хусусиятлари ... 68
6.3.Европа иқтисодий интеграциясида глобаллашув омилининг таъсири 69
6.4.Ривожланаётган мамлакатларнинг минтақавий иқтисодий интеграциялашуви 72
6.5.Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик тизимига иқтисодий интеграцияси 76
Қисқача хулосалар 80
Назорат ва муҳокама учун саволлар 80
Асосий адабиётлар 80
VII боб. ИҚТИСОДИЙ ТАРРАҚҚИЁТ МОДЕЛЛАРИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШ МУАММОЛАРИ (Саудия Арабистони ва Ўзбекистон мисолида) 81
7.1.Иқтисодий тараққиёт моделлари 81
7.2.Саудия Арабистони ва Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари 86
7.3.Саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялашни давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш 88
Қисқача хулосалар 92
Назорат ва муҳокама учун саволлар 92
Асосий адабиётлар 92
VIII боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ 93
8.1.Ўзбекистон Республикасида ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши 93
8.2.Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви. БМТ фаолиятида иштирок этиши 95
8.3.Ўзбекистоннинг минтақавий халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлиги 97
8.4.Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан мустақил иқтисодий

интеграциялашуви..... 100
8.5.Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан интеграциялашуви..... 104
Қисқача хулосалар..... 106
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 106
Асосий адабиётлар..... 106
IX боб. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАХТА МАЖМУАСИНИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАҲОНДАГИ РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ..... 107
9.1.Жаҳон бозорига интеграциялашувда Ўзбекистон пахта мажмуасининг экспорт салоҳияти..... 107
9.2.Жаҳон пахта толаси бозорларидаги динамик ўзгаришлар шароитида ўзбек пахта толасининг рақобатбардошлиги..... 110
9.3.Ташқи иқтисодий фаолиятда пахта толаси экспорт салоҳиятини ошириш йўллари..... 114
9.4. Ўзбекистоннинг пахта толаси экспортига доир стратегияси..... 117
Қисқача хулосалар..... 123
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 123
Асосий адабиётлар..... 123
X боб. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА ЖАҲОН ИҚТИСОДИГА ИНТЕГРАЦИЯСИ..... 124
10.1.Трансформациянинг умумий тавсифи..... 124
10.2.Ўрта Осиё мамлакатларида трансформация жараёнининг назарий ва услубий негизлари..... 126
10.3.Ўтиш даврининг дастлабки босқичида Марказий Осиё давлатларида трансформация ва глобаллашув муаммолари..... 131
10.4.Қайта туб ўзгаришлар стратегияси..... 133
Қисқача хулосалар..... 139
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 139
Асосий адабиётлар..... 139
XI боб. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТГА КЎШИЛИШ СИЁСАТИ..... 140
11.1.Ташқи савдо ва глобал иқтисодиётга қўшилиш сиёсати..... 140
11.2.Марказий Осиё давлатларининг ўзаро савдоси ва минтақавий ҳамкорлик..... 142
11.3. Глобаллашув муаммолари ва алмашув курси сиёсати..... 145
11.4.Валюта алмашув курсларининг кўплиги..... 149
Қисқача хулосалар..... 152
Назорат ва муҳокама учун саволлар..... 152
Асосий адабиётлар..... 152
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 153

CONTENTS

Introduction..... 5
PART-I. World economy in the period of transformation..... 7
1.1.Economic models..... 7
1.2. Nowadays condition of the world economy..... 9
1.3. Development of International relations in transition countries..... 11
Brief conclusions..... 14
Questions for discussion and control..... 14
Main literature..... 14
Part-II. Concept of integration into the world economy and its ways..... 15
2.1. Concept of international economic relations..... 15
2.2.Indicators explaining integration into the market economy..... 19
2.3. Production in the process of integration into the world economy..... 20
2.4. Essence of scientific-technology in the process of integration into the world economy..... 22
2.5.Regulating ways of trade in the process of integration into the world economy..... 23
Brief conclusions..... 26
Questions for discussion and control..... 26
Main literature..... 27
Part-III. Main integration groups of the world..... 28
3.1.Development of regional integration complexes..... 32
3.2. European committee- Leading group in the process of integration into the world economy..... 36
3.3. European currency committee..... 38
3.4.North American countries and characteristics of Pacific ocean society in the process of integration into the world economy..... 40
Brief conclusions..... 40
Questions for discussion and control..... 40
Main literature..... 41
Part-IV. Uzbekistan's integration process into the world economy-basis of international economic relations..... 41
4.1. Conditions of international economic relations..... 41
4.2. Development of international economical politics in Uzbekistan..... 45
4.3. Investment and legal basis of international economic relations..... 50
4.4. Main trends of the development of international economic activities of the Republic of Uzbekistan..... 52
Brief conclusions..... 55
Questions for discussion and control..... 55
Main literature..... 56
Part-V. Relations of European countries with Uzbekistan..... 57
5.1.Integration strategy of European countries..... 57

5.2. The role of European committee in the process of world globalization and economic integration 60
5.3.Relations of Uzbekistan with European Community countries..... 63
Brief conclusions..... 65
Questions for discussion and control..... 65
Main literature..... 65
Part-VI. International activity in the development of economic integration..... 66
6.1. Conditions of international economic integration..... 66
6.2. Characteristics of the activity of international economic integration..... 68
6.3. The affect of globalization in the process of integration of European committee..... 69
6.4.Regional economical integration of developing countries..... 72
6.5. Economic integration of Uzbekistan into the world economic system..... 76
Brief conclusions..... 80
Questions for discussion and control..... 80
Main literature..... 80
Part-VII. Diversification problems of industrial production in economic development..... 81
7.1. Models of economic development..... 81
7.2. Similarities and characteristics of industrial production in Uzbekistan and Saudi Arabia 86
7.3.Development of governmental regulation in the diversification of industrial production..... 88
Brief conclusions..... 92
Questions for discussion and control..... 92
Main literature..... 92
Part-VIII. Relations of the Republic of Uzbekistan with the world Community..... 93
8.1.Development of foreign policy and foreign economic relations of the Republic of Uzbekistan..... 93
8.2. Integration of Uzbekistan into the world Community. Participation in the activities of UN..... 95
8.3. Efficient relations of Uzbekistan with International regional organizations 97
8.4. Economical integration of Uzbekistan with CIS countries 100
8.5.Integration of Uzbekistan with Central Asian countries..... 104
Brief conclusions..... 106
Questions for discussion and control..... 106
Main literature..... 106
Part-IX. Development of cotton export in Uzbekistan in the process of

integration into the world economy and increasing its competence 107
9.1. Role of Uzbekistan's cotton export in the process of integration into the world economy..... 107
9.2. Competence of Uzbek cotton thread in the market of world cotton thread..... 110
9.3.Increasing cotton thread export in international economic affairs... 114
9.4.Strategy of export of Uzbekistan's cotton thread..... 117
Brief conclusions..... 123
Questions for discussion and control..... 123
Main literature..... 123
Part-X. Transformation of CIS countries and their integration into the world economy..... 124
10.1.Essence of transformation 124
10.2. Theoretical and practical basis of transformation of Central Asian countries..... 126
10.3.Transformation and globalization problems of Central Asian countries an the initial stage of transition..... 131
10.4. Strategy of changes..... 133
Brief conclusions..... 139
Questions for discussion and control..... 139
Main literature..... 139
Part-XI. Economic integration into the global economy policy of Central Asian countries..... 140
11.1.Internationa trade and the policy of entering into global economy... 140
11.2. Trade in Central Asian countries and regional relation..... 142
11.3.Globallization problems and policy of exchange rate..... 145
11.4.Types of exchange rates..... 149
Brief conclusions..... 152
Questions for discussion and control..... 152
Main literature..... 152

List of Bibliography..... 153

ИШМУХАМЕДОВ АНВАР ЭГАМҚУЛОВИЧ
СУННАТОВ МУХТОР НЕЪМАТОВИЧ
ШИБАРШОВА ЛЮДМИЛА ИВАНОВНА

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯ

(Ўқув қўлланма)

Нашр учун маъсул:
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Адабиёт жамғармаси директори
Қурбонмурод Жумаев
Мусаввир: Акбарали Мамасолиев.
Муҳаррир: З. Йўлдошев
Техник муҳаррир: Ш.Таджиев
Мусаҳҳиҳ: Ж. Йўлдошев
Компьютерда саҳифаловчи: М.Ғойимназаров

Интернетдаги расмий сайтимиз: www.tsue.uz
Электрон почта манзили: info@tsue.uz

Теришга берилди 04.11.2003 й. Босишга рухсат этилди 20.01.2004 й.
Қоғоз формати 60x84 $^{1}/_{32}$. Офсет босма усулида босилди.
Нашр босма тобоғи 10. Нусхаси 500
Буюртма № 178

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти.
700000, Тошкент, Ж-Неру,1.

«Taraqqiyot PCH» фирмаси матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Белтепа мавзеси, 18-6.

3938-11
65,3
И975



ИШМУХАМЕДОВ Анвар Эгамқулович — *«Макроиқтисодиёт» кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи. Унинг раҳбарлигида 3 та докторлик ва йигирмадан ортиқроқ номзодлик диссертациялари ёқланган. У 10 тадан кўпроқ дарслик, 10 та ўқув қўлланма ва 100 тага яқин илмий мақолалар муаллифи.*



ШИБАРШОВА Людмила Ивановна — *«Макроиқтисодиёт» кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори. У 2 та монография, 2 та дарслик, 4 та ўқув қўлланма ва 50 дан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.*

Илмий ишларининг асосий мавзуси — телекоммуникация соҳасини ривожлантириш муаммоларига бағишланган.



СУННАТОВ Мухтор Неъматович — *«Макроиқтисодиёт» кафедраси катта ўқитувчиси. У 3 та ўқув қўлланма ҳаммуаллифи, 20 дан ортиқ илмий мақолалар чоп эттирган.*

Илмий ишларининг асосий мавзуси — «Солиқ механизми асосида макроиқтисодий бошқаришни такомиллаштириш».

